


196
9-1883

ISSN 7444



3
14

ГУЛИСТОН

1

1989

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

ГБ УССР
Ж 95342

Э СИМДА, ЮҚОРИ синфда ўқир эдим. Математика муаллимимиз дарсидан юрагимиз безиллайдиган бўлиб қолди. У баъзан дарсда мисол, масалаларни ечолмай, доска тагида қора терга тушиб, қизариб кетар эди. Ушанда мактабимизга ёш, сергайрат бир ўқитувчи келганди. У баъзан муаллимимиз йўқлигида ўрнига дарсга кирар, унинг сабоғи, ўқитиш тарзи, билиму маҳорати ҳаммамизни сеҳрлаб қўйган эди. Биз синфдошлар ўзаро маслаҳатлашиб, мактаб дирекциясига янги ўқитувчини муаллимликка тайинлашни сўраб ариза — илтимоснома ёздик. Мактаб директори билан илмий мудири синфга кириб, бизни одобсизликда, кўрнамаликда айблашди, койишди. Ҳарқалай, «андишасизлигимиз» зое кетмади. Улар муаллимимизнинг дарсини кетма-кет текшириб кўришгач, ҳақ эканлигимизга қаноат ҳосил қилишди шекилли, илтимосимизни қондиришди.

Янги ўқитувчи бизни иштиёқ билан, астойдил ўқита бошлади. Дарсдан кейин қўшимча шугуллади, олдинги сабоқларимиздаги камчилик-кемтикларни сабот билан тўлдириб-текислаб борди. Натижаси ёмон бўлмади; ўз кучи-

мизга ишонч уйғонди. Бу биз учун жуда муҳим эди. Уша йили мактабни битирган синфдошларимизнинг аксарияти турли ўқув юртига ўқишга кирдилар. Кейинчалик уларнинг ҳаммаси дипломли мутахассис бўлди, ҳаётда ўз ўрнини топди.

Бу воқеага кўп йиллар бўлди. Уша журъат, ўша саъй-ҳаракатлар ҳозирги кун талаби, давр руҳига нақадар ҳамоҳанг эканлигини ўйлаб, ҳайратланаман. Шу воқеа баҳона — яна бир мулоҳаза: ўша бизни чаласаводликдан қутқариб, кўзимизни очган ўқитувчи каби муаллимларимиз, афсуски, кўп эмас, жуда-жуда оз экан... Мен тарих ва география ўқитувчимиз, Улуғ Ватан уруши қатнашқаси Шариф Мирзақулловни чуқур ҳурмат-эҳтиром билан эсламан. Ҳар гал: «Ўқитувчи аввало шахс бўлиши керак», деган гапни эшитганимда, кўз олдимга ўша муаллимимиз келади. Дарвоқе, у яхшигина спортчи ҳам эди. Бир гал қишлоққа борганимда, марҳум домлашимнинг собиқ ўқувчилари Ашурали Қораев, Кабир Бердиқулов, Йўлдош Бойбўтаев каби жонқуярлар ташаббуси билан Шариф Мирзақулов хотирасига бағишланган волейбол мусобақаси ўтказилганини айтишди. Шу гапни эшитиб, беихтиёр кўзларимдан ёш чиқиб кетди: хайрият, унуттишмабди!..

масалаларининг махсус муҳокама қилиниши катта воқеа бўлди. «Ўқитувчи — қайта қуришда қатнашувчи энг муҳим шахсдир, — деб таъкидланди Пленумда. — У бизни эътиқод, билимдонлик ва эҳтирос билан қўллаб-қувватласа — қайта қуришнинг кўпдан-кўп янги астойдил тарафдорлари ва курашчилари, революцион социалистик ишнинг давомчилари майдонга келверади».

Эндиликда маориф ишларига анча жиддий эътибор берилмоқда. Ўқитувчиларнинг маоши ошди. Турли сабаблар билан мактабдан кетиб қолган педагогларнинг бир қисми ўз соҳасига қайтиб келди. Аммо ҳамон ишда силжиш сезилмаяпти. Биргина маошни ошириш билан мудоаага эришиш мўшкул экан. Энди қуруқ шорлар, гап-сўзлардан тезроқ амалий ишга ўтиш пайти келди. Ахир, «Ўқитувчи» экспериментал программаси бежиз ЮНЕСКО иш планига киритилмаган.

Таълим-тарбияга дахлдор мутасаддилар билан суҳбатлашганимда улардан: «Нега ислохот амалга ошмаяпти? Маориф соҳасидаги асосий тўғаноқлар нималардан иборат?» деб сўрайман. Уларнинг жавоблари ва ўзимнинг айрим кузатишларимдан шу нарса маълум бўладики, бу борадаги муаммолар биз ўйлагандан кўра кўпроқ ва чалқашроқ экан. Бунини бир-икки оғиз сўз билан баён қилиш қийин.

Кўзга яққол ташланиб турган муаммолардан бири — маорифга раҳбарлик масаласи. Бу иш мутлақо қониқарсиз аҳволда. Ҳамон эскича иш усуллари — бюрократизм, қоғозбозлик, ангилликдан чўчиш, консерватизм, догматизм каби иллатлардан қутуллолмаяпмиз.

Районлардан бирида маориф бўлими инспектори вазифасида ишлайдиган дўстим бор. У билан таълим-тарбия, ислохот ҳақида кўп гурунглашамиз. Бир гал у мудири билан таништирди. Суҳбат чоғида мудири маорифни қайта қуриш, мактаб ислохоти билан боғлиқ анча-мунча гапларни айтди. Мундоқ қараганда, ҳамма фикрлари тўғри, асосли эди. Шунда, дўстим ерга қараганча мийғиёга секин кулиб қўйди. Холи қолган, ундан: «Нима гап ўзи?» — деб сўрадим. «Эҳ, — деди дўстим анчиқ истехзо билан қўл силтаб. — Мудирининг ҳамма гапи фирт сохта, мунофиқлик! Қайта қуриш ҳақидаги шорларни ўзинга қалқон қилиб олган, амалда ҳамма иш эскича бўлаяпти. Нимаси эскича дейсанми? Масалан, айтилик, бирон таклиф-истак билан ҳузурига борсанг, масалага умумий иш манфаати юзасидан эмас, шахсий мавқеа-манфаат, тор маҳкамачилик нуқтаи назаридан ёндошадди. Районимиздаги кўпгина мактаб директорлари мутлақо талабга жавоб бермайди; яхши ўқитувчилар ишдан беэзиб, кетиб қолмоқда. Ваҳоланки, чўлда ўқитувчи етишмайди. Уша яроқсиз раҳбарларни янгилайлик, кўп жойларда бўлаётганидек, демократия асосида сайлов ўтказайлик десак, эшитишним хохламайди. Чунки йиллар давомида ҳаммаси бир-бири билан ошна-оғайни, «нон-қатиқ» бўлиб кетган, кўпидан совға-саломлар олган, уйига бориб, зифатини еган. Шундай бўлгач, бир-бирининг «кўзига чўп суқмайди-да».

«Сенинча нима қилиш керак?»
«Биринчи галда мудирини ишдан бўшатиш керак».

«Ҳа қараб турибсизлар? Бўшатишлар! Ахир, бизда демократия, ошкоралик...»

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий
адабий-бадиий журнали

№ 1 (467)

Январь
1989

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

Эта
№ 1

«Э... айтишга осон. Ҳаётнинг ўз қонунияти бор...»

Мен бошқа жойларда, айтайлик, пойтахтда аҳвол қандай экан, деб баҳоли қудрат ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб изладим.

Бурноғи йили ёзда Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ маорифи бўлими мудирга М. А. Рабиновичнинг ҳузурига икки ҳафта қатнаб, суҳбатини ололмадим: мудирнинг вақти йўқ эди. Фақат бир гал бор тавокал дея ичкарига навбатсиз суқилувдим, орқамдан қабулхонадагилар ёпирилишди. Шоша-пиша мудирга асосий саволлардан бирини беришга зурга улгурдим: «Ислоҳот нима бўлади?» «Ислоҳот ҳеч қачон бўлмайди! — деди у иккиланмай ва атрофдаги одамларни кўрсатиб, изоҳ берди. — Ахир, кўриб турибсиз-ку, ишлашга, ислоҳотни ўйлашга фурсатим йўқ!»

М. А. Рабиновични маориф ишини яхши биладиган, тажрибали педагог деб эшитган эдим. Афсуски, у билан бафуржа гаплашишнинг иложи бўлмади. Ноилож ташқарига чиқдим. Узун коридорда навбат кутиб турганларнинг саноғи йўқ эди. Ҳаммасининг шахсан мудирнинг ўзидеги иши бор. Тўғри, ёз охи — маорифчилар учун ишга жойлашиш ёки ишни ўзгартириш мавсуми. Аммо нега энди ҳамма масалани фақат мудирнинг ўзи ҳал қилиши керак? Нега энди одамлар соатлаб, ҳатто узукун навбат кутиб, сарсон бўлишади? Наҳотки, ишни оқилона ташкил этиш мумкин эмас?

Пойтахтлар азал-абад тараққийёт рамзи, маданият, билим ўчоғи ҳисобланади. Бу ерда зиёлиларнинг гули тўпланган. Шунинг учун ҳам йирик шаҳарлар ҳамisha ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг маркази, қон томири бўлиб келган. Хўш, шундай экан, пойтахтимизда маориф ишлари қандай аҳволда, деган ҳаққоний савол туғилади...

«Очиқ эътироф этиш лозим, шаҳарда бутун маориф системаси тўла ўз ҳолига ташлаб қўйилган экан. Кадрлар тайёрлаш ишига олий ўқув юрталари ва техникумларга қабул қилишда ошана-огаини гарчилик катта зарар етказди, социал адолат оёқ ости қилинди, жамиятга маънавий путур етказилди. Натижада бизнинг битирувчиларимизни бошқа республикаларда ишга олишни истамайпти. Одатда, буни тайёрларликнинг паст савияси билан изоҳлайдилар». Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатиннинг «КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил Февраль пленуми қарорлари асосида шаҳар партия ташкилотининг халқ маорифини қайта қуриш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» қилган докладада айтган бу аччиқ, ҳаққоний сўзлари ҳаммамизни жиддий ташвишлантирмоғи лозим. Айниқса маориф ходимлари зиммасидаги муқаддас масъулият ҳиссини алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Афсуски, кўпгина педагоглар янгича ишлашни, ўзларини қайта қуришни истамаётдилар. Айрим маориф ходимларининг ўзлари эса, тарбиячи деган юксак номга доғ туширмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР юстиция министри Б. Олимжоновнинг ёзишича, Арнасай районидagi мактаб ўқитувчиси Н. Самаров ўз рафиқасини мунтазам равишда таҳрирлаб келган. Ичкиликбозликка берилган. Бу аҳволдан мактаб коллективи хабардор бўлса-да, ҳеч қандай чора кўрмаган. Оқибатда ўқитувчининг рафиқаси Наврўз Самарова ўзини ўлдиришга мажбур бўлган. Айбдор жазоланди, мактаб директорига эса... ҳайфсан эълон қилинди.

Афсуски, жойларда бундай аянчли воқеалар ҳамон учраб турибди. Булардан кўз ююлмаймиз.

Чингиз Айтматов бир суҳбатда: «Биз маориф ҳисобига тежамаслигимиз керак», деган эди. Бу масалани алоҳида таъкидлашни истардим. Мактабларимизнинг моддий-техника базаси ниҳоятда ночор. Узоқ район, қишлоқларни қўя турайлик. Ҳатто пойтахт Тошкентда ҳам мактаб бинолари етишмайди. Мактабларнинг 75 процентида ўқув-тарбия ишлари икки смедана олиб борилади. Бир синфда 35—40 ва ундан кўпроқ бола ўқийди. Бунақада ўқув сифати пасаяди, қўшимча машғулотлар, тўғрақ-



Янги инсон
дунёга келди.

А. Караваев фотоси

лар фаолияти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳар йили ёзда мактаб репетиция қилинганда, боёқиш ўқитувчилар ва ота-оналарнинг юраги безиллаб туради. Чунки маблағ ажратилмайди. Ота-оналар ўз чўнтақларидан ремонтга пул тўлайдилар, ўзлариям бир-икки кун ишдан қолиб ёрдамлашадилар. Тўғри, бу ҳамма жойда эмас, қолаверса, ҳеч ким бунга мажбур қилинмайди. Аммо ота-она фарзанди учун ҳамма нарсага тайёр, фақат унинг ҳиммат-савобини сунистеъмол қилмаслик керак.

Бахмал райониде бўлганимда, менга ҳикоя қилиб беришди: у ерда аҳолидан шаҳардагидек тўрт-беш сўмлаб эмас, эллик-юз сўмнинг нари-берисида пул тўплашиб, мактаб қуришаркан!.. Бу далиллар изоҳини мутасаддиларга ҳавола этсак-да, ислоҳот бўйича яна қандай тўсиқлар, мушкулотлар бор, деган саволга жавоб излашда давом этсак.

Бизда ҳамон яхши дарсликлар, қўлланмалар яратилмаётти. Борларининг сифати талабга жавоб бермайди. Кўпгина дарсликлар рус тилидан таржима қилинган, маҳаллий материаллар ва шарт-шароитлар ҳисобга олинмаётти. Адабиёт дарсликларининг сифати ҳақида А. Аъзам, Т. Адашбоев, С. Барноев, А. Обиджон каби адиблар матбуотда жиддий чиқишлар қилишди. Эски ёзувимизни мактабларда ўргатиш ҳақида анчадан бундан гапирилаётти. Аммо ҳали-ҳамон қуруқ гапдан амалий ишга ўтолмаймиз. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Эркин Юсуповнинг ёзишича, шарқшунослик институтимиздаги кўлэзма манбаларини ўрганиш шу аҳволда давом этадиган бўлса, уни халққа етказиш учун яна камида тўрт минг йил керак бўларкан! Демак, мутахассислар тайёрлашни мактаб парта-сидан бошлаш керак. Эски ёзувини ўқий оладиган саноқли кексалардан кейин мерос билан ким шуғулланади? Ахир, ўз тарихи, ўтмиш меросидан беҳабар халқ илдири қирқилган дарах билан баробар-ку! Тарихни билмаган одам қандай қилиб шу куннинг қадрига етади? Унда тўғри тушунча, тўғри илмий дунёқараш қаёқдан пайдо бўлади?

Биз баҳслашаяпмиз, тортишаяпмиз, чоратдбирлар белгилашаяпмиз, аммо олдинга силжиб, кўнгилга таскин берадиган ўзгартириллар деярли сезилмаётти. Дарсликлар яратиш борасида қардошларимиз тажрибаси кўй келиши мумкин. Молдавияда Г. Виеру, С. Вангели, Болтиқбўйи республикаларида В. Зиедонис, О. Воцетейе каби таниқли адиблар бошланғич синфлар учун дарслик яратилишига бош қўшишди. Ас-

римизнинг буюк композитори Д. Кабалевский узоқ йиллар мактабларга бориб, ёш авлодга музикадан сабоқ берди. Грузияда машҳур педагог, психология фанлари доктори Шалва Амонашвили бошланғич синфларни ўқитди, мактаб учун ажойиб китоблар ёзиб берди. Нега энди бизнинг республикамизда ўзларини имон эътиқодли, халқпарвар, ватанпарвар ҳисоблайдиган олимларимиз, санъаткорларимиз хайрли, савоб ишга қўл ургилари келмайди?


Мактаб ислоҳоти йўлидаги энг катта тўсиқ-ғов — мактабнинг ўзида, аниқроғи — ўқитувчининг ўзи! Янада очиқ-ошкор айтадиган бўлсак, бошқа соҳаларда кузатётганимиздек, ўқитувчи ўзини қайта қуришни хоҳламаётти. Олдин яхши ишлаб, яхши ўқитаётган муаллим бугун ҳам ўшандай фаолият кўрсатаётти. Демак, улар учун ўзларини қайта қуришга ҳожат йўқ. Айни чоғда мактабга янгилик келиб қолган, касб тайёрларғи мутлақ талаб даражасида бўлмаган, боланинг, демак, мамлакатнинг келажағига катта зиён етказётган муаллимлар ҳам ўша-ўша — жойида туришибди. Афсуски, булар озчилик эмас! Биз тарбияси қийин болалар ҳақида гапириб келдигу аммо тарбияси қийин ўқитувчилар билан камроқ шуғулландик. Маълум бўлаяптики, тарбиячини тарбиялаш ўқувчини тарбиялашдан кўра қийинроқ экан! Қизиқ пародокс! Мен мутлақо муволаға қилаётганим йўқ! Қайси мактабга борманг, қайси маориф раҳбари билан учрашманг, ўқитувчиларнинг савияси пастлигидан, ўз устиде ишлаб, ўқиб-ўрганишни истамаётганидан зорланишди. Биз ҳамма соҳада бўлганидек, қайта қуришни ҳам ўқитувчининг ўзига, виждонига, онглилик даражасига ҳавола қилиб қўйдик. Умуман жамиятимиз онглиликка асосланган-ку! Онгдан эса дарак йўқ. Нима қилиш керак?..

Битта мактабда ўрта ҳисобда талаба жавоб берадиган ўқитувчилар неча фоизини ташкил этади, деган саволга кўпинча 25—30 фоиздан ошмайди, деб жавоб беришади. Қолган етмиш фоизи мактабда нима қилиб юрибди? Чора йўқми? Бор. Унинг номи — аттестация. Мактабда ишлайдиган ҳар бир ўқитувчи маълум бир муддатда аттестация синовидан ўтиши шарт. Афсуски, жойларда бу зарур тадбир юзаки, хўжақурсинга ўтказилади.

Мен бир таниш мактаб директоридан: «Нега аттестацияни холис, ҳаққоний ўтказмайсизлар?» — деб сўрадим.

(Давоми 19-бетда)


«БЎРОН»НИНГ ПАРВОЗИ



«Бўрон» орбитал комплекси билан «Энергия» универсал космик-ракета транспорт системасининг учирилиш пайти.

«Бўрон» орбитал кемаси парвоздан сўнг.

(ТАСС фотоси)



1988 йил 16 ноябрь. Уша кунги газеталарда Совет космонавтикасида жаҳоншумул янгилик юз берганлиги катта қувонч билан хабар қилинди: 1988 йил 15 ноябрь куни Москва вақти билан соат 6.00 да Совет Иттифоқида кўп марта фойдаланиладиган «Бўрон» орбитал кемаси билан «Энергия» универсал космик-ракета транспорт системаси учирилди. Соат 6 дан 47 минут ўтганда, орбитал кема ҳисоблаб қўйилган орбитага чиқди.

Синовал программасида орбитал кеманинг Ер атрофидан икки марта айланиб учини ва унинг Москва вақти билан 9 дан 25 минут ўтганда автоматик режимда Бойқўнғир космодромига қўниши кўзда тутилган эди.

1988 йил 15 ноябрда Москва вақти билан соат 9 дан 20 минут ўтганда, «Бўрон» кемаси Ер атрофи орбитаси бўйлаб икки марта айланиб, Бойқўнғир космодромига маҳсус қўниш йўлига қўндирилди.

Жаҳонда биринчи марта қўниш автоматик режимда амалга оширилди. «Энергия» универсал космик-ракета транспорт системаси билан кўп марта фойдаланиладиган «Бўрон» орбитал кемасини синаб учирини программаси тўла бажарилди.

Ҳа, бу синов парвози эди. Оддий кишилар учун бошқарув марказида механизм «тугма»ларидан бирини босиб, космик кемани учуриш, маълум қисқа вақтдан кейин уни ерга қўндириш жараёни осондек туюлиши мумкин. Лекин бу жараён ҳар қачонгидан кўра ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли эди.

Маълумки, Америкада одамлар томонидан бошқариладиган «Спейс Шаттл» типидagi кўп марта фойдаланиладиган космик кемалар учираётганига бирмунча вақт бўлди. Сиртдан қарашда, гўё Совет Иттифоқи бу борда Америкадан орқада қолаётгандек туюларди. Аслида эса бизнинг юксак иқтидорли олимларимиз, конструкторларимиз, инженер-техник ходимларимиз кўндан бери шу йўналишда нисбатан фарқлироқ ҳолда иш олиб борар эдилар. Улар ўзларининг олдига кўп марта фойдаланиладиган орбитал кеманинг дастлабки синов парвозини экшпажлариз, бошқарув марказида маҳсус автоматик системалар ёрдамида амалга ошириш вазифасини қўйдилар. Олимларимиз, конструкторларимиз узок муддатли бедор тунлар, тинимсиз кунлар ҳисобига космонавтика тараққиётида ана шундай мураккаб, айни вақтда ниҳоятда шарафли вазифани муваффақиятли амалга оширдилар.

«Бўрон» орбитал қораблининг муҳим хусусиятлари нимада?

Ана шундай ажойиб янги космик техниканинг ижодкорлари бўлган Бош конструкторларнинг марказий телевидение муҳбирларига берган шарҳида таъкидланишича, «Бўрон»нинг парвози, унинг синов

учун учирлиши бу кўп марта фойдаланиладиган кемаларни яратиш ва улар ёрдамида космик фазони тадқиқ қилишдек кенг миқёсли ишларнинг дебочасидир. Янги космик кема «Энергия» универсал космик-ракета транспорт системаси ёрдамида Ер атрофи орбитасига чиқарилади. Бу жараёнда икки босқичли кудратли ракеталар қувватидан фойдаланилди. «Бўрон»нинг ҳаракат тасвирларини Ерға, яъни «зангори экран»га муттасил равишда узатиб туришни таъминлаш учун кемани ҳавода маълум масофаларда ичиди телеоператорлари ҳам бўлган «МИК» ва «ТУ—154» тезулар самолётлари ҳамроҳ бўлиб кузатиб бордилар ва унинг қўнишини ҳам кузатдилар. Бу самолётлардан бирини Муҳаммад Тўлбоев ва иккинчисини Римантас Станкявичюс ва Урал Султонов бошқардилар. Демак, турли миллатларнинг вакиллари бўлган бу синовчи-учувчилар кўп марта фойдаланиладиган орбитал кемани яратишдек улкан бунёдкорлик ишида иштирок этдилар.

Матбуот ахборотларидан маълумки, «Спейс Шаттл» типидagi Америка кемалари улкан тузали қўлнинг тагига қўндирилган. Кўп тузали кўл суви бекиёс даражада қизиб кетган кеманинг сиртки томонларини совутишга хизмат қилган. «Бўрон» кемаси эса Бойқўнғир космодромидаги маҳсус, армирланган бетон йўлакка қўндирилди. Унинг қалинлиги 48 сантиметр, эни 84 метр ва узунлиги эса 4,5 километр. Кема 5 минг километрик тезликдан маҳсус механизмлар ёрдамида 500 километрик тезликка ўтиб, Ер юзасига яқинлашади.

Юз тонналик баҳайбат кема орбитадан чиқиб, ҳаво қатламига жуда юқори тезликда қиради. У, самолётларга ўхшаб эмасдан, тик ҳолатда пасаяди. Шу вақтда учини тезлигига нисбатан ҳаво қатламининг кўрсатган қаршилиги таъсирида иссиқлик кучи кескин ортади. «Бўрон» бу иссиқ босимга ўзининг мустаҳкам сопол тағлиги билан бардош беради. Бу сопол тағлик кема сиртини ортиқча қизиб кетишдан муҳофаза қилади. Уша сополлар Ер шароитида жуда юқори хароратли маҳсус печларда қиздирилиб, синовдан ўтказилган эди. «Бўрон»нинг бетон йўлакдаги тезлиги эса автоматик механизмлар кеманинг орқасидан бирварақайига чиқарилган учта парашют куббалари таъсирида кескин пасаяди ва у автоматик равишда тўхтади.

«Бўрон» орбитал кемасининг Ер орбитасига қиқини ва унинг орбита бўйлаб сайёрамиз атрофини икки марта айланнини давомида унинг ичига ўрнатилган механизмлар ёрдамида бошқарув марказига кўп миқдордаги ахборотлар узатилади. Бу ахборотлар космонавтика фанимиз ва унинг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эгадир.

БАҲОР РАНГЛИ УЙЛАР



Асфальт йўл илондай тўлғаниб жануб сари чопгани чопган. Бениҳоя узун, на боши, на поёни кўринади. Икки тарафга муттасил таралиб борган йўлчалар — унинг беҳисоб қанотлари. Узингизни бир зум эртақлар кўйида — Аждар Султон баҳодирни девлар ва парилар макони-га учириб олиб кетаётгандек сезасиз. «Жигули» бир кўтариб ташлаганда хушга келиб, мийиғда кулиб қўясиз. Боботог, ундаги машҳур Илонгор, Кўхитанг тоғидаги яқинда очилган табиий галлоцидация (тасвириланш кўзгуси) фори воҳага қадам қўйган одамни афсоналар оламига бошлайди. Эртақлар: «Реал, ҳақиқатман, култепалар, тупроқ-қальалар каби кўмилган тирик тарихман!» дейди, ҳаёт ҳақидаги энг катта кўзгуликка даъво этади. Балки, ростдир. Абадий яшаб келаётганининг боиси шундир!

Ўзбекистоннинг минтақалари хилма-хил, аммо ҳаёт, одамлар ҳамма жойда бир хил. Барча қишлоқлар ўхшаш, ҳамма йўллар бир-бирига туташ. Ингирма миллион одам ягона жисмга бириктиб, бир ўпқадан нафас олаётгандек, битта орзу ҳаётга чорлаб, умумий ташвиш миллион юракнинг ярасига туз сепаётгандек туюлади. Шундай онларда халқни аққол тасаввур этасан одам.



Жарқўрғон районидagi Н. Боймуродов номли колхознинг илгор механизатори Чори Махмудов.

И. Хўжаев фотоси
(ЎзТАГ)

Икки қардош, икки ҳамсоя республика пойтахтлари — Тошкент ва Душанбе йўллари учрашган чорраҳанинг биқинида бир қишлоқ бор. Бир вақтлари миллионер саналган «Қизил юлдуз» колхозси бор. Катта йўлнинг эпкини колхоз қизларининг сочларини ўйнаб ўтади, эгатларда туғилган болалар «Катта йўл» китобини ўқиб, ҳаёт саводи чиқади. Катта йўл — телеграф, бетиним оқиб турган машиналар ва одамлар, катта ҳаёт хабарларидир.

Илгари бир ариқнинг ёқасига жой бўлган қишлоқ бугун шаҳар каби даҳаланиб кетган. Дастлаб Кўрғон ва Деҳқонбирлашув мавжуд эди. Икки қишлоқ — икки колхоз эди ўз бошига. Кейин улар қўшилди, колхоз йириклашди. Сўнгра Шогол овул, Пиркрус, Комсомол қишлоқлари пайдо бўлди. Яна янгилари туғилаяпти: «Янги қишлоқ», «Депутат қишлоқ»...

Занг каланинг гирдига 20-йилларда кўчиб келган юз хўжалик ўзидан кўпайиб, ҳозир минггага етган. Кўча чангитиб юрган жужуқларни ҳам кўшиб ҳисоблаганда, бугун ўн мингга яқин киши истиқомат қилади. Бир товۇққа ҳам дон, ҳам сув керак. Одам боласига эса иссиқроқ хужра ҳам даркор.

Колхоз аҳолиси учун уйларни иккита пудратчи қурмоқда. Бир — 82-колхозлараро механизмлашган кўча колонна, иккинчиси — колхозчилар ҳашари. Термиз ва Ангор районларига қаршали колхоз ва совхозларнинг мазкур бош пудратчиси — 82-кўча колонна мавқеи ҳақида иккита далил ҳам тасаввуримизни анча бойитди. 1985 йили Сурхондарё области номидан Тошкент шаҳрининг Юнусобод массивида қурган замонавий боғчани махсус қабул комиссияси юқори баҳолади. 1988 йили янада масъулиятли вазифа — Термиз аэропортининг янги комплексини қуриш шу коллективга ишониб топширилди.

Бинокорлар коллективи аэропорт қурилишини зарбдор участка деб эълон қилди. Ва унга тажрибали прораб Раҳимназар Саодатов раҳбарлигида иккита комсомол-ёшлар бригадаси сафарбар этилди. Ҳозир етти объект: 1—2 диспетчерлик пунктлари, ҳаво ҳаракати шар учирши йўли билан аниқланган водородхона, газхона, самолётларнинг учиб-қўниши телевизор орқали назорат этиладиган кузатув пунктлари, дизель агрегати хонаси (электр токи бўлмаганда фойдаланилади) жадал сурьатлар билан қурилмоқда. Йил охиригача участкада 550 минг сўмлик иш бажарилиши кўзда тутилган. Қаромат Раҳмонов ва Барот Жумаев бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадалари ўзаро социалистик мусобақа боғлаб, барча объектларни янги йил байрамигача қуриб битказишга аҳд қилишган. Моҳият эътибори билан чиройли, қулай ва мустаҳкам қуриш, лойиҳага қатъий риоя этиш, лафзи ҳалоллик учун курашаётган Курбон Файзуллаев, Мамаюсуф Бердимуродов каби гишт терувчилар кунлик топшириқларини бир ярим бавабар ошириб адо этишаётир. Ешларнинг мураббийси, моҳир гишт терувчи Абдулла Бобо Эшқулов ўз шогирдларига тажрибаларини ўргатапти, ҳалол яшашга ундапти.

Бинобарин, 1977 йили тузилган 82-колхозлараро механизмлашган кўча колонна (КМКК) ўтган ўн йилдан зиёд вақт ичида кўп иморатлар қурди. «Таллимарон» совхозида янги посёлка, Карл Маркс номидаги, «Коммунизм», «Октябрь 50 йиллиги», «Қизил юлдуз»

колхозларида тўртта замонавий мактаб, тўртта боғча, Ангор пахта заводи учун минг тонна сакланадиган олборхона, колхозлар учун молхона, қўйхоналар, колхозлараро бўрдоқчилик комплекси учун 36 000, Куйбишев номидаги колхоз учун 12 000 товۇқ боқишга мўлжалланган паррандахона қуриб берилди. Бу объектларга олиб борадиган 20 қақирим йўлга асфальт ётқизилди. Аҳолининг бюрутмаси билан юзлаб кооператив уйлар бино этилди.

«Қизил юлдуз» колхозини ўттиз йилдан зиёд бошқарган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маматқул ота Азизов 50-йилларда туздирган бош плани асосида қишлоқнинг қоқ юрагида 20 гектарлик боғ яратган эди. Аҳоли сиқилиб қолган, колхознинг кейинги раҳбарлари боғни пахтазорлар орасига олиб чиқиб, унинг ўрнида бутун республика ҳавас қиладиган замонавий посёлка бунёд этишга қарор қилишди. Узоқдан келаверганда кўкка парвоз этгудек беҳисоб уйлар кўринади. Орзу этилган янги қишлоқ — мана шу. Турғунлик йилларида ҳар хил волюнтаристлар ҳукми билан қишлоқ лойиҳаси неча бор бузилди. Аммо қишлоқ барибир бунёд этилди. Аҳоли унга «Комсомол қишлоқ» деб ном берган. Еш келин-куёвлар, муस्ताқил оила бўлишни истаган кишилар шу ерга кўчиб ўтишади. Қишлоқда замонавий турмуш тарзи учун лозим барча қулайликлар: Ойбек номидаги ўрта мактаб, болалар боғчаси, стадион, парк, ҳаммом мавжуд.

«Комсомол қишлоқ» — 82-колхозлараро механизмлашган кўча колонна бинокорлари яратган энг ёрқин лавҳалардан бири. Дастлаб икки қаватли коттеж типиди қурила бошланган қишлоқ ҳозир бир қаватли керамзит уйлар билан давом эттирилмоқда. Утган йили 25 та, бу йил яна шунча бино қад кўтарди.

Утган ўн йил ичида коллективда меҳнатсеварлик руҳи, ҳалол ишлаш, ўз касбини пухта эгаллаш одатлари, ўзаро ҳурмат тобора мустаҳкамланапти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор Довруз Бобоқулов, Урол Саидов, Екатерина Обухова, Саид Бозорқулов каби қурувчилик касбларини яхши эгаллаган бригадирларнинг ишни ташкил этиш, одамлар қалбига йўл топа билишлари ҳурмат билан тилга олинади. Коллектив уларга ишонди, уларнинг сўзини инобатга олади. Прогулилар, бракчилар, нуқсон сувоқчилари, ташмачиларга қарши курашда чин виждонли фаоллар кўп.

82-колхозлараро механизмлашган кўча колонна бошлиғи Абдуназар Чоршанбиевни Ангор райони аҳолиси номдор полвонлик вақтидан бери яхши танийди. Абдуназар полвон тўйларда кўп марта голиб чиқиб, биринчи совринга сазовор бўлган. Бугун уни жонқуяр гаҳбар, киндик қони тўкилган воҳани обод қилиш учун уринаётган асл инсон сифатида ҳурмат қилишади.

— Бугун раҳбар бўлиш жуда қийинлашиб кетди, — дейди А. Чоршанбиев.

— Ошкоралик, демократия туфайлими? — сўрайман ундан ҳазил аралаш.

— Жамиятда демократия сингиб, одамлар ўз ҳақ-хуққини тўлиқ талаб қилишаётгани бизгача яхши: бутун жамият билан бирга раҳбарлар ҳам демократияга ўрганмоқдамиз. Илгариям коллектив билан келишиб ишлаганмиз, ишонтириш йўли билан ишни бошлаганмиз. Бироқ, демократияни парда қилиб олиб, айрим ишқамаслар қамроқ ишлаб, кўпроқ юлиш пайдан бўлаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Текин-



Самарқанд районидagi 44-кишлоқ хунар-техника билим юрти ўн йилдан буйин ишлаб турибди. Бу, республикамизда машгулотлар тожик тилида олиб бориладиган ягона ўқув маскани ҳисобланади. Суратда: ўқитувчи Раҳима Раббимқулова (ўртада) талабалари (чапда) Мавсума Оқилова ва Дилдора Мажидовага зардўзлик сирларидан сабоқ бермоқда.

Р. Ғафуров фотоси
(ЎзТАГ)

«Малика» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари — Рамзия Шамсутдинова ва Маргарита Байрамова.

В. Мирошниченко фотоси



хўрлар, дангасаларга қарши коллективнинг ўзи кураш олиб бораёпти. Юлғичларнинг пайи қирқилган.

— Ундай бўлса, «Комсомол» қишлоғида қурилаётган тўрт хонали уйнинг нархи 22 минг 170 сўм экан, бу рақам қаёқдан олинди? Эки колхозчиларни эллик йилга қарздор қилиб, процент олиб, судхўрлик йўли билан даромад ундирмоқчимисизлар? — Мен — дабдурстан қизишиб кетганимга директор ажабсинди, ранжиди.

— Биз фақат қурамыз. Нарх ҳам қўймаймиз, процент ҳам олмаймиз. Шуғулланадиган тегишли ташкилотлар, қонун-қоидалар, назорат идоралари бор. Сиз айтаётган керамзит уйларга келсак, чиндан ҳам қиммат.

Уйиб қўйилган қизғиш донадор тошчалар хирмони ёнидан ўтамыз. Бу — керамзит, куйдирилган тупроқ. Керамзит цементда қориб, бетон каби қуйилмоқда. Барча уйлар яхлит девор ҳолида тикланади.

— Керамзит уйлар, албатта, пишиқ, тан олиш керак. Актив зилзила зонасида жойлашган Ўзбекистон территорияси учун айни шундай уйлар зарур. Аммо, жуда қиммат-да, — дейман ярмида узилган масалани директорга эслатиб. — 1987 йили «Қизил юлдуз» колхозси 25 та уй учун 82-КМКК ҳисобига 554 минг 320 сўм ўтказибди. Бу жуда катта пул. Пахтанинг нархи ҳақдан зиёд арзонлигича қолаётган бир пайтда колхоз фонднинг бир чеккасини ўлириб кетади-ю бу қурилиш!

— Колхозларнинг аҳолини биз ҳам тушунамыз. Аммо асосий ҳақиқат материал — керамзитни Қарши керамзит заводидан машинада ташиб келамиз. Бориш — 400 километр, келиш — яна шунча, 800 километр йўл харажатлари уйнинг нархига қиради. Цемент ундан ҳам наридан — Навоий шаҳридан жўнатилади. Республика қурилишлари учун ёғоч эса 2—3 минг километр масофада Сибирь урмонларида ўстирилмоқда. Бир куб ёғоч фалон пул туришига ажабланманг — бу, даставвал йўл харажати-нинг кўплиги билан изоҳланади. Уларнинг ҳаммаси жамланиб, уйнинг нархига қиради ва

охир-оқибатда колхозчининг чўнтагини қоқадди, — директор беихтиёр чўнтагини ағдариб, силкипти. — Техникаям қиммат, — деди-да, у чўпоёқда тик турган дорбоздай қаққайган кран томонга юрди. Бир нечта одам кран атрофида уймалашди, аммо у баҳайбат техниканинг бўйини ишга ёр бермасди. Директор участка прораби ва мотористга нималарнидир тайинлади. Экспедитор машинага ўтириб, бир ёққа жўнаб кетди. — Кеча чошгоҳда тўхтаган шу кран. Арзиманган бир хомути узилган холос. Бир суткадан бери изламаган жойимиз қолмади — ҳеч жойда йўқ! Запас қисмлар етишмайди. Биз эса хўжалик ҳисобиде ишлашга ўтганмиз. Бошида шу ниятимизни айтганимизда ҳамма таъминотчилар, шерик пудратчилар: «Ҳеч иккиланмай ўтаверинг, бизда узилиш бўлмайди», деб ишонтиришган эди. Аммо куруқ қошиқ оғиз йиртишига — халқнинг донолигига тезда амин бўлдик. Шерик ташкилотлар кутилмаган тарафдан «чалиб юборишди».

— «Механизмлашган» деб аталади-ку, муассасангиз. Агар сизлар керакли техника билан тўлиқ таъминланмаган бўлсангиз, унда...

— Техника қиммат дедим-ку! Запас қисмлар — анқонинг уруғи. Бундай шароитда фақат ҳар кун ишлатиладиган энг зарур техниканигина сотиб олаёلمиз. Ора-сира даркорларини тегишли базалардан ижарага олиб, фақат фойдаланган соатларимиз учунгина пул ўтказамиз. Бу қулай, тежамли, запас қисм излаб Куйиқофга бормайсан, бузилса, ўзлари тузатиб беришди. Шу йўл билан ҳам уйларнинг нархини қисман пасайтиришга эришдик.

А. Чоршанбиев шу ерда туғилиб ўсгани учун маҳаллий шароитни яхши билади. Уйларнинг пойдеворига — Роботоғдан харсанг тошларни, цемент ўрнида баъзан тоғдаги оҳак материални ишлатишмоқда. Тежамкорлик натижасида уйларнинг нархини баъзан 10 фоизгача арзонлаштиришга эришяпти. Юқориде 22 минг 170 сўм деган уйларимиз ҳозир 15—16 минг сўмга айланаяпти.

— Бу хил кичкина топқирлик, тежамкорликлар билан узоққа бориб бўлмайди, — дейди

мулоҳазаларини давом эттириб А. Чоршанбиев. — Ҳозир Сурхондарёда, умуман республикамизнинг ҳар бир областида 1 миллиондан ортиқ аҳоли яшамоқда. Бу чет элдаги айрим давлатлардан катта дегани. Миллион аҳолини 2000 йилгача турар жой билан таъминлашимиз даркор экан, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш учун уйнинг нархини ҳам арзонлаштириш талаб қилинаркан. Бу бир областа керамзит, цемент заводи қурилиши шарт. Ёғоч масаласида ҳам мулоҳаза юритмоқ лозим. Турғунлик йилларида республикаларнинг ихтисослашиши кўзланган натижани тўлиқ берди, дея олмаймиз. Ўзбекистон пахтага ихтисослашди. Аммо ташқаридан республика чорвачилик ва ёғоч маҳсулотлари билан етарлича таъминланмади. Гўшт муаммосини республика ўз кучи ва имконияти билан ҳал этмоқда. Қурилиш материаллари масаласи эса ҳамон очик қоляпти. Уйлайманки, республикада қурилиш учун ўрмончилик ривожлантирилиши лозим. Ахир ота-боболаримиз ташқаридан ёғоч олиб келиб уй қуришмаган, она юртимиз тупроғи керакли ҳамма турдаги ёғочларни ўстиришга қодир. Республикамиз имкониятларидан кенгроқ фойдаланишимиз, ўз-ўзини ҳар томонлама таъминлаш ҳақида ўйлашимиз керак. Шундагина бинолар таннархи арзонлашди, аҳолининг турмуш даражаси ошди, қурилиш жадаллашди.

Уйларни оқ ранга бўяш одатимиз эди. Европада келган бу янгилик халқимизнинг қалбига жо бўлди, кишлоқларни ўзининг бегубор рангига ўради. 82-кўчма колонна бинокорлари «Қизил юлдуз» колхозида керамзитдан қураётган «Комсомол кишлоқ»даги уйларни яшил, пушти, сариқ, ложувард рангларга — аҳолининг орасига биноан бўямоқда. Кишлоқ тепасидаги қора қирдан қараган кишининг кўз олдига ранг-баранг уй — гуллар чамани намоён бўлади. Уйларнинг рангга кириши республикамиздаги қурилиш тафаккурида бəҳор бошланганидан дарак беради.

Нурмуҳаммад ХОЛЛИЕВ



* * *

Лабингдан сут ила бол иси келгай,
Симирсам лабингдай маст қилмагай май,
Саргардон самода қуёш саргайди —
Ковушинг гардидан жисмим тополмай.

Кўмилган сирларим гуллаб кўйди най,
Гуноҳлар тамгаи — манглайинг ўпай,
Арсат саҳоси ёна оҳимдан —
Тупроқда саргайган ҳар тавбам санай.

Сертикан гул бўйи кафтингдан келган,
Зангор тор томирда мажнун руҳ елгай,
Захарли чанокда май тутма гулрў —
Бор захринг ўлдирмас, қайта жон бергай...

Лабингдан сут ила бол иси келгай...

ТАҚАЧИ

Аёз... Тақачининг хонаси иссиқ —
Қорайган қўллардан қонадир ялов.
Қора шол кўйлагин тирсаги йиртиқ,
Нозик белин бурар пецдаги олов.
Гунг ва кар тақачим, эй тирниқоқ жон,
Сен ялов кифтида овоз қушдан ҳам,
Қора қўлларингда йнглар шум шайтон:
«Бу дўзахдан кечдим, ишлатгай одам...»

РУҲНОМА

Қор тагида музлади йўллар,
Гул терилмай қонади қўллар,
Олис юртда қуриди қўллар,
Сиздан дарак йўқ, Рухим?!

Қирқилган гул қилич бўлди-ку,
Ошиқларнинг кўнгли тўлди-ку,
Юз қудуқда илон ўлди-ку,
Сиздан дарак йўқ, Рухим?!

Зиндондаги нафас — каптар-эй,
Ҳар кўприқда ётар хатар-эй,
Кўзи хира армон айтар-эй,
Сиздан дарак йўқ, Рухим?!

Ешарди-я букри мажнунтол,
Кишнаб борар тойлар қораёл,
Аччиқ кулиб титратди баҳор,
Сиздан дарак йўқ, Рухим?!

Ойсиз тунлар нафаси — Исо
Олов гуллар либоси ридо,
Тик гулханга киргай юз Вафо,
Сиздан дарак йўқ, Рухим?!

МУЪЖИЗА

I

Ун элаб, кул сочар Хотира...
Игналар аямай санчилар.
Муқаддам кийноққа — Севгига
Муқаддам оғриқлар сочилар.
Куз — катрон шохлардан ясаиди,
Сурх хивич шамоллар кўйнида,
Хивичлар бир кўшиқ қуйлайди —
Титрагай гуноҳлар бўйнида.
Эртага тош бўлиб қотади
Қушларнинг суяги оқариб,
Сутдай тонг қизариб отади
Бир тунда қолади Ой қариб...
Олов гул ногаҳон қаргайди,
Дарахтлар қисирлаб олгай йўл,
Анграйиб бир овчи қотади.
Қон йиғлаб бўрилар кўзи кўр...
Қон ютар саргайган гул — тупроқ,
Мурдага жой бермай силкинар.
Қовжираб тўкилар шам — япроқ, —
Швири тош кулбам тирнайди
Булутлар тиз чўқар уфққа —
Барқ уриб ўч олар аянч гул,
Чонади ортидан сўқирлар —
Кўмилар гулларга маст булбул...

II

Дарвоза ортида гуноҳкор бир чол
Паҳмоқ соч-соқоли оқарган — ўтмиш,
Ойнинг шуъласида осилиб тушар
Бир бола — Келажак, кўзлари таниш.
Чиройли урғочи бўри боласин
Она кўй суги-ла боққан «ожиза».
Тунлари бўрининг ёниқ кўзига
Тик боққан Мўъжиза... Мўъжиза...

КУЗ БЎЕҲЛАРИ

I

Заранг япроқлари илиқ қон ичиб
Тўкилар қабристон сукунатиغا,
Уч кунлик хира ой оғочни кучиб,
Аччиқ кулар кузининг хусуматиغا,
Куз севган Осие! Илиқ тер тўкиб —
Тунларни ёритиб ўсан эҳромлар,
Ўй сурган қулбалар тўядай чўкиб,
Қузатар лайлагин сомонли томлар.
Япроқлар титрамас сўнгсиз шивирдан,
Шохлар қайта гуллаб, тўкилар ногоҳ,
Осие офтобим, тўшигил ҳовурдан,
Осийни кўйдирар бир маъсум нигоҳ...

II

Юзингга урилиб йиғлаб борар куз
«Алвидо-о-о...» боғларда омонат шивир.
Юракка хазонлар босар муздай юз,
Қунондай сочларинг ёмғирда ивир...
Қорайган кўйлагинг ёмғирда ивир,
Кулишни унутиб борар одамлар,
Йиғлашни унутиб борар шўх ёмғир, —
Кўзингга чўқади оғир қадамлар...

III

Аччиқ тутун ўрлаб, қайнайди қумгон,
Чатнаб чиқар ердан нортуга, янтоқ.
Берилиб чанқовуз чалади чўпон.
Капани ёритар бир хира чироқ...
Чўпон эркалайди набирасини,
Кўздан ўтади яйлово ўтлоқ,
Уюрлар ёритгай хотирасини,
Гаров ййнаб қимиз ичган тўрт қўноқ.
Шу дам набираси туш қўрар бундоқ:
Туманлар ортиси тиклар Оқ шаҳар,
Оймомага қадаб оловранг япроқ,
Турон йўлбарсида кезар ҳар саҳар.

ҚИШ ЛАТИФАЛАРИ

I

Лунжини шишириб хўрсинади қиш,
Оқ доқа ёпиниб тинч мудрар оғоч.
Қор ёққан паст-баланд томли уйларнинг
Кўзлари боқади гўзалликка оч...
Ва унсиз қор ёғар қизғиш томларга,
Уятчан гулларнинг пар тўшаги — қор.
Изирин — гул расмин қоқар ромларга,
Хонаки гулларнинг лабида ифोर.
Ҳали қор ёғади боғ, йўлкаларга,
Жуфт туташ изларни юборгай кўмиб,
Сўнг кетгай бепарво ёт ўлкаларга,
Йиғлаб қолар олча хаёлга чўмиб...
Оғир сукунатни ёриб, кулиб шўх,
Қирлардан чопқиллаб тушар бойчечак.
Совқотган Олчазор йиғлагани йўқ
Оқ гуллар сочганда бир орзиқиб барг...
Қушчалар қуйлайди ажнабий тилда,
«Ҳали қор ёғади боғу йўлкага...»
Кекса тол хўрсиниб шивирлар дилда:
«Еспирай, учаяпмиз совуқ ўлкага...»

II

Лопиллаб қор ёғар... Тойгончоқ тунлар —
Ешларни ёлтади қувноқ БАРЛАРГА.
Деразадан боққан хомуш туманлар
Кириб келар илиқ ён дафтаримга...
Етақлар ўша ўт — ғалати ҳислар,
Тунги оплоқ шаҳар кўнглингни очар.
Лайлакқор — энг гўзал ясама налар,
Лайлакқор — суюмли Гурурни осар...
Қувноқ хиёбонда ўтсиз бир сўхбат,
Сархуш эр юз бурар хиёнат томон.
Қўқламга етмайди қўқка етган аҳд,
Лайлакқор — кўмади, тўкилар — ёлгон...
Ёлгончим, сен энди ўз қўшигинг айт,
Хиёнат қилади қувноқ қарғачанг
Сўнгра ул ёёлнинг ёшигига қайт,
Отилиб чиқмасдан қорга қўйлакчанг.

III

Фариштам бойчечак — уятчан баҳор,
Аёз ёшигини танбалаган киз,
Тепангда қуйлайди бир қитмир шамол:
«Унинг ҳам айби бор — ёстиги ёлғиз...»



ОРОЛ

У кетарди саҳро қумлоққа,
Қисқичбақа шошиб қочарди
Туяқушни осиб ўчоққа
Уч-тўрт соя кўнгли очарди,
Қотиб ухлар тошлар сайилда...
Шафакрангли тонлар отарди
Минг йил қўлга тушмай соҳилда
Сув париси ўлиб ётарди...

ЭКОЛОГИЯ

Ўлик денгизда эрийди тошлар —
Ўрнида тўлғониб инграйди денгиз.
Илоннинг кўзидан сизар кўз ёшлар,
Тошбақа қонини шимирар илди.
Ва телба кулади илохий флора
Сув деб оғу ютар тиканли янтоқ,
Ўлик воҳа сочин ёяр — қоп-қора,
Осмон кўзи совуқ — йилтирайди оқ...

БОНУ

Эгатингиз фаришталар тўкилган гул айвон-эй,
Гўдакларни йиғлаб кутгай сочлари оқ шийпон-эй,
Адашмагай ўгай ўғил — толга болта осилгай,
Камонлардан бу майдонга ипак пахта отилгай,
Қўшдарёдай далаларда нечун гирёсиз, Бону?!

Тўриқ отда учиб борсиз, букилмас есир Бону,
Сиз ипакдай мулойимсиз, қиличдай кескир, Бону.
Санчган ханжар — меҳрингизда қирқ йигитнинг кучи бор,
Кўзингизнинг гардиши гоҳ бўлмайдирми баланд дор?!
Тутнинг сўнгги япроқлари нечун титрайди, Бону?!

Юлдуз кўнган бешигингиз ҳарорати тупроқда
Куйиб пишган тўрт жўхори қолиб кетиб ўчоқда,
Ўчмай қолган машғалалар ёритганда юзингиз,
Асад оёи оғригидан очилгай жуфт кўзингиз,
Тернинг иси этик ёрғай, хинолар қайда, Бону?!

Сайилларда от ўйнатиб келгай шавқли байрамлар,
Ўшал тонгда тенг бўлмасак тик турадир аламлар,
Етти доно бир гиламга сиғиб ухлар Олам бу,
Тераклар-эй кўкарса тенг куйиб кетгай бор қайғу,
Бешикдаги ўғлингизни шошиб ечасиз, Бону?!

Оқ лайлақлар чорлай-чорлай ранг-рўйи сариқ сомон,
Чақалоқлар ўт ичидан эмақлаб чиққай омон,
Бону, ҳориб кетмон ила хайрлашманг халитдан,
Темир танли чақалоқлар уни чиққай чигитдан,
Бу лайлақлар кўз ёшимас, ёз ёмғиридир, Бону...

Тотув элдан қочган бир вақт гала-гала бўрилар,
Айтган ночор қадимгилар: «Манглайдагин кўрилар...»
Эй, Осиё, мужгонларинг теран ғамларни сотмас,
Алп йигитинг манқуртлардай энасига ўқ отмас —
Манқурт бошин қирқ кун силанг, келмас ўзига, Бону.

Эгарланган от қамчиси қайга тушиб қолди-ё,
Жаҳолатнинг қўли Ҳақни ўтдан ўтга солди-ё,
Чала ёнган Аёлларинг ўзни ўтга тошпирмас,
Олтин қозон-товогини елкасидан ошпирмас,
Гўристонда соч тўзғитиб бундоқ кулмангиз, Бону...

Эгатингиз фаришталар тўкилган гул айвон-эй...

СУКУНАТ

Қиш сарғиш шуълага бу тун чўмилди,
Бир чақалоқ руҳи тушди осмондан,
Совуқ қор ялаган тинч қабристонда
Тошдан йўниланган ой қорга кўмилди.

* * *



Эй чароғон даричалар ортидаги парвонам,
Вазмларнинг ойнагида эланасан дилдираб,
Тун қаърида ортга қараб кўрдинг кўксимда бир шам —
Юз минг шамни ўша бир шам, ёқиб юборгай титраб...

ЯРАЛАР БИТАДИ...


Яралар битади — оғриқлар мангу,
Орау яраланса кулдим қасдма-қасд.
Барқ уриб кўкарар кўксимда оруз,
Ниш урар ҳаяжон, Севги ростлар қад.

Ишонч қўшларимнинг парвози тикка,
Ҳовучлаб нур тўкар оловлаб қуёш,
Севгимнинг оқ қасрин чўққиси битта,
Минг бир синоатга мубтало бу бош.

Зағулик никобин кийган қабоҳат —
Танидим, сесканиб сен — ғам лашкари,
Ҳалиям... Таширсан ҳақдан қорахат,
Кет, бу гал томошанг, ўтмас жар сари!

Бирдан шодлик сели қуйди рангин ҳис,
Ютоқиб ичдим нур, хушбахт нафасни,
Кўраялсан... Яралар чўктирмади тиз —
Кўраялсан... Осмонга учган қафасни...

Яралар битади — оғриқлар мангу...



— Дугонамнинг тўйига бораяпман...

Раққосалар.

Р. Шарипов фотолари



Дўстлик ришталари

— Инсон қачон кўшиқ айта бошлаган? Нега унинг қувончу шодликлари, гаму дардлари дилдан жўшиб айтилган кўшиқда ўз ифодасини топади? Нега ёш гўдакнинг она сутидан кейинги билгани, севгани она алласи — кўшиги бўлади? Аллада мурғак қалбни ўзига ром қилгувчи не сеҳру синоат мужассам?

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист, республика радио ва телевидение эшиттиришлари Давлат комитети қошидаги «Гулшан» ансамбли солисти Махфират Ҳамроқуловага шу саволларни берар эканмиз, у ўйга толади.

— Маяковский айтганидек, шеър туйғуларни оддий сўзлар билан ифодалаш мумкин бўлмай қолган тақдирдагина пайдо бўлар экан. Кўшиқ ҳам шундай. У инсондай яшайди, ҳаётда из қолдиради, — бир оздан сўнг охиста гап бошлайди у. — Менга турли тақдирлар ранг-баранг кўшиқларда акс этгандай кўринади. Биринчи кўшигим мактаб сахнасида ижро этилган. Номи «Алифбо». Бу кўшиқ ўқувчилар томонидан илқ кутиб олинди. Мактабни тугатгунимча, менинг энг сеvimли тингловчиларим мактабдошларим бўлган. М. Турсунода, Шукухий, Лойиқ Шерали, Гулрухсор шеърлари билан айтадиган кўшиқларга ихлосим баланд эди.

Дарҳақиқат, шундай. У 1971 йилда мактабда бадий ҳаваскорлик кўригида ғолиб чиқди. Сўнгра Душанбе шахрида районлараро конкурсада қатнашди. Республика ёш ижрочилари

ди. Аммо ўзига хос овозда куйлашга интилди. «Улдим-куйдим» каби сўзлардан қочди. Осон куйга тушадиган енгил-елли шеърларга эътибор бермади. Биринчи галда табиат, она-заминга муҳаббат, тугилиб ўсган уй, қишлоғини севиш руҳидаги шеърлар унинг диққатини жалб этди. Шу боис ҳам унинг Жалолиддин Румий ғазалига басталанган «Нуриман», Фаррух сўзи билан айтиладиган «Гулҳои Душанбе» ашулалари тез орада машхур бўлиб кетди. Махфират ўрта мактабда ўқиб, ҳали мактаб талабаси эканидаёқ ўндан ортиқ оригинал кўшиқлар яратди.

1973 йилда республика конкурсида ғолиб чиққан Махфират Минскда ўтказилган ёш эстрада кўшиқчиларининг Буниттифоқ кўригида қатнашди. Жюри аъзолари унинг мавзу танлаш ва мусиқа равонлигига алоҳида эътибор берганлигини таъкидлаб, махсус соврин билан тақдирлашди. Бу ердан бир гуруҳ санъаткорларга Берлин шаҳрида ўтказиладиган жаҳон ёшлари ва студентларининг X халқаро фестивалига йўлланма берилди. Улар орасида Махфират ҳам бор эди. Махфират, кўшиқ дилларни дилларга туташтирадиган кўприк, деган гапнинг мазмунига ўшанда чуқур тушуниб етди. Турли қитъалардан келган ёшлар вакиллари Махфиратнинг тожикча, ўзбекча, русча, арабча, французча кўшиқларини чин дилдан олқишладилар.

Кўшиқ! У инсон ҳаётида сеvimдай муқаддас, Ватандай суюкли, онадай ягона, заминдай ардоқли. Яхши куй ва кўшиқда ҳаётнинг барча гўзалликлари, авлодларимизнинг дил сўзлари мужассам. Махфират ана шу

МАХФИРАТНИНГ КЎШИҚЛАРИ

рининг баҳсида қатнашиб, ёшликни мадҳ этувчи кўшиги билан кўпчилиكنинг тилига тушди. Уша йилларийёқ ёш, таниқли композиторлар билан ҳамкорлик қила бошлайди. Деярли ҳар ой янги кўшиқ айтарди. Унинг иқтидорини кўрган республика санъати намоёндалари Давлат филармониясига ишга таклиф қилишди.

Биров мақтовлардан, ишончдан ўзини йўқотиб, ютуқлар билан қаноатланиди. Оқибатда ўзидаги қобилият сўна бошлайди. Енгил йўл ахтариб, қандай бўлмасин шухратини оширишга интилади. Махфират бу йўлдан бормади. У билдирилган ишончнинг масъулият деб қабул қилди. Ҳар куни дарсдан сўнг ишга жўнар экан, синфдошларининг: «Махфират, биз оиламиз билан концертни томоша қиламиз. Кўшнилар ҳам чиқишади. Илжи бўлса янғисидан айт», деб қилган илтимослари уни ҳаяжонга соларди.

Ёшликдаги бегубор орзу-ўйлар унинг тилида кўшиқ бўлиб янгарди. У ҳам Ватан, халқ, партия, муҳаббат ҳақида кўшиқлар айт-

фирда тожик ва ўзбек классик шоирларининг ижоди билан яқиндан танишиб борди. Навоий, Жалолиддин Румий, Зебунисо, Машраб ғазаллари унинг ижросида халқ қалбидан янада мустаҳкам ўрин олди. У кўпинча кутубхонага бориб ёки уйда классик шоирларимизнинг ғазалларини мутолаа қилди. Аксарият бўш вақтини шунга сарфлайди. Авлодларни авлодларга туташтириб турувчи ришталардан бири — кўшиқ, ғазал, шеър эканини чуқур ҳис этади.

— Эсимда, «Муножот»ни ўрганмоқчи бўлдим, — хикоя қилади Махфират. — Навоий бобомизнинг ғазалини бир гал берилиб айтдим у кўларимга ёш келди. Уни ҳозирги ғазалларга солиштира туриб, бир нарсани ўйлаб қолдим. Навоий, Румий, Ҳофиз ғазалларига тенглашадиган таъсирчан, нафис ашъорларининг бизнинг кўнларда яратилмаётганлиги ҳаммамизни ташвишлантириши керак. Замонавийликка интиламиз деб классик меросимизнинг ўзлаштиришдан тўхтаб қолмайлик-да, ахир.



Менимча, бугун ҳар бир санъаткор қадимий ва бой маданий меросимизни халқимиз шуурига етказиш дарди билан яшамоғи керак. Шу боис енгил-елли ашулалар билан эфирга, телевидение экранига чиқиб, меҳнат ақлининг қимматли вақтини олаётган айрим хонанда дўстларимдан хафа бўлиб кетаман. Халқнинг олқишлаб, кўшиқ айтинг дейиши — бу ҳаволаниб кетишигга ёки бўлар-бўлмас кўшиқлар билан сахнага чиқаришигга имконият эмас, аксинча, зимманга юклаган жиддий масъулиятдир. Ҳозирги замон эстрадаси юлдузлари Зайнаб Хонларова, Алла Пугачёва, Софья Ротару, Насиба Абдуллаева куйлаётган кўшиқлар бу борада бизга катта ибрат мактаб бўла олади.

1981 йилда Махфират Ҳамроқулова Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди. Йигирма беш ёшда бу мукофотни олишга ҳар қандай санъат юлдузи ҳам муяссар бўлавермайди. Бу ютуқнинг сири нимада? Унинг сўнги йилларда яратган «Дили

ману», «Дилро бубин», «Чилкокул» каби ашулалари халқимизнинг сеvimли тароналарига айланиб кетган. Мухими, Махфиратнинг кўшиқлари тингловчи танланмайди. Кишилар қалбига кириб бораверади. У ўзининг ижро этган биринчи кўшиги «Алифбо»дан тортиб, инглизча «Ақсиз бола» ашуласигача фақат мусиқа равонлиги, ҳар бир сўзининг ўзига хос услубда айтилишига эришди. Узининг ўн етти йиллик ижодий фаолияти давомида Махфират 250 дан ортиқ кўшиқ ижро этди.

Махфиратнинг муҳлислари кўп шаҳарларнинг биринчиси Душанбе десак, иккинчиси Тошкентдир. У бир неча бор Тошкентда концерт берди. Ўзбекистонлик эстрада усталари Фаррух Зокиров, Муҳаббат Шамаевалар билан ўзаро ижодий ҳамкорлик қилмоқда.

— Фаррух, — деди бир куни Махфират, — мана, ўн йилдан охибдики, кўшиқ куйлайман. Назаримда одамлар зериккандай. Кўшиқларни бир хил айтаман, чамаси.

(Давоми 10-бетда)

САФАРДОШЛАР БИЛАН йўл-йўлакай қалинлашиб кетди. Студент-ёшлар даврасини биласиз — ўт-олов ёшлик! Айнқиса, улар ижодкорлар тоғисидан бўлса...

Қудратли ҳаво лочини самовот бағрини титратиб кетаётганига анча бўлди. Йўловчилар шовури бир мунча пасайиб қолди. Гуруҳимиз раҳбарига тиниб-тинчимайди:

— Адҳамжон, қўбузга эҳтиёт қилинглар, Ҳамдамжон, йигитларга айтинг, ғижжақлар лат емасин.

Дастлаб, ўн етти ғижжақ, бир қўбуз, қўбуз-бас, чилдирма билан қуролланган бу ғалати ансамблининг донги қаерга ҳам борарди, деб ўйлаган эдим. Тўғри, ғижжақ навоси бўлакча завқ беради. Гўё ундан қалб торларининг уни эшитилаётгандай, тинглаб ўтириб, хаёл оғушига фарқ бўлганингни билмай қолсан. Аммо ўн еттита ғижжақдан иборат ансамбль ҳақиқатан ҳам ғалати-да. Кейин билсам, илк бор мазкур ансамбль ташкил этилганида, айрим созандалар ҳам шундай фикрда экан. Бу узуқ-юлуқ хулосалар, албатта, ансамбль ижросида бир-иккита куй-қўшиқ эшитгунча уйронган эди. Хайрият, бу фоғил фикрдан эрталоқ қайтдим. Бу ҳақда кейинроқ ҳикоя қиламиз.

II

Лочинимиз одатига кўра Сибирь ўлкасининг Братск шаҳри узра ярим айлана ҳосил қайди ер бағирлади.



Братск — Иркутск областининг янги, йирик, сонаотлашган марказларидан бири. Бу ернинг табиати, иқлими ҳақидаги маълумотларини тинглайвериб беихтиёр тилинғизда Иркут сўзига монанд Еркут сўзи ҳосил бўлади. «Ери кўтли жойлар экан», дейсиз ўзингизча. Биргина ўрмонини айтмайсизми? Еввойи, доривор мева-чеваларини-ку санаб ҳисобига етмайсиз. Табиати бой. Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда бу ерда «Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги» номли қудратли Братск ГЭСи қад тиклади.

Шаҳар номи тарих зарвақларининг қатида шундай зухур этилган. «...Рус сайёҳлари бу ерларга дастлаб қадам ранжида қилганларида тайганинг бурятлар манзил курган хилватгоҳларида узоқ туриб қолганлар. Бурятларнинг одамшавандалигига таҳсинлар айтишган. Уз лаҳжларида уларни «братскими людьми» — «қадрдон одамлар», — деб аташган.

XVII асрга келиб бу ерлар чор ҳокимиятининг исёнкорларни тавбасига таянтирадиган сургунхонасига айлантирилган.

Қувғиндан қайтаётиб Братскда А. Н. Радишев, қарийб ўн йиллаб заҳмат тортган декабрист П. А. Муханов, рус инқилобчи большевиклари В. Е. Евдокимов, В. В. Рябиков ва бошқалар жон сақлаганлиги тарихдан маълум.

Кейинчалик турли йилларда тақдирга тик боқа олганлар, айнқиса шахсга сифиниш даврида минглаб бегуноҳлар Сибирнинг қаҳрига рўбарў қилинган. Фоқиқ ниятли одамлар уларни бу ўлкада сарсон-сарғордон кездириб леззатланганлар. Эндиликда Сибир ўлкаси тарихининг янги, эзгу ниятларга бой саҳифалари ва рақланмоқда.

III

...Кенг пахтазорларга, гавжум шаҳарлар шовқинига кўникиб кетган биз «жанубликлар» сийматин қайину қарагайзор оралаб, момикдай навниҳол арчалар қаршида ҳаяжонга кўмилиб, қадим Россиянинг бепови сарҳадларида XX аср буюк қурилиши Байкал-Амур темир йўл магистралининг ўзбекистонлик бунёдкорлари хузурига ошиқаялмиш. Истиқболимизда азим Байкал. Биз унинг шимолий қирғоғида бир мудард қайратлиб туриб қолдик. Байкални ўрмонлар ўлкасига том маънода табиатнинг ўзи

эҳсон этган. Ҳисоб-китобларга қараганда, 336 та катта-кичик дарё ва ирмоқлар унга ўз сувини қуяди. Ёлғиз Ангара дарёсигина ундан сув олади. Олганида ҳам ўпқонига секундида 2000 куб метр оби ҳаётни кўрдим демай тортади.

Байкал шаънига қанчадан-қанча ашъорлар битилмаган, дейсиз. Музаарихлар унинг ёшини, 20 миллион йил, деб белгилашибди. Бу кўлда 56 хил ноёб балиқ тури мавжуд. Улар орасида ниҳоятда тансиқлиги билан оламга машҳур Байкал омули ҳам бор.

Осиёнинг қоқ марказига жойлашган бу улкан тошқосанинг энг чуқур жойи 1637 метр.

— Уху, — Байкал эмас, Бойкўл экан, — деб юборганингизни сезмай қоласиз энтиканингиздан. Асли ҳам шундай-да!

Аммо «Бойкўл»нинг ҳам қисмати Оролимизники каби аянчли. Саноат қичиндиларидан унинг зилол суви заҳарланди. Ноёб сув жониворлари қирилиб кетаётган экан. Пойимизда у нафаси сиқилган одамдай тўлғаниб ётарди. Бир пайтлар таърифлашган зилол суви — бўтана. Байкал — Амур темир йўли магистралининг бир тармоғи худди шу ердан бошланади. Бу ерда барпо этилган шаҳарчага кўлнинг шимолида жойлашгани учун ҳам «Шимолий Байкал» номи берилган. Эндиликда бу шаҳарчада минглаб турли миллат вакиллари истиқомат қилаётдилар.

IV

Ангараканга тонга яқин етиб бордик. Музика асбобларини қўлтиқлаб олган йигит-қизларни кўрган ўрта ёшлардаги шофёр истиқболимизга чиқди.

— Хайрият-ей, икки кундан бери кутаман. Сизларни УзБАМга етказиб бориш менга топширилган, — деди у бизни машинаси томон бошлаб.

Сафимизга яна икки киши келиб қўшилди. Улардан бири биз билан қўл олишиб сўрашгач, ВЛКСМ Марказий Комитетининг БАМдаги штаби вакили А. Шахназарян, иккинчиси БАМ тарихи учун фотоматериаллар тўплаш наятида сафарга чиққан фотожурналист С. Попов деб ўзларини танитишди.

— О, қандай омаддиан. Ўзбек зиёли ёшлари БАМда — ажойиб учрашув. Бунақасини тайгани зир қидириб ҳам тополмайсан, — деди журналист фотокамерасига ишора қилиб.

— Жуда ажойиб, жуда ажойиб, — тасдиқлади комсомоллар вакили. — Ўзбек йигитларининг тантилигига яна бир қойил қолдим. БАМда грузинлар билан ўзбек қурувчиларини кўп мақташди. Шунча йўл босиб юртдошлар кўнглини овлашга чиқибсизлар. Раҳмат, ўртоқлар.

Қудратли уловимиз (биз шимолининг тоғли табиатида юришга мослашган қудратли «УРАЛ»нинг шундай атади) Муйсқ довони бўйлаб ўрлай бошлаганда, қарағай қолпаган тоғлар ортидан офтоб нақш олмадек ранг олаётган эди. Ҳаҳлигина осмон билан бўйлашиб ётган қарағайлар тубсиз жарлар, ўнгирлар қаърида қолиб кетди. Темир йўл магистралининг энг оғир қурилиш майдони шу ерлар экан. Бу ердан ўн километрдан зиёроқ темир йўл ер остидан ўтиши мўлжалланган бўлиб, ҳозир унинг атиги чорак қисмига қўл урилган. Қурувчилар кечани кеча, кундузни кундуз демай табиат қаршичилигига мардона елка тутишаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

V

Қудратли уловимиз тоғу тошлар оралаб Кунанда посёлкасига кириб борганида, ёнимда ўтирган Эркабой исмли ҳамроҳимиз:

— Тўққиз соат тинимсиз йўл босдик, — деди ҳаммамизни ҳайратга солиб.

Табиатнинг манзараларига лол бўлиб, вақтининг ўтганини ҳам сезмабмиш. Бунинг устига, ҳаммамизда юртдошлар билан учрашув ҳаяжони устун эди.

— Йигитлар, қаранглар: Самарқанд кўчаси. — Эй, бу томонда Тошкент кўчаси ҳам бор экан, — бу ғижжақчи қизимиз Дилфозанинг овози эди.

Ҳаммамиз шошиб ёғоч иморатлар пештоқиға осиб қўйилган тахтачаларга тикилдик. Ростдан ҳам, қўчалар қадрдон шаҳарларимиз номи билан аталган эди. Зум ўтмай, атрофимизни болалар ўраб олишди.

— Биз Тошкентданми, адам билан келдик. — Мен ҳам Ўзбекистондан, — дейишди болалар ўзбек ва рус тилларида чуғурлашиб.

Ташрифимиздан бутун посёлка аҳли хабар топди. Сафар анжомларини жойлаштириб ҳам улгурмасимиздан, қотмадан келган новча киши соф Тошкент шевасида биз билан саломлаша кетди.

— Хуш кепсила, хуш кепсила. У ўзини ҳаракатланувчи УзБАМ қурилиш ташкilotининг бошлиқ ўринбосари — Эдуард Яковлевич Астров деб таништирғач, бир мудард Узбекистон ҳақида, Тошкент янгилқиларидан сўраб суриштирди. У бу ерга келгунига қадар Чилонзорда яшаган экан. Давраимиз дақиқа сайин кенгая бошлади. Қурилиш майдонларидан қайтаётган юртдошлар давраимизни четлаб

ўтолмас, — ўзбеккона меҳр-оқибат тантана қилар эди.

Узоқ йўл босганимизга қарамай, уларнинг дийдоридан, қувонийаётганидан руҳимиз тетиклиб борарди. Кечқурун маданият саройида концерт қўйиб берадиган бўлдик.

VI

Шундай қилиб, Сибирь ўлкасининг узоқ бир буржиди — Чита областининг Калорск райони, Куанда посёлкасида Тошкент Давлат консерваториясининг халқ қолғу асбоблари бўлимида таҳсил олаётган ёшлардан иборат ғижжақ камер ансамбли ижросида куй ва қўшиқлар янғрай бошлади. Куанда посёлкасининг чоғроқ маданият саройи турли миллат вакилларида иборат ўзбекистонлик бунёдкорлар билан лиқ тўлди. Учинчи курс талабаси, хушовоз хонанда Юлдузхон Абдуллаева бастакор Илёс Акбаровнинг «Мою ери» музикали драмасидан «Алиман» қўшиғини ижро этганида, мухлислар қарсағи уни шаҳнадан қўйиб юбормади. Юлдузхон рус ва ўзбек тилларида қўшиқлар ижро этди, йиғилганларнинг оқишига сазовор бўлди.

Ансамбль хонандаси Эркабой Уразметовнинг ўткам овози томошахона узра янграганида, мухлислар ўзларини Ўзбекистоннинг маҳобатли театрида қиз этган бўлсалар, ажаб эмас.

Тун ярмидан оққан бўлса-да, ҳеч ким даврани тарк этгиси келмас, атлас қўйлакли қиз-жувоилар, алп келватли ўзбек ўғлонлари чапак чалишдан тўхтамас, ҳаммадан ҳам Куанданин кичик граждонлари кувончи чексиз эди. Ҳечралда байрамона тантана, куй ва қўшиқ, мушоира авжиди, бундан биз — сайёҳлар раҳбари, институт доценти Мурод ака Тошмухамедовнинг боши осмонда эди.

Бу кувончли дақиқалар концерт номерлари ниҳоясига етгач, посёлка бўйлаб тунги сайр чоғида ҳам давом этди. Республикаимизнинг Тошкент, Самарқанд, Каттақўрғон, Бекobod, қардош Тожикистон ССРнинг Ленинобод областидан бориб БАМ қурилишда иштирок этаётган оловқалб замондошларимиз ташрифимиздан ниҳоятда хурсандликларини айтишди.

— Ғижжақлар навоси ўзгача бўлар экан. Нақ юрагингни титратади-я, — деди сафаримизда

ҳамроҳлик қилган комсомол жонқуяри Шахназарян. Афтидан у ҳам шу чоғда жонқуяри Арманистонини, куй-қўшиқларини қўмсаётган эди. Фотожурналистнинг эса ростдан ҳам омади келган экан. У концерт давомида сурат олишдан чарчамлади.

Эрталаб посёлка ҳаёти билан танишмоқчи эдик. Тонг отиши билан режалар ўзгариб кетди. Қуанда посёлкаси темир йўл станцияси қурилишида ишлаётганлар билан учрашадиган бўлди. У ерда тушлик пайтида талайгина мухлислар кутиб ўтирган экан. Айтишларича, булар — кеча маданият саройига боролмай «доғ-да» қолганлар экан.

— Соғинтириб кўйдиганлар-ку, укажонлар! УзБАМ қурилиш ташкилотининг бошлиғи Анвар ака Ризаевнинг истиқболимизга чиқаётиб айтган шу бир оғиз гапиде андаккина гинахонлик ҳам йўқ эмас эди. Чунки УзБАМ ташкил топган 1982 йилдан бунён бу ерга ҳали санъаткорларнинг қадами тегмаган экан.

Юртдошлар соғинчини концерт номерлари ижро этилаётганда ҳам ҳис этиб турдик. Айниқса, Эркабой навбатдаги машхур рус халқ қўшиғи «Тинимсиз чарх ураётган» ижро этганида, сўлимгина рус қиз бағрига босиб турган ўрмон гулларидан бир дастасини унга тақдим этиб, астойдил миннатдорчилик билдирди. Муҳаббатнинг боқийлиги ҳақида куйланган бу қўшиқ ҳақиқатан ҳам жуда самимий ижро этилган эди.

Даврамизни ураб олган рус йигит-қизлари ғижокак наволарига мафтун бўлганлигини яширишмади. Сафар давомида ансамбль аъзолари Ҳамдам Тўхтаохунов, Дилфуза Тўлабоева, Азимжон Қувондиқов, Адхамжон Саманов, Абдулла Шомарғулов, Қўлдошбой Қурбонов, Исроилжон Мажидов, Одиложон Маматхонлар ўз маҳоратлари билан мухлисларни хушнуд этдилар. Мурод ақанинг ҳикоя қилишича, ансамбль жуда қарама-қарши фикрлар исқанжасида тузилган. Эзгу иш ҳамиша устивор бўлади. Қисқа муддат ичида ғижокак камер ансамбли ўз мухлисларини топдилар. Улар эндиликда республикасида меҳнаткашлари ҳузурда тез-тез бўлиб турадилар.

— Аслида ансамбли тузишдан мақсад, — дейди Мурод ака Тошмуҳамедов, — талабаларимизда коллектив ижро маҳоратини ошириш, кўниктиришдан иборат. Мана, эндиликда ансамблимиз яна бир кўрикдан ўтди.

Еш коллективнинг режалари катта. Ансамбль бўлажак муғанийларнинг таъриба мактабига айланishi лозим. Бунинг учун мутасадди ташкилотларнинг оталарча ғамхўрлиги зарур.

VII

Эдуард Яковлевич билан Қуанда посёлкасида сайр қилдик. У ташрифимиздан кўнгли чоғ эди. Ҳар қадамда, ҳар бир бино ёнида тўхтаб изоҳ берадди. Тошкент ва Самарқанд кўча-

ларидан ўтиб, «Первопроходци» — «Биринчи келганлар» кўчасига етганимизда, мезбонимиз жўшиб кетди. Қаршимизда ёғочдан жуда ҳам чиройли безаклар кўндриб тикланган турар-жой бинолари саф тортиб турар, ўрмон қўйида ажиб бир истиқомат жойи барпо этилган эди. Унинг бевосита бунёдкорларидан бири — Эдуард Яковлевичнинг юз-кўзидан уларнинг яратувчанлик кудратидан мамнунлигини сезиш қийин эмас эди. Унинг ҳикоя қилишича, 1982 йилда Анвар Ризаев бошчилигида қирққа яқин ўзбекистонлик бунёдкорлар махсус вертолётларда бу ерга ташриф буюришиб, унча катта бўлмаган Қуанда дарёси соҳилида манзил қуришган экан. Посёлка номи ҳам дарё номидан олинган. Дастлаб улар вақтинчалик ўз кучлари билан ёғочдан одмигина биналар қуришган.

— Қуанданинг қайсар табиятига ҳа деганда кўника олмадик, — эслайди Эдуард Яковлевич. — Ишларимиз ҳам ҳа деганда юришиб кетавермасди. Бунинг устига, ташқи оламдан узилиб қолгандек эдик. Бора-бора кўникма ҳосил қила бошладик. Кетма-кет турар жойлар қад тиклаган сари кўнглимиз ҳам ўсар эди. Мана, орадан олти йил ўтиб, Қуанда темир йўл станцияси ва унинг атрофида барча талабаларга жавоб бера оладиган замонавий кўп қаватли турар-жой бинолари, 280 ўринли болаларни тарбиялаш корхонаси, 120 ўринли медицина хизмати шохобчаси, 60 ўринли дам олиш уйи, 50 ўринли темир йўл вокзали, савдо маркази, 624 ўқувчиға мўлжалланган замонавий мактаб, ичимлик суви билан таъминлаш иншооти ва ҳозиро маъмурий-маиший бинолар бунёд этилди. Хурсанд бўладиган жойи шундаки, коллективимизнинг самарали меҳнати натижасида посёлканинг янги қурилиши мўлжалланганидан бир йил аввал фойдаланишга топширилди. Эндиликда коллективимизда 60 га яқин миллатга мансуб 850 дан зиёд оловқалб замондошларимиз ҳалол меҳнат қилаяптилар. Келажакда Қуанда Ўзбекистон аҳолиси учун ёғоч материаллар етказиб берадиган таянч нуқтамизга айланади, — деди у фахр билан. У бу рақамларни маълумот учун санаб ўтаётган бўлса-да, кўз ўнгимизда чирой очаётган маскан жамоли ҳеч қандай шарҳ талаб қилмас даражадалиги кўришиб турадди. Ҳалигина ёш санъаткорларимиз концерт номерларини ижро этган станция қурилиши майдонидан ўтиб, Сибирь табиятига мос ёғоч ўйлар оралиб бораёпмиз кўзимиз аҳоли томорқаларидаги бежирим теллиқча-иссиқхоналарида эди.

— Эй, сизларга жуда муҳим гапни айтмаман-ку, — деди Эдуард Яковлевич кўнглимиздан ўтган фикрни уқиб олгандай ва у шахд билан хонадонлардан бирининг томорқасига бошлади. Бу хонадон томорқасида ҳам, бошқаларникидаги сингари иссиқхоналар бор экан. Буни қарангки, ҳатто ойнаванд даҳлизиде ҳам помидор, бодринг палак ёзиб турибди.

— Ҳосил мўл бўлипти. Картошқа ҳам ўзи-

миздан чиқаяпти. Табиатга мослаштириб олдик, — дейди у болалардай қувониб. Кейин қаршилиқ кўрсатишимизга қарамай, бодринг, помидорлардан узиб қўлимизга тутди.

— Олаверинлар, олаверинлар, — таклиф қилди уй бекаси. — Уругини Ўзбекистондан келтирганимиз. Юсупов нави.

— Ўзбекистонда ҳам бундай неъматлар танқис бўлиб қолган дейишди, — суҳбатга қўшилилади қўшни томорқадан, чамбарак тўсиқча суюни ўтирган чўтир йигит.

— Шунинг учун Ўзбекистондан етказиб беришини кутиб ўтирмадик-да. Баҳоли кудрат дегандай. Узимизга яраша қилиб турибди. Қолаверса, деҳқонлар юртиданмиз, — мутоиба қилади Эдуард Астров. — Ҳозир меҳмонларга раҳмон чой дамлаб бераман. Унақасини Ўзбекистонда ҳам ичмагансизлар.

— Муболагани ошириб юбордингиз-ов, Эдуард Яковлевич, — дейман.

— Йўқ, мана кўрасиз.

У бизни уйига бошлади. Ҳақиқатан ҳам, томорқасида бир чел картошқа авж гуллаган. Иссиқхонасида бодринг, помидор палаклар қаторида раҳмон, кашини каби кўкатлар майсаланиб ётибди.

Шу дамда ҳаммамиз ўзимизни Ўзбекистон полизларида юргандек ҳис қилдик. Бу, албатта, ҳисга берилиш эди холос. Баъзан бозор оралиб шуларни эслайман. Наҳотки, шундай табии инжиқ ўлкада помидор, бодринг ўстириш мумкин бўлса, бизнинг бозорларимизда бир кило сара помидорнинг баҳоси бир сўмдан тушмас. Одамларимиз ердан узоқлашиб кетишмаяптимикин? Дарвоқе, еринг ўзи қани? Тўрт тарафинг бетон, асфальт йўлақлар... Қишлоқларда эса, оstonадан то мазорларнинг этакигача пахтазор. Яйлов ҳам йўқ. Сут-қатиқ, гўшт ҳақида хаёл қилмас ҳам бўлади.

Хаёллар эса тизгинсиз. Муаммолар тоғ-тоғ. Саволлар мўл... Бозор оралисан. Бир кило бодринг фалон пул. Ҳар қалай, имкониятларимиз бир қадар чекланганлигини Қуанда аҳли мисолида кўриш мумкин. Райхон чой ичгинг келасди. Эдуард Яковлевичнинг гапини эслайсан.

«Бунақасини Ўзбекистонда ҳам ичмагансизлар». Тан олиш керак, ичмаганимиз.

Сафар таассуротлари саҳифаланаётганда, Ўзбекистон Ленин Комсомол Марказий Комитетиға бизнинг комсомол-ёшлардан иборат агитбригада группамиз шэинига Бунтунитифоқ Ленин комсомолнинг БАМдаги штабидан махсус ташаккурнома келди. Ҳаммамиз хурсанд бўлдиқ, албатта. Демак, БАМда ҳам кимлардир биздан хурсанд бўлишган экан.

Ўқтам МИРЗАЕВОВ

Тошкент — Қуанда — Тошкент

(Боши 8-бетда)

— Менга ҳам шундай туюлади. Бунинг битта сабаби бор. — Фаррухнинг сўзлари қатъий эди. — Биз кўпичча музика танлаймизу мавзу эскилигича қолаверасди.

Фаррухнинг фикридан сўнг Махфират кўп ўйлади, композиторлар билан маслаҳатланиди. Нима қилиш керак? Одамларнинг олқишини олиш, гул-дасталарига кўмилавериб мумкин. Аммо ўз ишиндан кўнглинг тўлиши ҳам керак-ку! Еш санъаткор кечалари китоб вақлади. Шундай қилиб, композитор Тушенюк билан Зебунисо шэрига ёзилган «Бу кеча» («Ночью этой») кўшиги вужудга келди. Яқинда Душанбеда, Москвада бўлган концертларда мухлислар бу кўшикни илқ кутиб олишди. Иккинчи кўшиқ «Хусни жавони» эса республика ёшларининг севимли кўшиғига айландин.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, совет маданиятини юксалтириш йўлида ҳам изланишлар кетмоқда. Махфират бу изланишларга ўзининг янги қўшиқлари билан муносив ҳисса қўшаптир. Фақат қўшиқ билан эмас, у ўзи ишлаётган Тожикистон ССР Радио ва телевидение эштитришлари Давлат комитетида ёш санъаткорлар уюшмаси «Шарвин» аъзолари билан махсус программаларни тuzмоқда.

— Сезиб юрибман, музика, эстрада ихлосмандларига ҳали ҳамма гадини айтолганим йўқ. — дейди хонанда. — Нимани айтиш керак? Қайта қуриш даврининг эстрада қўшиқчллари олдиға қўядиган асосий саволи шу, деб ўйлайман. Менимча, аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни айтиш лозим. Бу борада ўзбекистонлик эстрада артистлари анча ибратли ишлар қилишди. Валандпарвоз сўзлардан холи

қатор қўшиқлар пайдо бўлгани шундан деб биламан. Ростини айтсам, хали ҳам кўнглини сархуш қиладиган қўшиқларимиз мўлу, кишиларни ўйга толдирадиган, фикр ўйотадиган жониллари кам. Ешларнинг чет эл музикасига ишқибозлигини танқид қилишдан аввал ўз маҳоратимизни оширсак, яхши бўларди. Одамларнинг дилидаги гапларни қўшиққа солиш, орзу-ўйларини куйлаш орқалигина мухлислар сонини ошириш мумкин.

Ҳозир эстрада қўшиқчилигида бир гуруҳ ижрочилар классик қўшиқларни, ғазалларни куйлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Бу ҳам маданиятимизни ўрганишни яхшилади, тарихимизга, ўтмишимизга янгича назар билан қараш имконини беради. Бундай изланувчилар қаторида айни ижод ташналиги билан яшаётган Махфират ҳам бор. Умри қўшиқлар қанотида кечаётган

Махфират ҳаётда муносив из қолдирмоқда. Унинг ижросидаги қўшиқлар Тожикистон ССР, Ўзбекистон ССР, қатор қардош республикалар ҳамда чет эллар саҳнасида зўр олқишга сазовор бўлмоқда. Махфиратнинг ўзи айтишича, у қийин йўлни танлади. Бироқ юракларга ҳаяжон олиб кирувчи мағзи тўқ қўшиқлар билан ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтса бўлади.

— «Қалбимга қара!» деб куйлайди Махфират ўзининг машхур кўшиғида. — Унда қувонч ҳам, изтиробни ҳам кўрасан. Бу элимнинг юрагидаги шодлиғу дард дарёсининг бир томчисидир».

Қалби эса унинг қўшиқларида мужжасам.

Ақмал ҚАЛАНДАРОВ,
Одина АЗИМОВ

Деҳқонларимиз Келишарияти

Қашқадарё области пахта тайёрлаш планини бажариш арафаларида эди. Биз, бир гуруҳ ҳамкасб журналистлар яхши билан ўша томонга сафарга отландик. Тошкент — Китоб поездида борардик. Сўхбатимиз мавзуи — пахта, уни йиғштириб олиш ташвиши...

КУЛГИЛИ ХОТИРА

— Тошкент, унинг атрофи ва Самарқанд областларида-ку ўқувчилар пахтага чиқмаяптилар. Қашқадарё қандай экан? Тагин илгаригидек «урун-сурон» эмасмикин?

Хамроҳларимиздан бирининг шу гапи туртки бўлдию, илгариги йилларда пахта-йиғим терими пайтида Қашқадарё йўлларида, қишлоқларю шаҳарларида юз берган тўс-тўполонлар хаёлимдан бирма-бир ўта бошлади.

...Китоб — Қарши йўли. Унинг ўн бир жойига тусиқ — шлагбаум ўрнатилган. Тўсиқнинг икки томонида милиционерлар саф тортиб туришадди. Улар ҳар икки томондан келаятган йўловчиларнинг машиналарини «тақа-тақ» тўхтатишадди. Улар «пахта fronti» шароитида ҳар қандай ҳожатбарорликка ўрин йўқлигини йўловчиларга бирма-бир уқтиришадди. Утаётган юк машиналаридан бирини тутиб, унга йўловчиларни: «Фалон колхозга бориб, икки этак пахта териб берасиз, кейин сизларга жавоб беремиз», деб мажбуран далага киритадилар. Кўйинги, юмуш билан йўлга чиққан йўловчи кечгача ўз йўлини тополмай овора бўларди.

Яна, турғунлик йилларидаги воқеалар эсга келади:

...Қамаши район марказига кирадиган чорраҳада катта юк машинаси турибди. Унинг орқа эшиги очик. Уч—тўрт нафар милиционер у ёқ-бу ёққа югуриб-чопиб, район марказига келган ҳожатмандларни мажбуран тутиб келиб, ҳалиги машинага ўтиргизадилар. Бу «жанговар операция»га, одатда, район ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари раҳбарлик қиларди. Икки ва ҳатто уч ой давом этадиган «пахта fronti» даврида ўша ўринбосарнинг асосий вазифаси шундан иборат эди. Ҳатто тоғдаги узоқ Лангар қишлоғидан район касалхонасидаги бемор қизини олиб кетишга келган бир отахонни додлатиб, машинага солиб, қайсиямдир ҳўжаликка пахта теришга юборишганини кўрган гувоҳлар бор. Ушанда врачлар унинг соғайиб, уйига отаси билан кетишга чоғланган қизини қайта касалхонага олиб қолишган. Бу районда, қўшни районлардагидек, терим бошланди дегунча, колхоз ва совхозларга қатнайдиغان барча маршрутли автобуслар тўхтатилди. Автобуслар ҳам, унинг давлатдан маош оладиган ҳайдовчилари ҳам «пахта fronti»га сафарбар этилган. Уларда эрта тонгдан кеч шомгача ёрдамчилар ташилади.

Эҳ-ҳе, биз ўша йўлда юрган кезларимизда не-не хангомаларнинг гувоҳи бўлмадик, дейсиз. Ғузур районидаги Киров номли совхоз территориясига етганимизда, Қаршига борадиган катта йўлда ҳаракат мутлақ тўхтатилган эди. У ёқдан ҳам, бу ёқдан ҳам келаятган машиналар ГАИ ходимларининг имоси билан жойларида тошдек қотган. Унвони каттароқ милиционернинг ёнига бориб сўраймиз: «Узи нима гап? Тинчликми?»

— Ғойибов Қаршидан йўлга чиқаяптилар. Кўрмаяпсизми, кутишга тайёргарлик кетаяп-

ти, — дея милиционер қўли билан йўл четига ишора қилди.

Уша томонга бурилиб қарадик. Атласларга бурканган бир гуруҳ қиз-жувонлар қўлларида нон-туз кўтариб туришарди. Уларнинг ёнида эса маҳаллий созандалар аллақандай куйни чалиб, машқ қилишарди. Сал нарироқда эса ўша қўшни районларнинг раҳбарлари ўз «ҳукмдор»ини кутиш режаларини муҳокама қилишарди. Мабодо, «катта» Китоб райониғача борадиган бўлса, кутиш тантанаси ўша жойгача давом этарди. Ҳа, қатор районларнинг раҳбарлари ўша «Ҳокими-Бузуқвор»ни кутиш билан кунларни, ҳафталарни ўтказар эдилар. «Амир Олимхонни кутиш маросими Ғойибовниқига қараганда ҳеч гап эмасди», дейишадди маҳаллий қариялар ўша кунларни эслаб.

Уша вақтдаги хизмат сафарларимиздан бирида Қамаши районидаги «Марксизм» колхозига боргандик. Ҳўжалик раҳбарларидан бири: «Колхозимизда зарбдор бригада пахта терапти», деб мақтаниб қолди.

— Улар кимлар? — сўрадик ундан.

— Район ўқитувчиларидан шундай зарбдор

бригада тузилган, — дея жавоб қилди у. «Бу қандай кўргулик эди!» деган фикр дарров хаёлимдан ўтди. Қисмати танг келиб, обрўйи ер билан битта бўлган ўша шўрнинг курғур педагоглари бориб кўргим келди. Соч-соқоли ўсиб кетган эркаклар. Улар башарасини бизлардан олиб қочиб, ўзларини бўлиқ ғўзалар панасига олардилар. Ҳа, биз инсон тарбиячиси бўлган ўқитувчининг қадр-қимматини ҳам пахтага алмашган эдик.

Баъзан «фалон раҳбарга қийин бўлди-да, қамалиб кетди...» деган таассуфлар кулоққа чалинади.

Эҳ, оддий, гўл инсон, шунчалик ҳам раҳмдил бўласизми! Ахир, ўша раҳбар кеча лавозим курсисиде оёқ тираб, оғзидан ўт соцаётган пайтда жамики неъматларнинг захматкаш бунёдкори бўлган деҳқонга заррача ҳам меҳр-шафқат қилмади-ку?! Бирор марта сизнинг ҳузур-ҳаловатингизни ўйладими!.. Бугун ўша муттаҳамлар жазоларини тортаяптиларми, бу — улар курсатган кўргиликларнинг, нонкўрликларининг қайтаётган зарби! Азалдан диалектик қонуният шундай.



Мархамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозы комсомол-ёшлар бригадаси бошлиги, Бугунгиғоқ XIX партия конференцияси делегати Озода Каримова, механизаторлар — Тожибой Узоков, Мухаммадкарим Ҳожиев билан янги ҳосил йили тадбирларини белгилашмоқда.

Р. Ашуров фотоси
(У.Т.А.Т)

Биз бу гал областнинг Қашаши, Китоб, Шаҳрисабз ва Чироқчи районларида бўлдик. Бирорта жойда ҳам пахта теримиде кечагидек зўравонлики кўрмадик. Мактаблар илгаридек ҳувиллаб қолгани йўқ. Ақсична, уларнинг бағрини болалар тўлдириб турибди. Йўл-йўлакай мактаблар ёнидан ўташиб. Қувнок ёшларнинг қувончли қаҳ-қаҳаси қулоққа чалинади. Болалар ўқияпти! Дарс бораёпти! Қандай яхши. Китоб район Свердлов номили колхоздаги Бобур номили ўрта мактаб стадионда эса мактаб ўқувчилари тараф-тараф бўлиб футбол ўйнашарди. Ҳув анови йилги теримда «ўқитувчилар зўрадорлар бригадаси» «куч» курсатган Қашаши район «Марксизм» колхозидagi В. И. Ленин номили ўрта мактабда ҳам машғуллар бир маромда борарди. Районларнинг марказларидан колхозларга, совхозларга автобуслар муттасил қатнаб, юзлаб ҳожатмандларнинг мушкулени осон қилмоқда. Ахир, урон-суронсиз, ҳайқиркисиз ҳам пахта терса, уни вақтида йиғиб олиб, планни бажарса бўлар экан-ку! Қашаши райони 20 октябрга бориб-бормай, йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. Ундан кейин Китоб, Яққабоб, Ғузур ва бошқа районлар ҳам маррага бирин-кетин етиб келдилар. Облaстнинг ўзи эса 28 октябрдаёқ пахта тайёрлаш планини бажариб, кейинги йилларда эгилган қаддини ростлади. Қувончлиси шуки, бу ютуқларнинг ҳаммаси «кур-йиқитсиз» қўлга киритилди. Утган йили область давлатга ҳам 550 миң тоннадан ортиқ пахта топширди. Етиштирилган ҳосилини йиғиштиришда деярли ҳамма ҳўжаликларда терим агрегатларидан унумли фойдаланилди.

Биз пахтакор деҳқонлар, районларнинг нисбатан ёш, янги раҳбарлари билан учрашганимизда, уларнинг қайта қуриш талаблари асосида иш тутишга астойдил уринаётганликларини ҳис этдик. Демократия ва ошқоралик мезонлари ҳаётимизга кириб келаётган шароитда деҳқон ўз ери ва эркининг эгаси сифатида иш тутмоқда. Раҳбар эса ўз сўзининг қадри ҳақида қайғурмоқда. Ҳаммасидан ҳам уларнинг ҳар аснода ўйлаб, ақл-фаросат билан иш юритишга интилиши кишини қувонтиради.

Биз Китоб районидagi «Навбахор» совхозининг Парда Абдуллаев бригадасида қолган пахта ҳосилини териш билан гирга кузги шудгорни бошлашга тайёргарлик кўрилатганининг устидан чиқдик. Дала шийонидан анча наридаг пайкалда ғўзани таги билан олиш ташвиши ҳам бошланган эди. Бир томонда эса пайкалларга аммофос калий аралашмасидан иборат фосфор ўғити солинарди. Бригаданинг Жўра Назаров, Нормухаммад Жамолов, Турсун Усмонов сингари аъзолари тракторчи Болта Жумоев билан ҳамкорликда ҳар гектарга 250 килограммдан ўғит солиш ва унинг тупроқ кюласига бир текис сочиллишини таъминлаш тадбирини кўраб эдилар.

Ғўзаноялари кесилётган пайкалда бир чигит пахталар кўзга ташланарди.

— Шудгор учун тайёрлаётган ерларингизда бир чигит пахталар анчанга шекилли? — дедик бригадирга юзланиб.

— Барибир уларни териб-топширганда ҳам тўртинчи сортга қабул қилишади, харажатини қопламайди, — деб дадил жавоб қилди Парда Абдуллаев. Унинг бу гапини ўша жойда ҳозир бўлган район агросаноат бирлашмасининг раиси Тошпўлат Хидиров ҳам бош иргаб тасдиқлади. Илгариги йилларда бу гапни айтиб кўринг эди, дарров сизни «пахта душмани»га айлантиришарди. Уз ҳуқуқини қўлига олган пахтакор бугун дилдагини тилига чиқараёпти. Бу ҳам қайта қуриш шарофати!

Китоб бозорига кирганимизда, кўнглимиз янада равшан тортиди. Колхозлар ва совхозлар дўконларининг расталарида хилма-хил ҳўл мевалар. Бу нарса шахсий сотувчиларнинг маҳсулотлари нарҳига ҳам таъсир қилганди. Сотувчилар ёнига бориб сўраймиз:

- Узум неча сўм?
 - Килоси бир сўм.
 - Анор-чи?
 - Анорнинг ҳам килоси бир сўм.
- Октябрь ойининг охирида Китоб бозориди

шундай арзончилик эди. Бу маъмурчиликнинг боисини оддий кишилар турлича изоҳламоқдалар. Баъзилар: «Бу йил деҳқоннинг йили келди-да. Шунинг учун ҳам кузнинг баракаси бошқача бўлди», деб тушунтирадилар. Бошқа бировлар эса: «Илгариги ҳўжалик раҳбаридан тортиб область раҳбарларигача — ҳаммаси фақат пахтани суриштирарди, бошқа тармоқлар эса ўғайдек эди. Область партия комитетининг секретари Исмоил Каримов ҳам, район партия комитетининг янги секретари Комил Амиров ҳам пахтадан бошқа соҳаларга ҳам эътибор бераёптилар-да. Улар бозор, дўконлардаги савдо-сотикнинг аҳволи билан ҳам қизиқиб турибдилар», дея мамнун бўладилар. Ҳар иккала изоҳнинг замирида ҳам маълум ҳақиқат бор.

Утган куз мавсумида фақат машина теримининггина эмас, балки қўл теримининг ҳам шиддати ўзгача бўлди. Бунинг боиси моддий манфаатдорликда эди. Республикамиз пахтачилик тарихида биринчи марта шу мавсумдан бошлаб қуниқ терилган пахтага нақд ҳақ тўлаш системаси ҳамма жойда бирваракайига йўлга қўйилди. Ҳар бир килограмм терилган пахта учун 10 тиингдан 12 тиинггача, баъзан эса 15 тиинггача ҳақ тўланди. Турғунлик даврида узоқ йиллар давомида қилган меҳнатига ҳақ ололмай, даладан безган деҳқонлар бирваракайига — уюшқоқлик билан пахтазорга юз бурдилар. Натижада ҳар бир колхозда ва совхозда қўл теримида қатнашадиганлар сони ҳар қақонгидан кўра ортки. Уларнинг қундалик иш унумлари ҳам беқиёс юқори бўлди. Машина терими ҳам ҳамма жойда ташкилий равишда йўлга қўйилди. Мана шу омилларнинг самараси ўлароқ республикамиз ноябрь ойининг бошидаёқ давлатга 5 миллион 250 миң тонна пахта топшириб, йиллик плани муваффақиятли бажарди. Фахрли томони шундаки, Ўзбекистонимизнинг қўли гул деҳқонлари ҳалол меҳнатлари билан ўз обрў-эътиборларини тикладилар.

ДАРДМАНДЛАР ДАРДИ

Уз иш фаолиятларини қайта қуриш қаблаб-ри асосида ташкил этишга ҳаракат қилаётган ҳўжаликларнинг раҳбарлари қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ бўлган ишларда анча кемтик томонларга, ечимини кутаётган муаммоларга дуч келмоқдалар. Бизлар улар ҳузурини бўлганимизда, ўша раҳбарлар ўз дардларини ўртага тўкиб солдилар, шу масалаларда матбуотнинг дадил овози кераклигини таъкидладилар.

— Турғунлик даврида колхоз ва совхозларнинг ҳуқуқ-имкониятлари жуда чеклиниб қўйилди, — дея қуноиб гап бошлади Қашаши районидagi йирик «Фарғона» совхозининг янги директори, омилкор раҳбарлардан бири Рашид Норбўтаев. — Ҳўжаликда етиштирилган сабзавот ва мева маҳсулотларини қишда асрайдиган омиборхоналар совхоздагина эмас, ҳатто районда ҳам йўқ. Узимиз курайлик десак, ҳуқуқимиз йўқ, иккинчи томондан, қурилиш материалига эга эмасмиз. Шунинг учун далада — пайкалларда етиштирилган ноз-неъматларнинг бир қисми чириб-ириб кетаёпти, у аҳоли оғзига тегмайпти. Масалан, 30 гектарча жойга сабзи ҳам эккан эдик. Қазиб олиб, қиш учун асрайлик десак, ҳали айтганимдек, маҳсус жой йўқ. Уни баҳоргача ўз пайкалада устини пушталаб қўйдик. Район тайёрлов идораси ҳам колхоз ва совхозлардан ортиқча маҳсулотларини қабул қилиш, уни асраш шароитига эга эмас. Бу борада областнинг ҳамма районларида шароит шундай ночор. Билмадик, область агросаноат бошқармасининг қўлига қачонгача қараймиз.

— Дончилик ва чорвачилик ҳўжалигинида асосий тармоқ ҳисобланади, — деди Чироқчи районидagi Охунбобоев номили совхоз директори Урал Жуманов. — Фермаларимизнинг бинолари, молхоналар совхоз қурувчиларининг кучи билан 50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошларида қурилган эди. Ҳаммаси эскирган, шиферлари синиб кетган, базиларининг деворлари омонат турибди. Янгиларини қурдирайлик десак, қурилиш материаллари йўқ. Область агросаноат бошқармаси фонд бўйича тақсимланган материалларни етказиб беролмаяпти. Минг «дод» деганимиз билан

МИЛОДДАН АВВАЛГИ ДАҲМА

Руминиянинг Констанца шаҳрида водопроводга зовур қазитганлар қадимий даҳмага (Эрамизгача бўлган III—IV аср) дуч келдилар. Мақбара деворларида одамлар, ҳайвонлар, табиат тасвирлари акс этган. Деворнинг бошқа томонида эиёфат, доира курси атрофида беш эркакка икки қўл вино қуаяпти... Текширишларга кўра, девор суратлари антик санъатнинг ноёб нуесалари ҳисобланади. Қурувчилар водопровод учун бошқа зовур қазидилар. Мақбара таъмир этилади ва давлат томонидан қўриқланади.



фойдаси бўлмаяпти. Бундай аҳволда, молбоқарларимизнинг бузоқ-сигирларни қишдан эскириб чиқишлари қийин бўлади-да. Ҳозирги, эски фермаларимизнинг биноси қурилган йилларда совхознинг алоҳида қурилиш бригадаси бригадалари, қурилиш материаллари ҳам ҳўжаликнинг ўзига келиб тушарди. Ички эҳтиёжлар учун бўладиган қурилишларни ўша бригада қурувчилари бажарар эдилар. Энди эса бу имкониятлар бошқа қўлга ўтиб кетган. Сирасини айтганда, турғунлик даврида ҳамма нарса марказлашиб, қўлдан-қўлга ўтавериб, баракаси учиб кетди. Яна бир масала. Биз ҳар йили 21—21,5 миң гектар ерга дон экамиз. Бундай катта майдондаги майсани эрта баҳорда енгил кесма бороналар билан парваришлаб чиқишимиз лозим. Шу ускуналар эса мутлақо етишмайди. Майсаларга пахтачиликда ишлатиладиган оғир бороналарда ишлов берсак, у ўсимликларни юлиб кетади. Хуллас, зарур эҳтиёжларимиз, муаммоларимиз талайгина.

Шаҳрисабз районидagi Энгельс номили колхоз раиси Қурбон Ҳақбердиев эса пахтачилик билан боғлиқ бўлган бошқа муаммоларни айтиб қолди.

— Кейинги йилда пахта тайёрлаш планининг ярим миллион тоннага қамайтирилганини эшитиб, пахтакор деҳқонларимиз ўзларини анча енгил тортган эдилар, — деди у жиддий мулоҳаза юритиб. — Лекин тола ишлаб чиқариш планининг 29 фоздан 33 фозга оширилгани, ростини айтсак, унчалик тўғри бўлмади-да. Бу ҳудди этагидан кесиб, ёқасига ямагандек бўлди, холос. Ҳар йили тола миқдорини бу миқдорга етказиш осон иш эмас. Бусиз ҳам пахта меҳнати, уни етиштириш ниҳоят даражада азиятли. Пахтакор деҳқонларимиз йил бўйи — ўн икки ой давомида меҳнат қилади. Эрта баҳордан то кеч кузгача улар далада бўладилар, меҳнати эса меъёрсиз. Ростини айтсак, ҳалқимиз қўп йиллардан бери ўз соғлиқларини гаровга қўйиб пахта етиштирмоқдалар. Пахтанин ҳарид нарҳи эса ҳамон пасглигича қолаёпти. Бизингча, қайта қуриш талабларидан келиб чиқиб, ҳудди шу масала ҳақида ҳам жиддий ўйлаб қуриш пайти келди.

Дарҳақиқат, мазкур ҳўжаликларнинг раҳбарлари ўртага ташлаган муаммолар жуда муҳим бўлиб, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат программасининг ҳал этиш масалалари кўп жиҳатдан ана шундай долзарб жумбоқларнинг ҳал этилишига ҳам боғлиқдир. Областдаги, қолаверса, республикадаги маъсул ташкилотлар мазкур муаммоларга жиддий эътибор билан қарашлари лозим.

Шомурод СИДДИҚОВ



Ҳабиб САЪДУЛЛА

ГАР СЕН...

Агар сен норасо бўлсанг,
бу олам норасо сенга,
Ҳаётга нораво бўлсанг,
ҳаёт ҳам нораво сенга.
Бу дунё кори шундоққим,
топурсан ҳарне изларсан,
Агар сен ошино бўлсанг,
бўлурлар ошино сенга.
Меҳр, лутфу садоқат — дўсту
ерликнинг буюк шарти,
Агар сен бевафо бўлсанг,
улар ҳам бевафо сенга.
Қидирма ўзгалардан саҳв ким
саҳв ичра ботгайсан,
Агар сен саҳв этиб отсанг,
отурлар беҳато сенга.
Ҳаёли, пок одам ҳаргиз
бировлар устидан қулмас,
Агар сен беҳаёсан, эл
кўрингай беҳаё сенга.
Сени бу нурли оламга
нур улашмоққа кетурмишлар,
Агар қалбинг басир бўлса
ёруғ кун зим-зиё сенга.
Ёруғ кунлар умидида, Ҳабиб,
умринг ўтиб боргай,
Шукурким, яхшилар меҳри
раво сенга, даво сенга.

БИР БУРДА НОН

Хонадонингда йўнгинги
бор этар бир бурда нон,
Йўқ эса дунёни кўзага
тор этар бир бурда нон.
Сен ҳаётдай англагил бир
бурда ноннинг қадрини,
Етмасанг қадрига бир кун
зор этар бир бурда нон.
Нон азиздир, нон — муқаддас,
қону қондошлик қадар,
Душманинг ҳам бўлса дўсту
ёр этар бир бурда нон.
Нон — ҳалоллик, ҳам яралгай
ул ҳалол меҳнат билан,
Ким харом қўл урса охир
хор этар бир бурда нон.
Дилда эзгулик билан сен
нон ушат меҳмонгаким,
Таъмадан, бойваччаликдан
ор этар бир бурда нон.
Юртга меҳрим этгум изҳор,
Қўлда нон ушлаб, Ҳабиб,
Элга содикликни менга
кор этар бир бурда нон.

СИЗНИ СОҒИНСАМ

Кўнгилда мавж урар тўлқин,
нигорим, Сизни соғинсам,
Иўқолгай жон аро сабрим
қарорим, Сизни соғинсам.
Йўлингиздан узолмай кўз
кутиб ташрифингиз бесўз,
Курур бу хаста жисмида
мадорим, Сизни соғинсам.
Орамиз бир қадам, аммо
етишмоқ қанчалар душвор,
Туялгай бепоен мўъжаз
диёрим, Сизни соғинсам.
Эл ичра гарчи хандонман,
вале ҳушсиз, паришонман,
Паришон куйлагай ҳатто
дурорим, Сизни соғинсам.
Хазон фаслга хошлр бу
паришонлик, умидвормен,
Бўлиб келгайсиз албатта
баҳорим, Сизни соғинсам.
Менинг мангу баҳоримсиз,
вафода барқароримсиз,
Шу боисдан баҳор мадҳи
шиорим, Сизни соғинсам.



КЕЛГАЙМИ, КЕЛМАГАЙМИ...

Тонг отди. Боз хаёлим:
келгайми, келмагайми?
Ул қомати ниҳолим
келгайми, келмагайми?
Кўзим йўлида гирён,
зорман кўришга ҳар он,
Зор этган ойжамолим
келгайми, келмагайми?
Гулгун лабида ханда,
мен ҳар сўзига банда,
Шаккар лабида болим,
келгайми, келмагайми?
Чорлаб ўтар ҳаётим,
васли мудо муродим,
Доим сўроқ-саволим:
келгайми, келмагайми?
Келганда кўксим осмон,
кетгач кўнгилда армон:
Боз ақли баркамолим
келгайми, келмагайми?
Боғим дея қувонсам,
тоғим дея суянсам,
Етмасмикин малолим,
келгайми, келмагайми?
Бахтимга бор бўлгай,
умримга ёр бўлгай,
Кўрмай сира заволин,
келгайми, келмагайми?

БИР НИГОҲ

Бир кўрсатиб жамолинг,
эй соҳиби малоҳат,
Олдинг ҳаловатимни,
рўй берди ғайри ҳолат.
Қайдан нигоҳ ташлаб,
қилдинг ширин табассум,
Шу лаҳзадан кўнгилда
бошланди бир қиёмат.
Кўз нурим изларингга
мисли ғубор илашди,
Турган еримда қотдим,
жилмоққа йўқ жасорат.
Бу қандайин синао —
ақлимни лол этди
Бошимга тушди билмам,
савдоми ё муҳаббат?!
Найлайки, журъатим йўқ
изҳор этарга ҳолим,
То келмагай малолим
айлаб сени хижолат.
Исминг аташга кўрқиб,
пинҳон куйиб юрарман,
Пинҳон куярга, жонон,
бер лоақал ижозат.
Оҳ, қанчалар ширсам,
беҳуда кетди чоғи,
Аҳли Наманган ичра
шайдолигим ҳикоят.

УМИДВОРЛИК

Билолма, не синао бу
хаёлингиз менинг корим,
Аён бўлгаймикин сизга,
азизам, пинҳон асрорим.
Юрарсиз худди ёнимда,
кирибсиз чоғи жонимга,
Ажаб, сиз бирла боғланмиш
бу оламда йўғу борим.
Ҳаловат кетди уйкудан,
ўзим лолман бу туйғудан.
Узун тун васфингиз куйлаб,
топар таскин юрак торим.
Гаҳи танҳо кўшим деб,
гаҳи мангу қувончим деб,
Юпангай дардли қалбимдан
сизувчи дардли ашъорим.
Кириб бир кун ҳаётимга,
менинг Мажнун сифотимга
Бўлиб лайливашим тингланг,
нажот истовчи оҳ-зорим.
Мисоли нолакор бир най,
кўнгил сиз ёққа талпингай.
Умид этгайки, бўлгайсиз
муруватпеша дилдорим.
Умидим айта олмасдан,
умиддан қайта олмасдан,
Не тонг, бўлса Намангон
ичра ошкор ушбу иқрорим.

Наманган



«Ойнаи жаҳон» фош қилади

Август кунлари телевизор экранларида намоиш қилинган «Долзарб интервью» кўрсатуви миллион-миллион қалбларни ларзага солди. Телевидение маъмуриятига ҳамда газета-журнал редакцияларига телетомошбинлардан келаётган кўллаб хатлар бунинг гувоҳидир. Шу муносабат билан мухбиримиз кўрсатув муаллифлари: Ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти лауреати, режиссёр Мели Маҳкамов ҳамда журналист Дадахон Ёқубовлар билан учрашиб, суҳбат уюштирдик.

Мухбир. Эътироф қилиш керак, навбатдаги кўрсатув ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан аввалгиларидан кескин фарқ қилди. Бу мамлакатимизда кенг қулоч ёзган ошкоралик, қайта қуришнинг шарофати бўлса керак?

М. Маҳкамов. Худди шундай. Турғунлик йиллари телепублицистиканинг обрўси тушиб кетган, томошбинлари йўқ ҳисобда эди. Муболағасиз айтиш мумкин, томошбинлар республикамиз телевидениесининг «Ахборот» программасини соатни аниқлаш, қолаверса, пахта плани ҳақидаги маълумотни билиш учунгина кўрар эдилар. Репортажлар сийқа, бир қолпда бўлиб: «Бригадамиз аъзолари пахта тайёрлаш планини уч иш кунда ошириб бажардилар. Ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, яна мамлакатимизга мана шунча пахта етказиб беришга аҳду паймон қилдилар», сингари баландров, дабдабали гаплар билан бошланар, томоша кенг эса, энсаси қотиб, телевизорни ўчириб кўяр эди.

КПСС Марказий Комитетининг XXVII съездага Сиёсий докладида таъкидланганидек, 1985 йил Апрель пленумидан сўнг Марказий телевидениенинг «Время» программасида ҳам ҳаёт нафаси акс эта бошлади. Реал ҳаёт кўз ўнгимизда гавдаланиб, мамлакатимизда юз бераётган қайта қуриш нафаси сезилга бошлади. Ўзбекистон телевидениесига ҳам қизиқарли кўрсатувлар пайдо бўлди. Уларда шу куннинг долзарб муаммолари дадил ёритилга бошланди. «Хат ва ҳаёт», «Инсон ва қонун», «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари», «Ахборот танқид қилади» каби кўрсатувлар кенг жамоатчилик эътиборини тортиди. Ҳа, тележурналистлар кино актёрларидек машхур бўлиб кетишди. Шуҳрат Қосимов, Абдуҳаким Турғунов, Дадахон Ёқубовлар телетомошбиннинг дилбандига, таржимонига айландилар. Бу телеэкраннинг оммавийлиги, қолаверса, телепублицистиканинг ҳаётийлиги ошганлигидан далолат беради.

Д. Ёқубов. Кўрсатувда одамларнинг айна дилидаги гапларни айтишни мақсад қилиб олдик. Томошабин томонидан кўндаланг қўйилган масаланинг ечими ўша соҳа раҳбарларига ҳавола этилади. Ҳар бир тармоқ бошлиги телетомошбинлар олдида ҳисоб бериши керак. Биринчи август кўрсатувида Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри Учқун Содиқович Раҳимов билан суҳбат ўтказилди. Министр ички ишлар органларида бўлаётган туб ўзгаришлар, қайта қуриш ишлари ҳақида ҳисобот берди. Унинг эътиборига аниқ фактлар асосида икки масала қўйилди. Чунотчи, қўпол милиционер бир йигитни қаттиқ калтаклаган, жабраланувчи 18 кун касалхонада ётиб чиққан. Иккинчи масала, ГАИ ходимлари ўзлари етиштирган маҳсулотларни шаҳарга олиб келаётган деҳқонларнинг машиналарини тамағирлик билан тўхтаган. Министр бу фактларнинг гувоҳи бўлгач, телеэкран орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ортилган машиналарни тўсиш қатъиян ман қилинади, деб ваъда берди. Бу раҳбарнинг масалани зудлик билан ҳал қила олишидан далолат бериб турибди. Шунини мамнуният билан қайд этиш керак, икки масала ҳам ижобий ҳал этилди. Дарвоқе, кўрсатувдан бир ҳафта ўтгач, Тошкент бозорларида маҳсулот нархининг сезиларли даражада арзонлашгани маълум бўлди. Деҳқонлар ҳам мамнун эдилар.

Мухбир. Ички ишлар министрининг: «Сенга халқ ишониб, амал берди, кийим-кечак, маош берди. Сен халққа ҳалол хизмат қилишинг керак. Ҳали ишимизда камчилик кўп. Биздан одамлар норози, мен министр сифатида ўз ишмдан қониқмаганим йўқ. Агар камчиликларимизни йўқотмасак, халққа ҳалол хизмат қилмасак, одамлар ишончини, халқ ишончини оқлай олмаймиз», деган гаплари телетомошбинларда чуқур таассурот қолдирди. Бундай хайрли ишни давом эттириш керак. Янгилишмасам, иккинчи кўрсатув Ўзбекистон ССР савдо министрлиги фаолиятига бағишланган эди. Негадир бир-иккита стул бўш қолди.

Д. Ёқубов. Томошбинлар тўғри пайқашибди. Кўрсатувда меҳнаткашлар талаблари асосида бир қатор магазин, савдо тармоқларидаги нуқсонлар ошкора намоиш қилинди. Бироқ интервью бўлмади. Чунки, савдо министрлиги раҳбарлари турли важ-қарсон билан кўрсатувда иштирок этмади. Унда қуйидаги фактлар ошқор ўртага ташланди. Масалан, Тошкент шаҳридаги «Хасково» универсамиди 800 кило-

грамм сариеғ аҳолига сотилмай, яроқсиз бўлиб қолган. Сотувчилар Усмон Тўхтаев ва Садриддин Эрматовлар савдо қойдаларини бузганлар. Кўп микдорда пишлоқ маҳсулотларини беркитиб қўйишган. Чилонзор районидаги 35-магазинда ароқ билан савдо қилиш мумкин эмас, шунга қарамай, сотувчи Жаҳонгир Шораҳбаров миջозларига ароқ қуйиб сотган. Сергели овқатланиш қорхонасига қарашли 6-ошхонада мактаб комбинати оғборхонаси жойлашган. У ердаги маҳсулотлар оғборчи Ермуҳаммад Тошпўлатов томонидан қонунга хилоф равишда сотилган. Харидорлар ҳақидан уриб қолинган. Тошкент шаҳридаги 2-нон заводида тайёрланган сифатсиз маҳсулотлардан 33 тоннаси молларга берилган. Давлат маблаглари беҳуда сарфланган.

М. Маҳкамов. Энди бу ёғни эшитинг. Кўрсатувдан кейин номаълум кимсалар телестудияга телефон қилиб: «Кўрсатув ижодкорларидан қасос олинади!» деб дағдаға қишдилар. Савдо министрининг икки ўринбосари юқори ташкилотларга кўрсатув муаллифлари устидан шикоят қилиб, чора кўрилишини сўраганлар. Улар телестудия раҳбарларига телефон қилиб, қайта қуриш пайтида улкан муаммолар қолиб, майда муаммоларни кўтарибсизлар, деб ақл ўргатишган. Йўқ, қайта қуришда катта-кичик муаммо бўлмайди.

Д. Ёқубов. Турли баҳоналарни кўрсатиб, кўрсатувимизга келмаган Ўзбекистон савдо министри Юрий Петрович Литвиненко, бир ҳафта ўтгач, мендан республикамизда нечта магазин бор, деб сўради. Табиий, бу саволга жавоб топа олмадим. Ундай бўлса, сизнинг савдо соҳасида материал беришга ҳақингиз йўқ, деди министр. Мен эса, агар республикамизда қанча магазин борлигини билсам, савдонини ташкил этиш, уни маҳсулотлар билан таъминлаш масаласини яхшилаш йўллари билан шуғулланиш талаб қилинса, демак, мен савдо министри эканман-да, деб ҳазилга бурдим.

М. Маҳкамов. Биз келгуси кўрсатувларимизда танқидни янада кучайтиришга, ҳам боришимизга тўсқинлик қилаётган бюрократлар, порахўрлар, кўли агрларнинг қилмишларини фош этишга ҳаракат қиламиз.

Кези келганда шунга ҳам айтиш керак, кўрсатув эндигина дунёга келди. Ҳали у кучга тўлгани йўқ. Унинг демократия ва ошқоралик минбари бўлиши республикамиз партия, хўжалик, совет раҳбар ходимларига ҳамда «зангори экран» ижодкорларига боғлиқ. Биз юқорида турғунлик йиллари

телепублицистикаси ҳақида бекорга сўзлаганимиз йўқ. Чунки бу кўрсатув муҳим масалаларни ҳал қилишда омма сафарбар этувчи минбар бўлиб қолишига имонимиз комил.

Мухбир. Эзгу ишларингизга кўп сонли журналхонлар номидан муваффақиятлар тилаймиз. М. Маҳкамов, Д. Ёқубов.

Ташаккур!

Суҳбатни А. ИСОМИДДИНОВ уюштирди



Аргентиналик чавандозлар

Сиз, албатта, ловуллаб ёниб турган уйнинг бешикни каватидан ёки дарактлар тепасидан яшиндай учиб бораётган от устига сакраб тушган фавкулдада чаққон кишиларни кўргансиз. (Кинофильмларда, албатта.)

Лекин Аргентинанинг Патагония кенликларига истиколат қилувчи қатучу қабиласи кишиларини бундай манаралар билан лол қолдиришмайди. Улар ҳақиқатан ҳам фавкулда чаққон ва ҳаддан ташқари кўрқув билмас чавандозлар бўлиб, ўта теалик билан чопиб бораётган от устидан иккинчисига сакраб ўтадилар, от қорнида осилган ҳолда қочиб бораётган қўённи нишонга олиб, мақсадга эришадилар.

КАТТА ШОИР ЙЎЛИ



ЖУМАНБУЛБУЛ ЁҒЛИ

ЭРГАШ Жуманбулбул Ёғли: «Яхши шоир элли йиғар, тарқатмас», деган эътиқод билан ижод қилган халқ шоири эди. У «Ойсулув», «Якка Ахмад», «Кунтуғмиш», «Далли», «Равшан», «Хушкелди», «Қундуз билан Юлдуз», «Холдорхон», «Алибек билан Балибек», «Қиз Жипек» каби анъанавий дostonларни юксак маҳорат билан айтган, «Уртоқ Ленин», «Таржимаи ҳол» сингари индивидуал дostonларни яратган. Унинг дoston ва термалари «Булбул тароналари» беш жилдигида, «Песни Бульбуля» уч жилдигида (рус тилида) нашр этилган. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, Эргаш шоир наинки ўзбек дostonчилиги осмонидоги юксак ва ёруғ юлдузлардан биридир. Унинг ижодий сиймосини қардош халқларнинг энг истеъдодли халқ дostonчилари билан қиёсий ўрганиш фольклоршунослигимиз кун тартибидан ўрни олиши зарур бўлган илмий масалалардан биридир, деб ўйлаймиз.

Муайян фольклор асари тақдирида маълум халқ шоири тутган мавкени теран ўрганиш, унинг ижодий истеъдоди, ижодий қиёфасини илмий кўрсатиб бериш жуда қийин: дostonчининг бадиҳаси, ижодий талқини анъанавий асарга тамомила сингитб кетади.

Эргаш Жуманбулбул Ёғлининг бадиий маҳорати ҳам ўзи мансуб Қўрғон дostonчилик мактаби барқарор анъаналари ижодий талаби таъсирида, ўз табиий истеъдодининг муайян эстетик мақсад асосида тараққий топиши натижасида рўёбга чиққан. Бу ижодий салоҳият сарчашмалари — фольклор ва классик шеърятдир.

Эргаш Жуманбулбул Ёғли дoston қориси эмас, балки асл халқ шоиридир. У анъанавий дostonлар қаҳрамонларини ҳаминча эпик гоёвий мақсадга мувофиқ тарзда тасвирлайди: анъанавий қаҳрамонларга онгли муносабатда бўлади. Унинг дostonчилар, дoston айтиш санъати ҳақидаги фикрлари ҳам шу онгли муносабатнинг зуҳуридир.

Қўрғон мактаби анъаналарининг мустаҳкам ва барқарорлиги дostonчилар истеъдодо, маҳорати ёрқин мужассам топишига имкон яратарди. Шоир анъанани қанчалик яхши эгалласа, анъанавий дostonни шунчалик маҳорат билан куйлаш ва асарни мукамаллаштиришдан, яъни мантқиқий ва табиий бадиҳа этиш имкониятига эга бўлар эди. Дostonчилар оғзаки асар фабуласини ҳам анъана сифатида қабул қилар эдилар. Фабула анъанавийлиги ха-

рактерлар мантқиқий, воқеалар оқими, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари етарли даражада уйғунлашиб улгурганининг самараси сифатида юзага келади. Бу ҳолда Эргаш Жуманбулбул Ёғли даражасидаги юксак маҳоратга эришиш, куйлаётган дostonи бадииятини янада ошириш эъважи ҳам асар гоёси тингловчи онгига ўнғайроқ ва теранроқ етиб боришини таъминлайди, ҳам ўзига хос бадиҳа қобилиятини намоён қилади.

Эргаш Жуманбулбул Ёғли фольклор ва классик шеърят чегараларини бир-бирига яқинлаштиради, тўғрироғи, фольклор анъанавий асарларини пироварди бадиий адабиёт намуналарига айланб кетадиган тараққий йўлига солади. Ваҳоланки, биз бундай тенденцияни Қўрғон мактабининг яна бир улғу вақили — Пўлкан шоир ижодида кўрмаймиз. Анъанавий ўринларнинг янгича — бадиҳавий талқинини бериш, эпик қаҳрамонларни, жумладан, Равшан образини индивидуаллаштиришга интилиш бутун ўзбек дostonчилиги миқёсида Эргаш Жуманбулбул Ёғлигагина хосдир.

Бежиз эмаски, Эргаш шоир ўз умрини дostonчилик йўлида тиккан киши эди. Унинг шахси ҳам бунди тасдиқлаб турар эди. Буюк дostonчини кўрган-билган кишиларнинг ҳикоя қилишларича, дostonлар ва бадиҳалар Эргаш шоир умрининг фазли эди: у ҳаминча шерь билан сўйлар, болаларни кўрса, жуммоқ кўяр (топишмоқ тўқир), ҳаёт ҳодисаларига ҳаминча шерьий муносабат билдирар эди. Унинг ранг-баранг мавзулардаги гўзал термалари ва туюқлари бу фикрни тасдиқлаб туради. Ҳофизасидаги анъанавий дostonларнинг кўлини ва ўз дostonлари, термаларининг аксариятини ўз кўли билан ёзиб топишгани ҳам Эргаш Жуманбулбул Ёғли фольклор ва бадиий адабиёт халқ тақдирида тутган мавкени тўғри тушуниб етганини билдиради.

Эргаш шоирнинг яшадан мақсади шеърятга хизмат қилиш эди. У умрининг сўнгги дақиқаларида ҳам Қўрғон дostonчилик мактаби тақдири ҳақида ўйлади, бошида ўтирган невараси Абдуғанига қараб: «Сен шоир бўлмадинг. Лекин шоирлик бахт қушига ўхшайди. Муносиб одам топилгунча, кўнмай учиб юраверадим. У сенинг авлодларингдан бировининг бошига кўнса, ажаб эмас», — дейди ва жонини узилди...

Шоирнинг ижтимоий онглилиги, дунёқарashi, бадиий сўзининг чинакам аҳамиятини тушуниши ва бутун истеъдодини ўз гоёвий-бадиий эътиқодини амалга оширишга сафарбар этиши — унинг

ижодий ўзига ҳослиги, бадиҳа кучи рўёбини таъминлайдиган омиллар сирасига қиради.

Қўрғон мактабига мансуб шоирлар асрлар давомида анъанавий дostonларга замона руҳини сингдириб келдилар. Бу тингловчилар меҳри ва хусни таважжухини қозонишининг шартларидан бири эди. Шу тариқа, — анъанавий дostonлар фабуласи, характерлари мантқиқий нисбатан турғун бўлса-да, — уларнинг руҳи янгиланар эди.

Халқ шоирлари бадиий тафаккурининг эпик воқеликка муносабатиде фарқлар бор, албатта. Чунончи, анъанавий эпизодларни ишлашда Эргаш шоир билан Пўлкан шоирнинг бадиий тафаккури ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бир мактабга мансуб бу икки улғу халқ шоирининг асосий фарқи фақат уларнинг бадиҳагўйлиги даражасидами? Йўқ, мазкур бадиҳагўйлигини йўлга солган омилларни ҳаёдан соқит этмаслик зарур. Ана шулардан бири шоир тасавуридир. «Инсон фикри, — деб ёзган эди К. Федин, — худди тасавури воқеликсиз бесамар бўлгани каби, тасавуриксиз бесамардир». Дарҳақиқат, бой тасавури шоир бадиҳаси муайян асар, муайян образни теранлаштиради, унга жозоба бағишлайди. Табиийки, бадиҳани ҳам анъанадан ажратиб олган ҳолда ўрганиб бўлмайди. Чунончи, фарғоналик Усмон бахши Мамат Ёғлининг «Бўтакўз» дostonи, — қаҳрамонларининг анъанавий монолоғларини истисно этганда, — ҳикояга яқинлашиб келади. Гўрўғли, Аваз образлари талқини ҳам суст паршон; Эргаш шоир, Пўлкан шоир тасвиридаги каби шавқати, жозибаси йўқ. Бунинг сабаби, бахши қобилиятдан ташқари, дostonчилик муҳитининг кучли эмаслигида ҳам дейиш мумкин. Шунинг учун дostonчи бадиҳагўйлиги анъанавий талқин интизомига бўйсунмайди. Тўй, улоқ манзаралари, Авазоннинг бу ерда ўзини тутиши эпик турмушдан кўра дostonчи ўзи яшаб турган турмушга яқин. Авазон бир ўринда: «Сени бу қилган базми жамшид, ўйин-култинг мен учун бўлса ҳам, кўзимга кўринмади. Мен икки кўзимни юмсам, икки боламини кўриб турибман», дейди Хунхорға. Дostonчи қалин ҳақидаги гапларни ҳам қўшади. Асарга Фарғонага хос ҳазил-мутойиба, аския сингдирилган. «Бўтакўз» охиридаги Холдонанинг қилиги ва кўшиги юморга тўла, ажойиб. Лекин булар бахшнинг ўз эпик фокусини йўқотган назари тушган манзаралардир, улар дoston демократик рангини куюқлаштирмайди. Эргаш шоир, Пўлкан шоирнинг шеърый куд-

ратининг сири — яна шу анъанада, Антей каби анъана заминдан кудрат олиб турганларидадир.


ЭРГАШ Жуманбулбул Ёғлининг совет даври ижоди ҳар қандай санъаткор орзу қиладиган даражада шаърафлидир. У халқ дostonчилигининг улғу намоёнчаси эди, революциядан кейин Ленин ва Улғу Октябрьни куйлаган совет шоирларининг пешталқинларидан бирига айланди. Анъанавий дostonлар поэтикасига хос бадиий восталар таъсирига тушиб қолмай, ўз йўли, ўз поэтикасини ярата олди. Халқ дostonчилиги анъаналарига суянганда эса, ўз ижодий индивидуаллигининг бутун жозибасини намоён қила олди. Унинг бадиий тафаккури замонавий фазилатлар касб этди.

Бинобарин, социалистик воқеликнинг бевосита ижобий таъсири билан халқ ижодкорлари, жумладан, Эргаш Жуманбулбул Ёғлининг дунёқарашда, воқеликка бадиий муносабатда, бадиий образлар оламида, истеъдодининг моҳиятида мутлақ янги сифат ўзгаришлари рўй берди. Дарҳақиқат, анъанавий дoston материали устидан халқ шоирининг бадиий ҳукмронлиги ўса борган сари бадиҳа — импровизация моҳиятидан мураккаблашди ва теранлашди, энди кутилмаган бадиҳавий ҳодисадан фольклорнинг бадиий қонунларидан бирига айланади, фольклорнинг ижтимоий табиати, унинг халқчилиги проблемаси, фольклорни халқ маданияти турали сифатида ўрганиш масаласи, фольклорнинг бадиий методи, фольклорга хос коллектив ижодий жараён, анъанавий-типик ва ижобий индивидуаллик каби масалаларни импровизациядан айрим ҳолда ўрганиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Импровизация — жонли, бой эпик традициялар муҳитида — халқ дostonлари учун фольклорнинг ижтимоий табиатини намоён қилувчи, унга хос коллективлик ва индивидуал бoshланиш диалектик узвийлигини таъминловчи бадиий қонундир.

Импровизация анъанавий дostonнинг фабуласи, сюжетига хос бадиий имкониятларнинг ижродан-ижрога тўла очилишига, социал ҳаёт талаблари асосида фабула ва сюжет тадрижий тарзда ривожланишига хизмат қилад; таъкидлаш мумкинки, эпик анъана шароитида генеалогик туркумликни шу тарика шаклланди ва «Гўрўғли» туркум дostonлари мисолида ўзининг камолат босқичига кўтарилди. Эр-

Наманган область, Янгикўрғон районидagi «Ленинизм» совхозининг маъмурий биноларидан бирининг участка касалхонаси учун берилиши қишлоқ аҳлини хурсанд қилди.

В. Мосин фотоси



гаш Жуманбулбул ўгли сира-сидаги талантли халқ шоирлари ҳофизасидаги анъанавий дostonларда «Гўрўгли»га хос генеалогик туркумлиликнинг ана шу камолот босқичи мужассамлашган; бежиз эмаски, биз уларнинг тахлилларида импровизацияни «бадий ва адабий аҳамиятга молик» (М. К. Азадовский) фольклор намуналари яратилиши учун имконият ҳосил қилган бадий қонуниятлардан бири сифатида учратамиз.

Улуг Октябрь социалистик революцияси фольклорнинг ҳам гоёвий-бадий, ижтимоий таъсир миқёсини мисли кўрилмаган даражада кенгайтириб юборди. Чунончи, асрлар давомида халқ хаёлида, кўнглида яшаб, тобора бойиб келаётган дostonлар, эртаклар, қуйлар, сюжетлар, мотивлар ўзбек миллий маданияти учун мутлақ янги бўлган жанрлар воситасида бадий оламнинг юксак бир босқичига кўтарилди; дастлабки опера ва балет, музыка драма асарларининг адабий, муסיқавий ва рақс асослари фольклор материаллари заминда яратилгани улар мазкур миллий маданият заминига табиий равишда томир ёйишига сабаб бўлди. Шу тариқа асрлар мероси ва социалистик жамият маънавий-бадий синтези ҳосил бўлди, бу синтез ўзбек совет миллий маданияти Вутуниттифоқ ва жаҳон маданияти даражасида тараққий эттишига хизмат қилди.

Фольклор адабиётни, санъатни озиклантириши мумкин, лекин унинг ўрнини босолмайди. Адабиёт ва санъат фольклорга нисбатан тамомила янги, мустикал сифат босқичидирки, буни ҳамаша ёдда тутган маъқул.

Шу билан бирга социалистик ҳаёт фольклор намоянасида граждандлик салоҳиятини янгича, актив ижтимоий мазмун билан бойитди. Бу ҳаётини омил натижасида Эргаш Жуманбулбул ўгли, Фозил Йўлдош ўгли, Пўлкан шoir, Ислом Назар ўгли, Абдулла Нурали ўгли каби халқ шоирлари индивидуал ижоди барқ уриб янада. Эргаш Жуманбулбул ўглининг «Уртоқ Ленин» дostonи инқилобий мухит ижтимоий буюртмаси самараси ўлароқ юзга келди ва фольклор — адабиёт синтезини ҳосил қилган гоёвий-

бадий омилларни ўзида тўлатуқис мужассам этди. Биз ҳаммиша В. И. Лениннинг ўтмишдаги ҳар бир миллий маданиятдан фақат унинг демократик ва социалистик элементларини олиш кераклиги ҳақидаги васиятини эсда тутамиз. Эргаш Жуманбулбул ўглининг «Уртоқ Ленин» дostonида ёрқин намоён бўлган новаторлиги шундан иборатки, у асрлар мобайнида анъанавий дostonлар муҳитида шаклланиб, ривожланиб келган демократик ва социалистик элементларни ўз дostonида камбағал, бахши образлари воситасида бир бадий фокусга йиғди, улар ҳаёти, курашининг синфий моҳиятини бадий гавдалантириб бера олди, социалистик жамият ижтимоий-бадий тафаккури даражасида туриб, инқилоб доҳийси Владимир Ильич Ленин образини яратди. «Уртоқ Ленин» дostonи ўзбек совет фольклори муҳитидагина эмас, балки ўзбек совет адабиёти муҳитида ҳам муҳим гоёвий-бадий янгилик бўлди. «Уртоқ Ленин» дostonи ўзининг сиёсий йўналишининг ўткирлиги, бадий жиҳатдан давр талаби даражасида эканлиги, яъни мукамаллиги, чинакам санъатга хос мафқуравий моҳияти, сиёсат билан узвий боғлиқлиги билан асл санъат намунаси бўлиб хизмат қилди, бадий маданият тажрибаси, ижтимоий аҳамияти ҳақида сўз борганда уни тўғри баҳолаш учун зарур, ёрқин мисоллардан бири бўлиши мумкин.

Республикаимизда мураккаб жанр ва йирик шаклдаги асарларнинг кўпроқ пайдо бўлаётгани, кинобарин, адабий жараённинг тадрижий тарада тараққий эта бораётгани замонавий бадий тажрибани маданий меросга хос энг яхши фазилатлар ҳисобига янада бойитишни тақозо этади. Зеро, Ўзбекистон шoir ва ёзувчилари фольклор хазинасидан: мураккаб жанр, йирик шакл намуналари — «Алпомиш» эпоси, «Гўрўгли» туркум дostonлари бадий сабоқларидан хали кўп йиллар ижодий бахраманд бўлишлари мумкин. Чунки улар ўзбек халқи бадий даҳосини ўзида намоён қилган ва ҳар бир янги авлод руҳида яшариш-янгилашиш фазилатига эга бўлган

анъанавий асарлардир. Ҳар бир миллий маданиятнинг энг инсоий мурод-мақсадларни, халқлар ўртасида дўстликни, ватанпарварликни, тинчликни, адолат ва муҳаббатни туранум этган баркамол намуналаридан замондошларимиз маънавий эҳтиёжини қондириш мақсадида ижодий, оқилона фойдаланиш эса совет турмуш тарзига хос хусусиятдир.

* * *

Тун.

Ойдин.

Шаббода.

Евшанлар ҳидини таратади шаббода. Евшан ҳиди оламни тугти — дашт бўйлаб кетиб боради. Зулхумор қизлари билан ўтиб бораётганда, олам шундай анқина бўлса, не ажаб!..

Қундуз Авазхонни кўргани кетаётганда, олам шундай кўрка тўлган бўлса, не ажаб!..

Зулхумор билан канизларини, Қундуз билан канизларини эслатади евшаннинг муаттар ҳидлари, ёшлик ҳиди, шеър ҳиди... Халқ руҳида туғилиб, Эргаш Жуманбулбул ўгли каби шоирлар қалбида балққан шеър нури кўнгилга ёйилади. Эргаш шoir қалби орқали ўтган халқнинг шеърини дарёсини хаёлан бўйлаб, дашт бўйлаб кетиб борамиз. Осмон шу қадар кенг. Кўнгилдан ҳам кенг. Хаёлдан ҳам кенг. Юлдузлар хил-хил пишган балх тутлари каби: йўқ, шoir айтмоқчи, очилган пахтадек осмонга сизгмайди.

Бу юлдузлар Едгор шoirни, Қасос бахшини, Тилла кампирни, Султон кампирни, Жуманбулбул, Жоссоқ шoirни, Эргаш шoirни, Пўлкан шoirни кўрган; бу юлдузларда шу улуг бахшилар кўз нури қолган.

«Еруг дунёни айланиб кўрдим, лекин Олтин қозик тепамга келмади», дегувчи эди Эргаш шoir. Еруг олам шундай кенг.

Шеърнинг ёруг олами ёруг оламдан ҳам кенг.

Лекин шеърятда Олтин қозик юлдузи Эргаш шoirнинг бошига тож бўлиб қўнган эди.

Эргаш шoirнинг машхур сурати бор: улуг дostonчи олисларга, балки абадиятга қараб турибди. Нигоҳи шу қадар ўткир... Одамнинг ичдагини яққол кўраётганга ўхшайди. Сизга, сиз орқали бутун дунёга олов таш-

лаётган қарашлари кишининг кўз ўнгидан кетмайди, тушларига қиради.

Бу кўзлар — қундай ёруг кўзлар...

Кўрғон қишлоғига борганда, кечалари уйқу келмайди. Ҳаволарни тўлдириб, фазоларни тўлдириб, шарқираб дарё оқиб ўтаётганга ўхшайди. Бу дарё қалбингизга Эргаш шoir кўзлари билан тикилаётгандек бўлади. Дарё каби оғир, теран хаёл босади. Дарё шабадасига уйқу шам каби ўчади. Ташқарига чиқасиз. Эргаш шoir пойқадами теккан тупроқ бўйлаб кезасиз. Ўзингиз сезмаган ҳолда, узоқларга кетиб қоласиз. Шаҳарлик кўзларингиз кўрмаган ва номини шаҳарлик қулоқларингиз эшитмаган гиёҳларни илғайсиз. Юрагингиз шув этади... Чунки улар баргидан анвойи нурлар таралаётган бўлади... Кексаларнинг ҳикоялари хаёлингизга келади: Эргаш шoir кўклам кечалари даштни кезар, чиқараётган нурларига қараб гиёҳларни ажратар ва уларга белги қўйиб кетар, кейин, пишкчиликда уларни йиғиб олар эди. Гиёҳлар нур тили билан шoirга ўзини танитар эди. Шoir ва гиёҳ. Она тупроқнинг икки фарзанди. Дили бир, тили бир икки туғинган, икки ёмуқдош. Улар бир-бирининг дилини билади, гиёҳлар шoir билан Абу Али ибн Сино билан сўзлашгандек кўнглини очиб сўзлашади... Нурланаётган гиёҳларга қарайсиз, улар нури Эргаш шoir кўзларидан таралаётганга ўхшайди. Сергак тортасиз.

Бу юлдузлар, бу тупроқ, бу гиёҳлар Эргаш шoir кўзлари билан қарайди сизга.

Эргаш Жуманбулбул ўглининг кўзлари... Улар халқнинг шеърини дарёси тўлиб-тошиб оқаётган қалбнинг, туб-тубларда инқилобий шеър дарёси туғилаётган қалбнинг кўрар кўзлари эди.

Бу кўзлар келажак кўзларига тик бокади.

Бу кўзлар халқнинг юрар йўлини ёритиб туради.

Бу кўзлар — халқу ҳақнинг кўзлари...

Ҳаётнинг кўзлари...

М. ҚУШМОҚОВ,
филология фанлари кандидати

ЖАМОАТЧИ ОЛИМ
Оролни сақлаб қолиш республика
комитети раиси, филология факультети
лари доктори Нирмат ШЕРМУХАММЕТОВ.

В. Мосин фотос






А. ҚУЗИБОВ. САҲНАГА ЧИҚИШ ОЛДИДАН.



А. ВИНЕР. ЕЗ ҚУНЛАРИ.

И. ТУРСУННАЗАРОВ. СУТ СОВУВЧИ.





В. ЗОРКИН. ХОРДИК.




Н. ПУДОВКИН. ЯЙЛОВДА.


Остодон.



Кўза.




Болалар тобути.



Ёғоч идиш.


МУНЧОҚТЕПА ТОПИЛМАЛАРИ

*Тароқ, сурмадон,
упадон, кўзгу,
қорақалам...*



В. Мосин фотолари

Ёғоч ғилофли қўшнай.



Сават.



Қамиш тобут.



Мана икки йилдики, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Археология институти ходимлари Поп райониди илмий қидирув ишлари олиб бормоқдалар. Иланишлардан кузатилган асосий мақсад қадимий Поп харобаси ва унга туташган шаҳар қабристонини батафсил ўрганишдан иборат эди.

Қазиш ишлари шаҳар аркининг ўрта қисмида текширув кудуқлари очилган бошланди. Илмий қидирув ишлари олиб боришдан жойдан эраимизнинг I—VII асрларига тааллуқли ҳамда тўртта қурилиш даврида бунёд этилган бино харобалари аниқланди. Бундан ташқари, сопол буюм парчалари, 2 та танга-чакка, металл буюм қолдиқлари топилди. Шаҳар арки баландлиги 2 метр чамасидаги қалин девор билан ўраб олинган. Баланд тепаликда эса текширув ишларини эн-

фойдаланилмаган. Сағана шифтлари аркисмон қилиниб, деворлари ва полига жуда усталик билан жило берилганки, улар худди кеча ишлангандай турибди. Айрим жойларда эса ер қаърини ўйиш-ўйишида ишлатилган меҳнат қуролнинг (тешасимон) излари яққол кўриниб турибди. Агар Поп атрофидаги Уйғурсой марказидаги кучли ер силкиниши (6—8 балл) ва сағаналар устида ҳужайи ишлари пайтида ишлаган кучли ер қовлаш тракторларининг оғирлигини (5—20 тонна) ҳисобга олсак, сағаналарни қурган усталарнинг маҳорати яна бир бор қўйил қоламан.

Сопалар ичига қамиш тобутларда жасад қолдиқлари қўйилган. Тобутлар сараланган қамиш поя-

мо, гилос, ерёнғоқ, бошоққилардан шולי дони бор. Топилмалар ичига пахта кўсақлари ҳам эътиборга лойиқ. Бу кўсақлар (3та) ҳаммаси уч чаноқлидир.

Албатта, бу топилмалар мутахассислар томонидан текширилади ва қадимги наболат олами тўғрисидаги фикрларимизни янада бойитади. Сағаналардан топилган топилмалар кўп ва хилма-хил: фақат мунчоқларнинг сони ҳозир бир неча мингга боради. Ёғочдан, металлдан, суюқдан, сополдан, тошдан ва қамиш-қўғайдан ясалган буюмларнинг кўплари жуда яхши сақланган.

Кулоччилик аждодларимиз ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Бунга шаҳар харобаси ва қабристонидан топилган юздан ортқ бус-бутун сопол буюмлар далолатдир. Идишлар кулоччилик чархиди ва чарх ёрдамисиз қўлда ясалган. Баъзи-

ноғич, упа-элик сақлайдиган қуччалар ҳам учрайди. Аёллар гўзаллик рамизи — сочи жуда эъзозлашган. Ҳозирги аёллар тароғидан фарқ қилмайдиган тароқлар, сочга тақилладиган тақинчоқлар шундан далолат бериб турибди. Аёл сочларида бир-бирига урилиб, овоз берадиган махсус бронзадан қўйилган тақинчоқлар ҳам бўлган. Бу тақинчоқ жаранглаб, аёл латофати ва гўзаллигига кўрк берган. Тақинчоқлар орасида мунчоқларни алоҳида таъкидлаш керак. Улар махсус тошлардан, узоқ Ҳинд океанидан келтирилган чифаноқлардан, ёғочдан, суюқдан, турли мева данакларидан ясалган. Феруза тошидан ясалган тақинчоқлар ифбатлилик ва софлик рамизи сифатида тасаввур этилган.

Сағаналарда яқин вақтларгача қўлланилиб келинган ҳамда томир

МУНЧОҚТЕПА ТОПИЛМАЛАРИ



ди бошладик. Бу ердан фанимиз учун қимматли маълумотлар топилди, деган умиддамиз.

Бизни эса иккинчи Мунчоқтепада ҳам аjoyиб сақланган ва ноёб топилма кутар эди.

Яхши топилмалар тафсилотини эшитинг. Аввало, шу ўринда журналхонларга бир нарсани таъкидлашни лозим, деб биламиз. Сирдарёнинг ўнг қирғоғида Мунчоқтепаларнинг бир нечаси сақланиб қолган. Уларнинг иккитаси шаҳар харобаси яқинида жойлашган. Қолганлари сал нарида бўлиб, анча кейинги даврлар (X—XII асрлар)га тааллуқлидир.

Кейинги икки йил давомида юқорида тилга олинган икки тепалик қисман қазиб ўрганилди. Бирининг бир томонини Сирдарё, бошқа томонини табиий жарлик ювиб кетган. Лекин шунга қарамай бу ердан жуда ноёб ва катта илмий аҳамиятга молик топилмалар чиқди. Текширишнинг дастлабки кунлари сопол идишлар, ёдгорликнинг юқори қатламларидан IX—X асрларга оид хумча ҳамда астадонга махсус солинган жасад қолдиқлари топилди. Ҳар иккала ҳолда ҳам жасадлар этларидан ажратилиб, фақат суюқлари сопол идишларга солиб кўмилган эди. Бундай одатни зардуштий (оташпараст)лар дини соҳибларида мавжуд бўлганини биламиз. Лекин бу районларда ушбу диннинг ва одатнинг араб истилосидан кейин ҳам сақланиб қолиши биринчи марта аниқланди. Зардуштийлар одатининг бунчалик узоқ сақланишининг боиси нимада? Бу саволга ҳозирча жавоб йўқ.

Ёдгорликнинг қуйи қатламларини табиий қалин лой (гил) қисмига ўйиб қурилган ер ости сағаналари топилди. Улардан ҳозирча 9 таси аниқланди. Сағаналар ичига бир, икки ва тўрт нафардан тортиб 50 нафаргача жасад дафн этилган. Беихтиёр савол туғилади: бундай мураккаб иншоот қандай қурилган экан? Авваломбор айтиш керакики, уларни қуришда, лой, ғишт, ёғоч каби қурилиш материалларидан

ларини юмалоқлаб бир-бирига ёғоч поналар ёрдамида тикланиб, ўзига хос қути шакли берилган. Ҳамма тайёрланган тобутлар қамишдан қилинган қорқоқ билан беркитилиб, устидан яна қамишдан белбоғ (қилиб) боғлаб қўйилган. Қамиш тобутлар сағана поли устига қаторма-қатор қилиб жойлаштирилган. Яъни биринчи қатор тўлганда, унинг устига бир-бирини эзиб юбормаслик учун махсус ёғочдан тўсинчалар қўйилиб, кейин иккинчи қатор тўлдирилган. Бизнинг эътиборимизни уч ҳолат тортди. Биринчидан, ҳар бир жасаднинг боши остига ўсимлик поясидан ёки дағалроқ тўқилган пахта матодан махсус ёстиқ қўйилган. Иккинчидан, баъзи марҳумларнинг юзи ипак мато билан ёпиб қўйилган. Ва ниҳоят, дафн этилганларнинг оёқ ва нам ҳолда қўллари ипак лента билан боғланган эди. Афтудан, аждодларимиз бизга номаълум бўлган кўпгина нарсаларни инобатга олишган. Улар сағана ичига дафн нарсаларнинг узоқ сақланиши имконини берадиган ҳаво ҳарорати ва намлигининг эрин-қийин бир хил бўлишига эришганлар. Сағана қуришда ҳатто Сирдарё томонидан буладиган Қўқон шамоли йўналиши ҳам ҳисобга олинган. Сағана қурган ва ундан фойдаланган халқ нарсаларни сақлашда сунъий омиллардан ҳам фойдаланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бизнингча, дафн олдидан қамиш тобутлар ва у билан бирга қўйилаётган нарсалар чириш жараёнини йўқотувчи махсус суюқлик билан ишлов берилган бўлиши керак. Албатта, у суюқлик мўмийвий хусусиятга эга бўлган. Унинг таркиби ҳали номаълум. Марҳумлар тобутларга уст-бошлари, қурол-яроғлари, зеб-зийнатлари, идиш-товоқлари ва асбоб усқуналари билан қўйилганлар. Булардан ташқари, кўпчилик марҳумлар ёнига ҳар хил таомлар ва мева-лар ҳам қўйилган экан. Шунинг учун бизда кўп ўсимлик уруғлари, мева данаклари тўпланди. Улардан маълум бўлган турларидан ўрик, шафтоли, хандон писта, ёнғоқ, хур-

ларига лойдан ва бўёқдан гул ҳам солинган.

Уша даврда тўқимачилик алоҳида ҳунармандчилик соҳаси сифатида кенг ривожланган экан. Ҳозирча икки хил мато — пахта ва ипакдан қилинган уст-бош қолдиқлари топилди. Ипакдан қилинган материал кўп, ҳатто икки ҳолатда аёл киши қўйлаги бутунлигича сақланган. Матолар асосан уч хил: яшил, қизил ва жигар рангда. Айниқса, жигар рангли матолар кўпроқ учрамоқда, балки ушбу ранг уларда мотам ранги бўлгандир. Оддий кўз билан ҳам қадимги тўқима матоларнинг хилма-хиллигини кўриш мумкин. Пахтадан ва ипакдан тайёрланган уст-бошларни жойида синчиклаб ўрганиш шунини кўрсатдики, аёллар ҳам, эркаклар ҳам ипакдан тикилган кийим кийишган. Унинг устидан пахтали, ҳозирги миллий чопон-тўнга ўхшаш либос кийганлар. Аммо Поп сағаналарида пахтадан тўқилган мато ким учрайди ва у ёмон сақланган. Бу нарсалар журналхонларни пахта ҳам ишлатилган экан-да, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Чунки олимларимизнинг кейинги тадқиқотлари шунини кўрсатдики, пахта матолар ипакка нисбатан тез чирир экан. Демак, авлодларимиз ўз эҳтиёкларини ҳисобга олиб, ипак ва пахта-ни мейёрида ишлаб чиқарганлар. Шу билан бирга ўзлари учун зарур мева-чеваларни етарлича етиштиришган. Буни юқорида эслатиб ўтилган мева данаклари ва ўсимлик уруғлари кўрсатиб турибди. Хуллас, тўқимачиликка оид топилмалар, айниқса, ипак матолар халқимизнинг ипакчилик тарихига муҳим янгилик бўлиб қўшилади.

Уша вақтда зеб-зийнат буюмлари, тақинчоқлар тайёрлаш, яъни заргарликка алоҳида эътибор бўлган. Топилмалар орасида мунчоқлардан ташқари, темир ва бронзадан қилинган билакузук, сирға, узук ва сочга тақилладиган тақинчоқлар бор. Улар юксак дид ва касбий маҳорат билан ишланган. Шунингдек, ўша сағаналарда хотин-қизлар ўзларига оро беришда ишлатган сурматос, сурмадон, тў-

ртириш касалига қарши осиб юрилган тақинчоқлар, бефарзанд аёллар ва ҳомиладорлик даврида тақиб юрилган тақинчоқлар ҳам топилди. Демак, қадимги поплар тақинчоқларга бир томондан зеб-зийнат сифатида, иккинчи томондан уларга ғайри-табиий куч сифатида нисбат беришган.

Касб-ҳунарлар орасида ёғоч, суюқ ва қамиш ишлаш ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Суюқ ва ёғочдан уй-ўзғор буюмлари, меҳнат қуролларининг дасталари, қурол-аслаҳанинг айрим қисмлари ясалган. Буларга ҳозирги товоқларга ўхшаб кетадиган ҳар хил ҳажмдаги ёғоч идишлар, мураккаб қисмли камон, кичкина столчалар қиради. Айрим ёғоч буюмларга ўйиб геометрик шаклда нақш солинган, суюқдан эса бирор буюмнинг қисмлари, масалан, кўпроқ меҳнат ва жанговар қуролларнинг дасталари тайёрланган.

Қамишдан музика асбоблари ва ўқ-ёй тайёрлашда ҳам фойдаланилган. Биз учун айниқса қамишдан ясалган қўшна қўшайнинг топилиши катта аҳамиятга эга. Қўшна махсус ёғоч гилофда жуда яхши сақланган. Чолғучини дафн қилганларида ҳатто гилоф ичига қўшнанинг эҳтиёт қисмларини қўшиб кўмиш ҳам расм бўлган. Қўшнанинг топилиши Ўзбекистон ва Урта Осиё халқлари музика маданияти тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. Маҳаллий материал бўлган дарахт новдаси ва қўғайдан ҳар-хил буюмлар тайёрланган. Айниқса, қўғайдан ясалган қорқоқли хилма-хил саватларнинг сақланиш ҳолати кишини ҳайратга солади. Саватлар шундай тўқилганки, ҳозир ҳам уларнинг чокни топиш амри-маҳол. Қадимги аҳоли ҳар бир саватни санъат асари даражасига кўтарган, дейиш мумкин.

Поп сағаналарида тери ишлаш ва этикдўзликка доир қимматли маълумотлар ҳам тўпланди. Қазиш ишлари мобанида бир неча чарм парчаси ва бутунлай сақланган саноч (меш), ёғоч, қолип ва тери қирқишга мўлжалланган махсус пи-чоқлар топилди. Бичими ва шакли-

га кўра, ушбу қолип ҳозирги махсира ўхшаб кетадиган оёқ кийими тикиш учун мўлжалланган бўлиши керак. Шунингдек, тошга ишлов бериш санъати ҳам яхши ривожланган.

Сағаналар топиладан жойдан сал нарида якка ҳолда дафн этилган марҳумлар қабристонини ҳам текширилди. 1987—1988 йиллар давомида улардан 16 таси ўрганилди. Дастлабки илмий-қидирув ишлари топилмаларнинг V—VIII асрларга оидлигини кўрсатмоқда. Танга-чақа, сополдан ва баъзи бронзадан қилинган буюмлар шундан далолат бермоқда.

Қамиш тобутга солиб қўйилганлар кимлар эди? Нима учун уларни бошқалардан фарқи ўлароқ шундай кўйилди экан? Бундай саволларни кўп. Ҳозирча уларнинг фақат бир қисмига жавоб бериш мумкин. Чунки илмий-қидирув ишлари энди бошланди.

Аваломбор, сағаналар ичига аёллар, эркаклар, қариялар, болалар қўйилганини эслатиб ўтиш керак. Шунинг учун сағаналар оилавий бўлиши керак. Яъни улардан 100—200 йил мобайнида бир уруғ ёки оиланинг дафн жойи сифатида фойдаланилган. Буни қамиш тобутларнинг қаторма-қатор жойлаштирилгани ва уларнинг сони кўрсатапти.

Қамиш тобутга қўйиш одати на фақат Фарғона водийсида, ҳатто Урта Осиё халқларида ҳам ҳозирча учрамаган. Лекин бу нарса қамиш тобутлар фақат қадимда Поп атрофида бўлган дейишга асос бўлолмайди, ҳеч бўлмаганда, ушбу одат Фарғона водийсининг шимолӣ районларида бир вақтлар расм бўлган бўлиши мумкин. Биз фақат уларни узоқ вақт топиб ўрганга олмадик ёки улар бузиб ташланган. Урф-одатларни келтириб чиқарадиган диний эътиқодлар тўғрисида ҳам бирор нарса айтишга ҳали эрта. Фақат бир масалани айтиш мумкин. Қамиш тобутдагиларнинг диний эътиқоди муслмонликкача мавжуд бўлган диний оқимлардан бирига бориб тақалади. Уларда кўпгина дунё халқларидаги каби авлодларга сийиниш кучли бўлиши керак. Бу одатга кўра, нариги дунё тушунчаси кучли таъсирга эга бўлади. Яъни вафот этганлар дафн этилганларидан кейин ҳам яшайди. Яшаганда ҳам ўз уруғи, элати, одатлари билан яшайди, деб тасаввур этилган. Шунинг учун марҳумлар тириклигида нима билан шуғулланган бўлсалар, яна ўша нарсалар улар билан бирга қўшиб кўмилган. (Поп сағаналаридаги этиқдўз ва чолғучи тобутлари бунга яққол мисол).

Сағаналар билан бир вақтда якка усулда дафн этиш ҳам бўлганлиги ечилиши керак бўлган муаммолардан биридир. Чунки бир вақтнинг ўзида икки хил удумнинг бўлганлиги, биринчидан, ўша жамаиятдаги социал табақаланишни кўрсатса, иккинчидан, балки бири олдин, иккинчиси кейинроқ ёки аксинча бўлган бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Поп районидаги Мунчоқтепа топилмалари дунёдаги халқларнинг маданияти жуда қадимий ва хилма-хиллигидан далолат беради.

Боқижон МАТБОБОВ,
тарих фанлари кандидати



Ўтган йили журнализмнинг 7-сонига босилган шу сарлавҳали мақола журналхонларда катта қизиқиш уйғотди. Улардан редакциямизга кўплаб хатлар келди. Мақтублар оқими ҳамон давом этмоқда.

— «Гўдаклар қалбидаги кўланка» мақоласини аввал фарзандларимга ўқитиб қулоқ солдим. Кейин эса ўзим яна ўқиб чиқдим, — деб ёздаи ўз хатида чироқчилик қаҳрамон она, марҳумнинг янгиси, М. Бойғозиева. — Чунки бу воқеа бизнинг қишлоқда содир бўлган эди. Журнални ўқиб бўлгач, энди

ҳақиқат ўрин топар экан, деган фикрга бордим. Етти нафар нораста болалари билан бева қолган Робия Абдумўминованинг аҳволига ич-ичимдан ачинаман. Акаси ва почтаси билан ёнма-ён яшаётган, эндиликда марҳум Яхшибой Раҳимовнинг ҳовлисига фақат бир киши, яъни Михли Ҳасанов кириб бориб, уни уриб ўлдирибди, деган гапга биз мутлақо ишонмаймиз. Бу қотиллик кўпчиликнинг иши. Жабрдийда Раҳимовлар қарийб уч йилдан бери адолатни юзага чиқаролмай овера. Марҳумнинг қишлоқдошлари бўлган бизлар «Гулистон» журнали аралашгач, ҳақиқат юзага чиқар, деган умиддамиз».

Хоразмлик журналхон Р. Умарова эса, қуйидагиларни ёздаи: «Мана икки йилдири, «Гулистон» журнаlining ҳар бир сонини қизиқиш билан ўқиб бораман. Унинг ўтган йил 7-сонига берилган «Гўдаклар қалбидаги кўланка» сарлавҳали

мақолани ўқиб чиқиб, жуда таъсирландим. Шахсан менинг ўзим ҳам бундан тўрт йил олдин қишлоғимизда шундай воқеанинг гувоҳи бўлганман... Рўй бераётган бундай фожиаларнинг олдини қандай қилиб олиш мумкин? Мақолада марҳум Яхшибой Раҳимовнинг турмуш ўртоғи Робия Абдумўминованинг редакциядан ёрдам сўраганлиги айтилган. Марҳумнинг оиласига редакция қандай ёрдам кўрсатди? Шунини билишни жуда истардик».

Редакцияга келган хатларнинг бир қисми мазмунан Р. Умарованинг мақтубига ўхшаш. Уларнинг кўпларини ҳам суд очеркидан кейин мазкур жиноий иш бўйича ўзгариш бўлган ёки бўлмаганлиги қизиқтиради. Шу ўринда биз журналхонлар эътиборига «Гўдаклар қалбидаги кўланка» суд очерки бўйича Ўзбекистон ССР Олий судидан олинган расмий жавобни ҳавола этамиз.

ГўДАКЛАР ҚАЛБИДАГИ КЎЛАНКА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ЖАВОБИ:

«Гулистон» журналининг 7-сонига босилган «Гўдаклар қалбидаги кўланка» сарлавҳали суд очерки бўйича: Ўзбекистон ССР Олий суди ЎзССР жиноят кодексининг 81-моддаси билан айбани судланган Михли Ҳасановнинг жиноий ишини кўриб чиқди. Суд очеркида кўрсатилган ҳолатларни текшириш ва жиноят ишидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун ЎзССР Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг 1988 йил 31 октябрдаги ажрими билан Михли Ҳасановга нисбатан Чироқчи район халқ судининг 1987 йил 18 сентябрдаги ҳукми ва Қашқадарё области судининг мазкур иш бўйича 1987 йил 3 ноябрда чиқарган ажрими бекор қилинди. Жиноят иши республика Прокуратураси орқали қўшимча терговга юборилди.

Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси:
С. И. ИЙГИТАЛИЕВ

РЕДАКЦИЯДАН:

Журнализмнинг 1987 йил 11-сонига босилган «Каттакўрғондаги фожиа» суд очерки бўйича редакцияга кўпгина хатлар келди. Маълумки, мазкур мақтубларнинг бир қисми журналнинг ўтган йил 4-сонига «Қайта қуриш ва адолат» деган умумий сарлавҳа остида эълон

қилинди. Лекин Каттакўрғон шаҳридан келган икки хатни махсус жавоб қилиш учун редакция папкасига ажратиб қўйган эдик. Чунки мақтуб муаллифлари алоҳида жавоб қилишни сўрашган. Қуйида уларнинг истагини бажо келтирамиз.

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМАНГ!

Каттакўрғон шаҳрида истиқомат қилувчи Ризаева, Худойкулова, Қодирова, Омоновага (исмларинингизни хатда кўрсатмаганизлар) ва Замира Дониёровага очиқ хат

Ҳурматли сингиллар!

Журналнинг «Инсон ва қонун» бўлимига келган бошқа кўпгина хатлар қаторида сизлар йўллаган мақтубларни ҳам синчиклаб ўқиб, ўрганиб чиқдик. Сизлар ўз мақтубларингизда (икки хатда): «Журналнинг 1987 йил 11-сонига босилган «Каттакўрғондаги фожиа» мақоласида Каттакўрғон шаҳар ички ишлар бўлими тергов бўлимининг бошлиғи А. Норбўтаевни 25 минг пора олган деб айбанади. Журналнинг 1988 йил 4-сонига «Қайта қуриш ва адолат» мақоласида эса у киши «пора олди» деган гап «миш-миш» деб талқин қилинган» деган мулоҳаза юритасизлар ва журнал редакциясига ва мақола авторига биринчи мақоладаги фикрларидан тонган, деб айб қўясизлар.

Масала ойдирок бўлсин учун шу ўринда ҳар иккала мақоладаги ўша

жойларни айнан кўчириб келтирамиз: «Эл оғзида: «Терговчиға Мардон Ҳайдаровнинг қариндошлари 25 минг сўм йиғиб берибди», деган миш-миш юрибди. Миш-мишнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида кафолат беролмаймиз. («Гулистон» журнали 1987 йил, 11-сон, 28-бет). Худди шу мулоҳаза журналнинг 1988 йил 4-сонига босилган «Қайта қуриш ва адолат» сарлавҳали мақолада ҳам қуйидагича талқин қилинган: «Биз мақолада (аввалги мақола кўзда тутилади.— Таъкид бизники) Норбўтаев порахўр деб айбланган эмасиз, балки халқ орасида шундай «миш-миш» борлигини ва бу фикрнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида мақола муаллифи кафолат беролмаслиги алоҳида таъкидланган» (ўша соҳ, 26-бет)

Икки мақолада ҳам маъно ва мулоҳаза бир хил. Унда ваҳима қиладиган, бир-бирига зид фикрлар мутлақо йўқ.

Фақат бизни бир нарса таажжублантиради. Каттакўрғон шаҳридаги «Гвоздик» трикотаж фабрикасининг ишчилари бўлган сизлар кетма-кет икки фарзандидан жудо бўлган қариялар ҳамда адолатсизлик гирдобига қолган ўш жойдаги жабрдийдалар қисматиға заррача бўлса ҳам аччимасизлар. Аксинча, ички ишлар бўлими терговчисига ён босасизлар. Тўғрироғи, унинг учун «овоз ўтлаш»ға уринасизлар. Халқимизда «Санамай саккиз дема» деган бир яхши гап бор. Шу ҳикматни сизлар ҳам бир эслаб қўйсаларингиз, фойдадан хели бўлмасди.

Ш. СИДДИҚОВ

«Энди, ўзингиз биласиз, ҳаммамиз бир жойдаги одамлармиз, бир коллективда ишлаймиз. Қолаверса, одамнинг юзи иссиқ, ҳаммасининг бола-чақаси бор...»

«Ахир, болаларда нима гуноҳ? Улар саводсиз қолаверса майлими?»

«Тўғриси айтсам, ҳақиқий аттестацияга ўзим ҳам жавоб беролмайман!..»

Боёқши директор худди ўз устидан ҳукм чиқаргандек мулзам бўлди.

Бизнингча, аттестация дегани энг олий, энг шарофли, энг масъулиятли ҳуқуқ — муаллимлик ҳуқуқини белгилаб бериши керак! Муаллимлик ҳуқуқи! Узини шунга лойиқ деб ҳис қилганидан бахтиёр бўлган кишигина шу олий ҳуқуққа сазовордир!

«Халқ ўқитувчиси бизда шундай бир юксак даражага кўйилмоғи лозимки, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — у буржуа жамятида ҳеч қачон бундай юксак даражага кўтарилмаган, кўтарилмапти, ва кўтарилиши ҳам мумкин эмас. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Биз ўқитувчини маънавий жиҳатдан юксалтириш борасида ҳам, уни ҳақиқий юксак унвонга лойиқ бўлишга ҳар тарафлама таяёрлаш борасида ҳам, муҳими, муҳими ва энг муҳими, унинг моддий аҳолини яхшилаш борасида ҳам мунтазам, оғишмай, зўр бериб иш олиб бориш йўли билан юқорида айтилган ҳолга эришмоғимиз лозим».

Ҳа, биз хоҳлаймизми-йўқми, таълим-тарбия муаммоларининг аксарияти ўқитувчига, унинг шахсига, тайёргарлик даражасига, ижтимоий виждонига келиб тақалади. Модомки, ўқитувчи ўзини қайта қўргиси келмаётган экан, ло-ақал кадрларнинг келгуси авлодига, мактабларга янгидан келатган ёш педагоглар масаласига ҳушёрроқ ва жиддийроқ қараш лозим бўлади. Афсуски, бу борада ҳам иш кўнгиладигидек эмас. Маорифчилар, мактаб маъмурияти фикрича, пединститутларни битириб келатган ёшларнинг савияси талаб даражасида эмас. Улар билан мактабни кўтариб бўлмайди. Қизиқ, пединститутларга бориб, нега бўш кадрлар тайёрлаяпсиз деб сўрасангиз, улар мактабдан ҳасрат қилишади: абитуриентларнинг билими паст, шундай бўлгач, улардан дуруст мутахассис етиштириб бўлмайди! Мана энди калаванинг учини топиб кўринг: товуқ олдин пайдо бўлганми, тухумми...

ИЗДА МАКТАБЛАР билан институтлар ўртасидаги ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаган. Бу борада Россия федерацияси, хусусан Ленинград, Полтава маорифчиларнинг тажрибаси диққатга сазовор. Уларда пединститутларнинг бўлажак талабаларини мактаб партасидаёқ танлашга киришилди, бунинг учун махсус педагогик синфлар ташкил қилинар экан. Тошкент шаҳар, Октябрь районидagi айрим мактабларда ана шу тажрибаларни қўллагач уринилар бўлди. Аммо пединститутлардаги мутасаддиларнинг эътиборсизлиги туфайли бу хайрли иш қутилган самарани бермапти. Умуман, ўқув юрталарига, хусусан кўпгина пединститутларга талабалар қабул қилишда таниш-билишчилик, порахўрлик каби иллатлар ҳамон барҳам топмаган.

Бурноғи йили (1987) Тошкент Давлат педагогика институтининг кечки ва сиртқи бўлимига студентлар қабул қилишда кўпол хатоликлар содир бўлди. Бу эса кирувчилар ўртасида норозилик туғдирди. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги бу масалани кўриб чиқди ва хатога йўл қўйган шахсларни жазолади. Қоидага хилоф равишда қабул қилинганлар талабаликдан чиқарилди. Ҳақиқатнинг тикланиши яхши, албатта. Афсуски, кўпича бундай бўлмайди, аксарият ҳолларда ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверади. Наманган пединститутининг доценти Одилжон Носиров шундай бир тафсилотни айтиб берувди: «Ёзда, институтга студентлар қабул қилишдан олдин область партия комитети имтиҳончилар, муаллимлар ва қабул комиссиясини қатъий огоҳлантирди: «Ўқишга ўтганлардан қайта имтиҳон оламиз. Шунга қараб иш тунинглар». Биз шунга қараб иш тутдик. Ўз билимига ишонмай, эгри, нопок йўлларга кўз тикиб юрганлар шоша-пиша ҳуж-

жатларини қайтариб олишди. Ўша йилда институтга студентлар қабул қилишда ҳақиқат ва адолат асосий мезон бўлган эди».

Демак, оқилона йўл тутилса, чораси бор экан-ку! Кўп нарса раҳбарга боғлиқ деган гапни яна бир қарра такрорлашга мажбурман.

Афсуски, жойларда, айниқса областларда раҳбарлар ўзлари қонунини бузишади, таниш-билишчиликка, кўнгироқ орқали институтга жойлашни ўзлари бошлаб беришади. Бу йўлда тўғаноқ бўлган ҳалол одамлар таъкиб-таъийққа дучор қилинади.

Хуллас, институтларга қабулда адолат ўрнатмай туриб, юқорида айтилган кадрлар масаласи, маориф муаммоларини ҳал этиш қийин.

Мактабларда янги, самарали ғояларга, ўқиш ва тарбиянинг янги методларига муҳтожлик ҳар қачонгидан қан ортки. Биз узоқ йиллар нега янги Макаренколлар, Сухомлинскийлар пайдо бўлмапти, дея зорланиб юрдик. Энди маълум бўлаёптими, буюк педагоглар ҳам давр, замон эҳтиёжига кўра майдонга чиқаркан. Вақти-соати етган экан, мана бирин-кетин Е. И. Ильин, Ш. Амонашвили, В. Ф. Шаталов, И. Т. Волков, Н. Шетинин, С. Н. Лисенкова каби ўнлаб машҳур педагог-новаторлар мамлакат миқёсида фаолият кўрсата бошладилар. Уларнинг марказий телевидение орқали чиқишларини жамоатчилик катта қизиқиш ва ҳаяжон билан томоша қилди. Буларни, таъбир жоиз бўлса, педагогикада ўзига хос инкилоб ясаган, сон-саноксиз илмий-тектириш ва малака ошириш институтлари бажара олганган ишни қойилмақом қилиб удаллай олган кашфиётчилар, дейиш мумкин. Улар ўзларининг янги ғоялари, янги методларини **ҲАМКОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ** деб атаб бошладилар. Новатор-педагоглар ўз қарашларини қотиб қолган ёки бирдан-бир тўғри йўл, деб даъво қилмадилар. Ўрганишга иштиёқмандларга бажонидил, сидиқидилдан ёрдам қўлини чўздилар. Эсимда, Останкино концерт студиясида Шаталов билан бўлган учрашувда бир ўқитувчи сўз олиб, шундай деди: «Илгари ўқитувчилик мен учун азоб-қубат, оғир машаққат эди, ўзимни ҳам, болаларни ҳам қийнаб юрардим. Энди, сининг методингизни ўрганиб, қўллай бошлаганимдан кейин ҳар бир дарс мен учун байрам, завқ-шавқ манбаига айланди. Сизга чўқур эҳтиром билан қўллаш қиламан!» Ўқитувчининг дил изҳорини ҳамма чапак қилиб олқишлади.

Дарҳақиқат, ўқишни бошлаган муаллим ҳам ўзини, ҳам болаларни қийнайди, уларнинг келажига зомин бўлади. Статистика маълумотларига қараганда, мамлакатимиз мактабларидagi ўқувчиларнинг олтимиш фоизи «уч» бағога ўқишаркан. Айрим жойларда аҳвол бундан ҳам аянчли.

Ҳўш, энди институтларда ўқиётган, салкам олий маълумотли мутахассисларнинг оддий савод даражаси қандай экан! Ана шу саволга жавоб олиш учун Тошкент Давлат маданият институти студентларига диктант ёздиришди. Натижа ҳайратланарли эди: талабаларнинг деярли қирқ фоизи қоникарсиз баҳо олишди. Бу, албатта, биринчи галда мактаб таълимининг ноқорлиги аломати.

Айтишларича, Шаталов ўқитган синфларда умуман «уч» баҳо бўлмас, ҳамма ўқувчилар фақат «тўрта» ва «бешга» ўқиркан. Бу новатор ўқитувчига энг бўш, қолақ синфларни топиришганда ҳам ўзлаштириш даражаси жуда юқори бўлган. Диққатга сазовор томони яна шундаки, Шаталов методидан фақат математика (унинг ўзи математик) эмас, бошқа фанларни ўқишда ҳам, мактаблар, техникумлар, институтларда ҳам бемалол, катта муваффақият билан фойдаланиш мумкин. Айри таълимнинг энг асосий, энг қийин томони ҳам шу — ўқувчини **ЯХШИ ЎҚИТИШ-КУ!**

Ҳеч шубҳа йўқки, ҳамкорлик педагогикаси ҳар жиҳатдан диққатга сазовор, кенг қўлланадиган лойиқ кашфиётдир! Бу кашфиёт эндиликда чет элларда ҳам маълум ва машҳур. Афсуски, шундай ноёб, қимматли ташаббус, янгилик анада кенг қўлаб ёймапти. Кўпича ўқитувчилар кўшинсининг ишидан, атрофидagi янгиликлардан беҳабар юрaverишади. Фалон куни зангори экранда машҳур ўқитувчининг чи-

қиши бўлади, албатта томоша қилинган, дея ўзим билган ўқитувчиларнинг аксариятини огоҳлантирдим. Афсуски, кўпчилиги қизиқиш ҳам кўрмади, томоша қилганлари эса янгиликнинг моҳиятини илғаб ололмади, лоқайдлигича қолаверди. Бундайлар ҳатто ўз соҳасига доир газета-журналларни ҳам ўқимади. Наҳотки, улар учун эскичасига ишлас, алмисоқдан қолган чала кўникма, сиёқа метод билан дарс ўтиш осон, ўнғай тунгаси!.. Хуллас, зиёлиларнинг энг илғор, энг оғил тоифаларидан ҳисобланувчи ўқитувчилар анча консерватив, лоқайд чиқиб қолди. Бундай аҳвол билан муроса қилиб бўлмайди, албатта.

Ҳар қандай эскилик осонлик билан янгиликка жой бўшатилади, албатта. Ўзи учун гўё ўнғай-маъқул кўринган, аммо ҳозирги кун талабига жавоб бермайдиган иш услигига ўргатиш олган педагогларни янгица ишлашга ёрғатиш мурраккаб жараён. Шу ўринда мактабларга келатган янги куллар — навқирон авлоддан умидимиз катта. Ақл ёшда эмас — бошда, дейдилар. Сурхондарё области, Сариевский районидagi математика ўқитувчиси, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Бобораҳим Мирзавелининг мактабда ишлаётганига кўп эмас — саккиз йил бўлди. Ўз касбини ардоқлагани, уни имкон қадар саноат даражасига кўтаришга интилгани туфайли у шу қисқа фурсатда таниқли педагоглар сафидан ўрин олди. Бобораҳимнинг новатор педагоглар тажрибасини ижодий ўзлаштириш борасидаги изланишлари айниқса диққатга сазовор. Афсуски, ҳали кўпчилик мактабларга ҳамкорлик педагогикасининг илғор ғоялари етиб бормаган. Бу хайрли, ҳамма учун зарур бўлган янгиликни тезроқ оммалаштириш мақсадида Шаталов, Амонашвили каби новатор педагогларнинг китобларини тезроқ ўзбек тилига таржима қилиб, чоп этиш лозим. Аммо бу иш ҳозирча ҳеч кимнинг хаёлига келгани йўқ. «Ўқитувчи» нашриётидаги айрим мутахассисларга шу тақдирини айтдим. Улар таржимага рози бўладиган мутаржимини топиш жуда қийин, чунки калам ҳақи жуда оз, дейишди. Қизиқ, баъзан айрим олдиқочди, детектив китобларни жуда кўп тиражларда чоп этиш учун маблағ топилади, аммо халқ учун, жамяият учун сув билан ҳаводек зарур китобларни чиқаришга қўнғ қилинмайди.

Айрим ўртоқлар ўзимизда ҳам зўр ўқитувчилар кўп-ку, четдан ўрганиш шартми, дея эътироз билдиришлари мумкин. Шундай кишиларга ҳазрати Навоийнинг: «Билмаганини сўраб ўрганган — олим, орналиб сўрамаган — ўзига золим», деган сўзларини эслатиш келади. Тўғри, ўзимизда ҳам аjoyиб, тажрибали ўқитувчилар йўқ эмас. Биз айна чоғда маориф тарихимизни, ўтмишда ўтган аjoyиб халқ муаллимларини, улар қолдирган меросининг ибратли жиҳатларини, Ҳамза, Авлоний сабоқларини унутмаслигимиз керак. Педагогика — ўқитиш санъати ҳақидаги фандир. Макаренко: «Қани, бу ёққа кел-чи!» деган гапни ўн хил оҳангда айтишни ўрганганимдан кейингина ўзимни чинакам педагог сифатида ҳис қила бошладим», деган эди. Ёзувчи ёки санъаткор маҳорати ҳақида гапириш қанчалик одат тусига кирган бўлса, муаллим меҳнати, маҳорати ҳам шунчалик диққат-эътиборга моликдир. Афсуски, педагог олимлар ва улар меҳнат қилаётган илмий муассасалар ишидан маорифчилар, кенг жамоатчилик қониқмапти. Мана, ислоҳот эълон қилинганга анча бўлди. Аммо педагог олимлар маориф муаммоларига фаол аралашаяпти, кун тартибда турган долзарб масалаларни ҳал қилишга салмоқли улуш қўша-япти, дейиш қийин. Новатор педагогларнинг кашфиётини, методикасини кенг шарҳлаб, тарғиб қилиш биринчи галда ана шуларнинг вазифаси-ку! Улар удаллай олганган ишни О. Мариничева, С. Соловейчик, В. Хилтунен каби таниқли журналист, ёзувчилар қилмоқда. Айниқса С. Соловейчининг машҳур педагоглар ҳақида ёзган мақола, китоблари диққатга сазовор. Сухомлинский, Шаталов каби новаторлар фаолияти ҳақида биринчи бор матбуотда ёзган, уларни ноҳақ танқидлардан даяил ҳимоя қилган ҳам ана шу қаламкашлардир. Ўз эсақ, тўғриси айтиш керак, маориф, педагогика муаммолари ҳақида ёзишни ҳамон

(Давоми 26-бетда)



Неъмат АМИНОВ

ТОПИЛГАН ТОПАШНИК

Ҳажвия

Қорин ҳам ярашганга ярашаркан. Қадди-қомати келишганлар учун қорин кўрк, савлат. Бизга ўхшаш паканалар учун қорин дегани ортиқча юк, қони зарар экан.

Шундай қилиб, каминада ҳам қорин пайдо бўлди. Албатта, бирданига эмас. Дастлаб қорнимиз сал қаппайгандек бўлди. Тошойна олдида ўтаётиб, зимдан қоринга разм солиб, ичдан мамнун бўлиб қўямиз. Борга нима етсин. Лекин бу хурсандчилик узоққа чўзилмади. Аввал жиндай қаппайган қорнимиз, аста-секин бақалоқ тиззалар устига осила бошлади. Буям майли-я, бироқ яп-янгий кийимларнинг торайишини айтинг: хорижий шимларнинг «ғиж-ғиж» аси ишдан чиқиб, костюмларнинг тугмаси «чирт-чирт» узилиб, орқа чоки ва қўлтиқ остлари «тар-тар» сўкила бошлади.

Ҳа, майли, деб юравердик. Саломатлик бўлса пул ҳам, кийим-кечак ҳам топилади.

Ваҳор кунларидан бирида командировкадан кулоқ шангилаш касалига гирифтор бўлиб қайтдик. Вировлар самолётдан деса, бошқа вировлар, шамоллагансиз, «она сутги» дан соғдириб кўринг-чи, деб маслаҳат беришди. Ким нима деса, ўшанинг айтганини қилиб кўрдим. Оқ пиёнинг сувини томизган эдим, қулоғим баттар шангиллайдиган бўлди. Охир-оқибат дўхтирга кўринишга тўғри келди. Кўриндим. Дўхтир нозиккина жувон экан, билалгимга қора латта ўраб, помидор-нусаха тўпчани «пис-пис» қисиб, чўнтак соатдек аппаратига тикилиб, «ҳжим» деб қўйди. Сўнг қора латтани қайта ўраётиб:

— Қаерингиз оғрийди? — деб сўради.

— Ҳеч қаерим оғрмайди, қулоғим шангиллайди, — дедим.

— Қулоғингизнинг шангиллаши қорингизнинг катталигидан, — деди у жилмайиб. — Қон босимингиз кўтарилбди. Қоринни йўқотиш керак.

Шу дўхтирларга ҳам хайронсан. Қулоғим шангиллайди, десам, қорингиз катта бўлибди, дейди. Вой, ўргилдим сенинг синчковлигингдан. Кўзлари дарров қоринга тушибди. Қориннинг катталигини ўзим ҳам биламан. Қоринни йўқотинг эмиш. Тавба! Қоринни йўқотсам, овқатни қаеримга ейман?

— Қулоқнинг шангиллашига бирор дори ёзиб берарсиз? — деб сўрадим. — Аввал кулоқни даволайлик, кейин қоринни бир амаллармиз.

Дўхтирнинг ингичка қошлари чимрилгандек бўлди.

— Айтдим-ку, қулоқнинг шангиллаши қон босимдан, қон босими эса қориннинг катталигидан, очиги, семизликдан. Қоринни йўқотмас экансиз, нафақат қулоғингиз, ҳатто юрагингиз ҳам ишдан чиқади.

Ҳазиллашапти, десам, дўхтирнинг гаплари жиддийга ўхшайди. Вироз сукутдан кейин маслаҳатга кўчди:

— Аввало: спиртли ичимликларни оғзингизга олмаслигингиз керак.

— Вой, опача-э, — дедим, — спиртли ичимлик отликка топилмайди-ю, биз пиёдаларга йўл бўлсин.

— Яна-чи, қўй гўшти, қоврилган, шўр овқатлардан парҳез қиласиз... Ҳозир сизга уч хил дори ёзиб бераман...

Тавба! Қўй гўшти дейди-я, қўй гўштининг свежийсига капирагивчилар қорин келтирганидан хабари йўқ, шекилли...

Дўхтир жувон ёзиб берган дори қозорларини олиб, эшикка йўналаётган эдим:

— Ҳа, шоманг, эсимдан кўтариласизби, — деди у. — Қоринни йўқотиш учун эрталаблари югуришни одат қилинг. Энг зўр даво — югуриш...

Югуриш ҳақида ҳам анча маслаҳатлар эшитиб, қулоғим аввалгидан баттарроқ шангиллаб ташқари чикдим. Дўхтир жувоннинг гапини бошқаларга айтган эдим, улар ҳам маъқуллашди.

Хуллас, эрталаблари югуришни одат қилдим.

Биринчи кунни ўн кадам югурмасдан ҳарсиллаб қолдим. Кейин тез юришга ўтдим. Зўрға ярим чақиримни айланиб келдим. Иккинчи кунни почаси торайиб қолган эски трикони кийиб кўчага чиқдим. Кеннойнгиз изимдан кулиб қолдилар. Кимдир айтган эди, югуришни лўқиллашдан бошлаш керак деб. Муштларимни кўксимга қўйиб, лўқиллаб кетдим. Яна бўлмади. Икки юз кадам лўқилламасдан нафасим тикилиб қолди. Сут комбинатининг муюлишида чопишдан тўхтаб, мажолсиз одимлаб кетаётган эдим, кўзим ерда ётган кўкиш қоғозчага тушди. Қарасам, икки букланган беш сўмлик. Эгилиб олдим. Виров кўрмадимкин? Хавотир билан атрофга алангладим — ҳеч ким йўқ. Хайрият. Пулни кафтimgа қисганча югура кетдим. Вой, тавба, қадамим мунча енгил кўчмасе? Анча ергача, тўғрироғи, нафасим қисгунча югурдим. Қайтиб уйга келсам, кеннойнгиз дастурхон ёзиб турган эканлар. Чала-чўлла ювиниб, столга ўтирдим. Ҳа, унчага тошган беш сўмлимнинг стол чеккасига қўйиб, кейин ювинишга кирган эканман. Кеннойнгиз, навои беш сўмлик бу ерда нима қилади, деб сўрадилар. Бўлган воқеани айтиб бердим. «Зўр-ку, — дедилар у киши, кейин, — энди ҳар кунни югуришга чиқинг, раҳматли отам, вақтли турган киши баракка топади, дердилар», дея қўшиб қўйдилар.

— Албатта, — дедим камтарлик билан, — лекин-чи, бу пулни рўзгорга ишлатманг. Яхшиси, пастдаги кўшнимиз Оля холага чиқазинг, ҳеч кими йўқ шўрликнинг. Савоб бўлади.

— Нимаси шўрлик унинг, — дея эътироз билдирди кеннойнгиз, — Олия холагиз сиз билан меъдан ўн қарра яхши яшайди. Ҳатто титга кооперативдан дудланган қолбаса олиб едиради. Айтишларича, кассада ҳам етти минг сўм пули бор экан. Бунинг устига, хуфя самагон ясаб сотаркан.

— Унда ўзингиз биласиз, — дедим.

Дўхтир жувоннинг дорисиди ёки югуришдами бир ҳикмат бор экан. Кундан-кун қулоғимнинг шангиллаши йўқолаётгандек эди. Шунинг учун машқни қанда қилмасдан, ҳар кунни югуриш масофасини ошириб борардим. Орадан бир ҳафтача ўтди. Ҳар гал сут комбинати рўпарасидаги муюлишга етганда негадир қадамим ўз-ўзидан секинлашиб беҳтиёр ерга тикилиб ўтардим. Иккинчи ҳафтанинг биринчи кунни сут комбинати атрофини айланиб ўтаётсам, айнан ўша ернинг ўзидан, йўқ, сал берирокдан

яна беш сўм топиб олдим. Бу галги беш сўмлик қоқ ўртасидан ярмигача йиртиқ эди. Узим югураяман-у: «Елимласа бўлар», деган фикр калламда чарх уради. Бу бахтли тасодифдан батамом хайрон эдим. Қизик, ҳечам кишининг ишонгиси келмайди. Ҳа, майли, охири бахайр бўлсин. Уйга келиб, навбатдаги бахтли тасодифни кеннойнгизга айтдим. У киши, лақиллазиб бўлсиз, дедилар ишонмасдан. Қасам ичишга тўғри келди. Кейин йиртиқ пулни елимлашга тутиндик.


— Энди бундай қиласиз, — дедим кеннойнгизнинг диққатини ўзимга қаратиб. — Мана елимладим, бу пулга магазиндан бир кило шоколад олиб, интернетдаги афғон болаларга элтиб тарқатинг.

У киши аввалга рози бўлдилар, кейин:

— Афғон болалари сизнинг шоколадингизга зор тургани йўқ, — дедилар. — Ҳукумат уларга минг-минг сўмлаб пул ажратади. Яқинда интернетнинг собиқ директори уларнинг ҳақидан ўн бир ярим минг сўм ўмаргани учун ишдан олинди... ҳали уй пулининг уч ойлиги, гаражининг солиғи, телефон пули тўлангани йўқ... Қўшиб телефонга тўлаб юборсаммикин?.. Йўқ, яхшиси, фаррош хотинга торт олиб бераман, болачакаси кўп, савоб бўлади...

Эътироз билдирмадим. Чунки, шу тонда телефон жиринглаб қолган эди.

Шундай қилиб, машқи-баданни давом эттирдим. Баъзи эрталаблар ухлаб қолсам, кеннойнгиз: «Туринг, югуришга чиқмай-сизми?» дея туртиб уйғотардилар. Бу ҳам етмагандек, у киши югуришга чиқиб, пул тошгани ҳақидаги янгиликни қўшнингнинг хотинига айтган эканлар, у ҳам тонг билан эрини уйғотиб, югуришга чиқарди. Энди эрталаблари икки кишилашиб югурадиган бўлдик. Вуни қарангки, у югурсам, югуради, тўхтасам, тўхтайди. Иккимиз ҳам сут комбинати рўпарасидаги муюлишга келганда, қадамимиз ўз-ўзидан секинлашиб, бараварга ерга тикилиб ўтамиз. Эрталаб югуришга чиқиб, икки марта пул тошгани



Расми Х. Содиқов чизган



Муҳаммад ИСМОИЛ

ҚУЛСИЗ АСКАРНИНГ КЕЙИНГИ ҲАЁТИДАН ЛАВҲА

У маст эди, изгиринда
Йиқилди тор йўлакка.
Чўқморли тош қирраси
Урилди нақ юракка.

Туанда уни кимлардир,
уйига келтиради.
У туш кўрар, келтирган,
Ўзин собиқ кўллари.

Чопилган, дарвиш кўллар
Сўз бошлади оғриниб:
« — Сен инсонсан, аташар
Еру-кўкнинг онги деб.

Сенга қилардик таъзим,
Яшардик сўраб шафқат,
Нуруний юзларингда
Борлигида муҳаббат.

Аmmo биз шаҳид кетдик.
Фақат руҳимиз омон.
Ўлиқни каби сени
судрар бу кун оломон.

Жангларда қурбон бўлган
Гумроҳлар хуни туриб,
Поймоҳ бўлган ватаннинг,
Элининг қарғиши уриб.

Яна кўча-кўйларда
Қолиб кетсанг хору зор.
Кўтаролмасга гар
Кўксингдаги мажруҳ ор.

Ўша қарғиш руҳини
Ўзинга қилгин имон,
Шўрлик аҳволинг учун,
Қилгай улуг кўзғолон».

Қўл сўзини тугатди.
Аскар эса ҳали
ухлаб ётар эди.

Илк севги — ишқ рубобида
илк бор кўнгиш ўрганмоқ.
Ўзгаларнинг юрагига,
сўнг осон ўт ташламоқ.

Илк куйдан кеч, етса қурбинг
ўрганмагин, илтимос.
Севгиларга ихлос қўйгунг,
чунки рубоб — аҳтирос.

Кулиш чапанича ёвуз, ёввойи,
кўрқинчли туюлар, олис
турсанг-да.
Ожиз энтикасан, нафис чиройинг,
гўё йўқ. У голиб қарар тиззангга.

Момик тиззанг учар отнинг
устида
кип-қизил қизариб қизиб
дириллар.
Унинг ғайри қони томирларида,
ўзанини бузиб, озиб югурар.

Ёқимли, о қанча, ёқимли юпанч
Ўткинчи хуснингни ўйламагани.
Тиззангга, тиззангга термула-
вериб,
Сира тўймагани, тўёлмагани.



РИВОЯТ

У чоғлар мулк орттирмоқ —
гуноҳ орттирмоқ эди.
Очга мулк тортиқ қилмоқ,
расми эди у элининг.

Гар қайси хонадонда
мулк тўпланса, эгаси,
уйи очик қолганча,
уч-тўрт кунга кетарди.

Бир кун бир сўфий шундай
уйин очик қолдирар.
«Е, ҳақ...» деб, келди тунда
ўғри ёки қаландар.
Топди киярга буюм,
кераклича тилладан.
Кетар чоғ... кўринди хум
ичи оқ ялтилаган.

Қизикди: бу не ўзи?
Воҳ, оғзига солгани —
Туз! Шу уйнинг тузи!
Ҳаром бўлди олгани.

Тотдим деб бу уй тузин
Ҳақиқа қилди дуо.
Келган каби оч-юпун,
Қайтди, олмай ҳеч вақо.

Замон ўтиб аждодлар
саҳий қони жўшди,
кетишди, муслим зотлар
очик ташлаб кўшқини.

Орадан ўн беш кун ўтар-ўтмас ҳафсаласи
пир бўлган шерикларим бирин-кетин югу-
ришга чиқмай қўйишди. Мен эса ҳамон югу-
ришда давом этардим.

Омадни қаранг. Уч ойлар чамаси ўтгач,
бир варақайига 165 сўм топиб олсам бўла-
димми?.. Кўпам ҳовлиқманг. Бу пулни сўт
комбинати рўпарасидаги муюлишдан эмас,
ўз уйимиздаги ёски сандиқдан топиб олдим.

Кўпа-кундуз ўғридай,
келди биров: эгни бут
Тилла топса, кам дегай,
Ҳазиналар келмас тут.
Кетмас: на қорни тўяр,
на ор туяр, на зорни.
китобларга ўт қўяр,
Ёқади жойнамозни.

Қайтса уй эгалари,
уй вайрона мисоли.
Фақат қолиб кетибди,
ғайридиннинг қуроли.

Бир чоғлар мулк орттирмоқ
гуноҳ орттирмоқ эди...

1. Тут — шевада бас келмаслик, ҳеч вақо
маъносига қўлланылган.

УШАЛМАГАН СЎНГИ ИЛИНЖ

Эртага тўй. Келди у. Тун эди.
Кутди у. Кутди у. Кутди у.
Бетайин тун қолди мен билан.
Тунни қув, кўнгиш, кўн, кел энди.

Ҳатто ўпмаганим алами,
Фавворадай саҷар хаёлий
Ҳаёт нури хур камалаги —
Бахтнинг мангу туғқисиз ёли.

АЙРИЛИҚ

Қалби шипа кўз каби,
Очик энди аксга.
Дастлаб сенинг ҳаётинг,
Тушган эди рақсга.

ЎЛИМ

Тун туманли. У маст қайтарди.
Ўз-ўзича сўзлаб шодлиқдан.
Кўк гирдобдай. Ер айланарди.
У йиқилди қорга юз-тубан.

Сўнгра ночор ҳаракатлари,
зори бўлиб, қорда из қолди.
Жони совуқ муз ҳаводаги,
нафас каби тарқаб йўқолди.

Синчи кўзгаб дўстлар келмади.
Турғизарди, қолмади ит ҳам.
Ҳаётдан кўнгли тўқ, маст эди,
оқламади ишончини олам.

* * *

Орқасидан қарасам, қарамайди ёр,
Олма отсам олмайди, олмаси бор.
Олмасидан ушласам, ушлама дейди.
Мени биров хушлаган, хушлама дейди.

Довдирадим, довули йўқ юрак, юракми?
Сени менга оғдирмаса кўнгиш керакми?
Асов дилим тушовладим танлови оғир-ей,
Еш бошимга ташлаган тошларинг чоғир-ей.

Кўзимда ёш — тандан кетган дарддошларим.
Ҳаволарга таралади бардошларим:
«Менга бахт бермаганининг, бахти борми-ей!
Менга бахт берганларга Ҳизр дорийди-ей,
Ҳизр дорийди!»

Ҳақидаги воқеани кўшнингнинг хотини ўз
дугонасига, у ҳам ўз навбатида синглисига
айтган экан, уларнинг эрлари ҳам сафимизга
қўшилишди. Энди ҳаммамиз ҳам ўша мую-
лишга етганда югурмасдан, юз-юз эллиқ қа-
дамча ерга тикилиб, имиллаб одимлардик.
Лекин қаторасига икки марта рўй берган
ўша бахтли тасодиф қайта такрорлан-
мас эди.

Бу — қорин туфайли анчадан бери кийил-
май ётган немисча костюм-шим эди. Кийиб
кўрсам, аввалгидек ўзимга лойиқ келди.
Югурмай қўйган шерикларим эса, ҳар ку-
ни беш-олти сўмга ортиқча оқват еб, яна
шунчадан пулни йўқотишаётган эдилар.
Кенюйингизга шуни тушунтириб қўйсам,
уларнинг хотинларига бориб айтса, эрталаб
эрларини югуришга уйғотишармикми?..

ҒАЗАЛЛАР

* * *

Бу кеча оҳим фалак сақфни вайрон этгудек,
Кўкда анжум гулларин ҳар ён паришон этгудек.

Сендин айру дарду ҳасрат бирла, эй ороми жон,
Сели ашким офият мулкни вайрон этгудек.

Ёр васлидин хабар еткурмаса боди сабо,
Дарди ҳижрон ибтилоси ғорати жон этгудек.

Бўлмаса ул шўҳи шахрошуб бул маҳфил аро,
Бодаи айшимни ҳижрон оғуси қон этгудек.

Ишқ гулзорида гул васли ғанимат кеча-кун,
Тинмайин, эй булбули девона, афғон этгудек.

Кўҳқан, туш тоғдин, Мажнун, биёфон таркин эт,
Ким бу кун оҳим кўзум ёшини тўфон этгудек.

Комила ул ёр савдосида тарк айлаб ҳавас,
Ишқ шоҳини кўнгул тахтида султон этгудек.

* * *

Ул париваш ишқиға ҳеч ким менингдек зор эмас,
Зор кўптур анга, лекин мен каби афғор эмас.

Васл беҳижрону айши бекудурат кўрмадим,
Орий-орий бу заманда ҳеч гул беҳор эмас.

Ғунча ул гул юзига беҳуда тақлид этмасун,
Гарчи нозукдур ва лекин қобили гуфтор эмас.

Ошиқ ўлдунг деб кўнгулға мунча айларсен итоб,
Раҳм қилким бу гуноҳим мужиби озор эмас.

Айладинг найранг ила торож кўнгулм кишварин,
Дилраболар чўқ вале сендек пари айёр эмас.

Ёр удурки сенга ғам кунларида бўлса ёр,
Улки меҳнат кунларида ёр эмаседур, ёр эмас.

Комила йўқтур замон абносида ҳушу хирад
Барча ғафлат бодасидин маст эрур, ҳушёр эмас.



А. НАЗАРОВ. ШОИРА НОДИРА.

«КОМИЛА ДЕВОНИ»

*Ул шакар лабки жондин азиз,
Кимки йўқ ондин азиз, ондин азиз.
Келди ашраф барча олам аҳлидин,
Йўқтурур дунёда инсондин азиз.*

Ушбу сатрлар бутун ижодида инсонни улуглаб, муҳаббат, вафо ва садоқатни куйлаган Моҳлар ойм — Нодиранинг янги аниқланган «Комила девони»даги шеърларидандир. Шоира XIX асрнинг биринчи ярмида ниҳоятда мураккаб феодал ҳонликлари даврида яшаб, ўзининг халқчил мундарижага эга бўлган асарларини яратди. У кўп асрлик ўзбек адабиётининг Алишер Навоий ва Лутфий, Бобур ва Машраб каби намояндаларига издош бўлиб, асарларида инсонни шарафлади, унинг орузинтилишларига хайрихоҳ бўлди.

Нодиранинг жанр жиҳатдан ранг-баранг асарлари унинг девонларида жамланган. Шунингдек, шоиранинг шеърлари алоҳида дафтарларда, баёзларда ҳам кўплаб учрайди. Визгача етиб келган постик меросидан англашилишига кўра, шоира Но-

дира Комила ва Макнуна тахаллуслари билан ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Нодира девонларининг қўлёзмалари бугунги кунда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти фондларида сақланмоқда. Шу манбалар асосида Нодира асарларининг бир неча нашрлари ўзбек, тожик ва рус тилларида амалга оширилган.

Журналхонлар шоиранинг Нодира тахаллуси билан ёзилган ўзбек тилидаги шеърлари, Макнуна тахаллуси тожик тилида Самарканд шаҳрида шоиранинг Комила тахаллуси билан ёзилган ўзбек ва қисман форс-тожик тилларидаги шеърларидан иборат бир қўлёзма девони борлиги аниқланди. Ҳозирги кунда девон қўлёзмасининг асли ўша

ерда истиқомат қилувчи шеърят мухлиси Маҳмуд Диёрийнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. Девоннинг фотонусхаси эса ЎзССР ФА Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти фондига қабул қилиб олинди.

Ушбу девондаги шеърларнинг кўпчилиги илгари нашр этилган Нодира ва Макнуна девонларига киритилган. Шу билан бирга Комила девонида ҳали китобхоналарга ва фан аҳлига маълум бўлмаган талайгина шеърлар ҳам мавжуддирки, булар шоира ижодий меросининг янада бойлигидан далolat беради.

Девон Ўрта аср Шарқ китобат анъаналари асосида тузилган. У шоиранинг ўзи томонидан наср ва назмда ёзилган дебоба билан очилади. Бунда Нодира ўзининг ҳаёт йўли, ижодий ва ижтимоий фаолияти ҳақида анча кенг маълумот беришга ҳаракат қилади. Шоира китобхоналарга мурожаат этиб: «Ал мулаққаб бил Комила андор баёни ҳол изҳор этарким», деб ушбу девонда Комила тахаллуси билан ёзилган шеърлари

жамланганлигини таъкидлайди.

Дебочада ҳаётнинг аччиқ-чучугини ўз бошидан кечирган шоиранинг одамларга яхшиликни сингдиришдан, илму ирфон нурларини тарқатишдан иборат шиорга амал қилгани сезилиб туради. Унга илова қилинган иккита рубойида шоира ўз асарларининг «икбол баёзларига мувофиқ тушиши», «ишқ эгаларини хушнуд этиши» билан «халойиқнинг табиатиға мувофиқ келиши»га ишонч билдиради.

*Е раб, бу савод ишқида содиқ
бўлгай,
Иқбол баёзига мувофиқ бўлгай,
Ишқ аҳлининг хогири бўлиб хуш
андин,
Мақбули табиати ҳалойиқ бўлгай.*

Девонда ўзбек ва тожик тилларида ёзилган Комила тахаллусидаги 373 (7000 мисрадан ортиқроқ) шеърлар жамланган. Ундаги ғазал, мухаммас, мусаллас, мусамман, таркиббанд, таржйибанд ва фироқномаларнинг кўпчилиги, юқорида қайд этганимиздек, шоиранинг Нодира ва Макнуна девонларига киритилган асарлардир. Энг муҳими шундаки, девонда шоиранинг икки ярим минг мисрадан ортиқроқ янги асарлари мавжуддир. Булар ўзбек тилидаги 111 ғазал (1845 мисра), 2 қасида (94 мисра), форс-то-

Войким, тарки мурувват қилди ёр,
Ёрлардин қатъи улфат қилди ёр.

Қон ютунг, эй хаста дил ушшоқлар,
Ғайр бирла тархи суҳбат қилди ёр.

Шишаи майдек кўнгулни қон этинг,
Бода ичмак бирла одат қилди ёр.

Менга тарғиби муҳаббат айлади,
Ким бу гумраҳни ҳидоят қилди ёр.

Тарқатиб меҳру муҳаббат тухмини,
Мазраъи дилни зироат қилди ёр.

Айлабон эҳё кўнгул вайронасин,
Доғлар қўйди, аморат қилди ёр.

Ишқ аро ўздин сабуквор ўлмишам,
Ҳар на ким бор эди горат қилди ёр.

Бўлмишам оворай дашти жунун,
То кўнгулда истиқомат қилди ёр.

Дўзах эрди ҳажр азоби Комила,
Бизни ул ўтдин шафват қилди ёр.

Баски маҳзун кўнгулми бедоди ҳижрон этти доғ,
Лола кўксидек бутун сайри биёбон этти доғ.

Меҳнати ҳажру тани бемору андуҳи ҳаёл,
Чарх зор айлаб яна гардун фаровон этти доғ.

Ҳар қаён қўйдум қадам келди надоматлар менга,
Ҳар на қилсам кулфати таъби пушаймон этти доғ.

Қомати андишасидин зордур маҳзун кўнгул,
Қумри бағрин ўйлаким сарви хиромон этти доғ.

Жона еттим баски фурқат тунлари андуҳдин,
Хаста жонимни ҳавойи қўйи жонон этти доғ.

Толеми носозлиг этти жаҳон гулзориди,
Ким ҳаёли гулшану сайри гулзорон этти доғ.

Кимса, ё раб, ҳарзатози водии гам бўлмасун,
Хислати беҳудай гашти ларишон этти доғ.

Рахти оташкор янглиг синаи афғорман,
Қатра-қатра ашки сурху чашми гирён этти доғ.

Ҳеч маҳзун бўлмасун шоҳи жаҳонидин жудо,
Комила мен хастани ул шоҳи хубон этти доғ.

Жон берурман ҳар қачон ул сарвинос
Бўлса кўзум манзариди жилвасо.

Манъи муҳаббат на қилурсан менга,
Рамзи ҳақиқат эрур ишқи мажоз.

Ишқни афсонаси бўлмас тамом,
Меҳру вафо қиссаси дуру дароз.

Меҳри ниҳон эрди дилу жон аро,
Қилди кўзум ёшлари ифшон роз.

Хуснига мағруру жамолиға маст,
Ноз этар олида қилсам ниёз.

Кимки жаҳон базмиға қўйди қадам,
Шамъ қаби топти саропо гулоз.

Ишқ мақомида қабул истасанг,
Комила, қил зуҳд элидин ихтирос.



жик тилида 28 та ғазал (332 мисра), 3 қасида (190 мисра), 2 мухаммас (60 мисра) ва битта мусаддас (30 мисра)дан иборатдир.


Шоиранинг Нодира тахаллуси билан ёзилган илгариги қўлёзмаларида, гарчи девон тузиш қоидасига амал қилинган бўлса ҳам, уларда «з, р, с, айи, ғ, к, н, нг, м, ф, л, к, у, вов, ей» ҳарфлари билан тугалланувчи радиф ва қофиялардан иборат шеърлар жуда сейрак ёки йўқ даража эди. Қўлимиздаги янги девонда эса радиф ва қофияларга кўра харфлар тўлиқ бўлиб, уларга кўплаб шеърлар битилган. Шунинг учун ҳам ушбу «Комила девони» ни анча мукамал деб айта оламиз.

Девоннинг охири саҳифалари йиртилиб, йўқолиб кетганлиги учун унинг қачон кўчирилганлиги маълум эмас. Аммо шеърларнинг мазмунига кўра, шоира ўзи ҳаёт вақтида тузилган бирдан-бир мукамал девон дейишга асос бор. Афтидан, шоира ўзининг дастлабки ижодида ўзбек ва форс-тожик тилларидаги шеърларини Комила тахаллуси билан ёзиб мухтасар девон тузган. Айна пайтда шоира ўз асарларида кейинчалик Нодира ва Макнуна тахаллусларини ҳам қўллаган. Бугунги мавжуд девон қўлёзмаларида ушбу уч тахаллус тенг қўлланилган.

Нодиранинг кўплаб янги шеърларининг аниқланиши шоира ижодий оламига чуқурроқ киришга ва кенг тадқиқот олиб боришга восита бўлмоқда. Бу асарлар шоира ижодининг реал дунёга бўлган муҳаббати, инсонпарварлик майлларини ўрганиш, айна пайтда Нодира асарларидаги сатирик томонларини белгилашда муҳим манба ҳисобланади.

Бу бебаҳо мерос адабиётимиздаги инсонпарварлик анъаналарига асосланган, ўз даври адабиётини гоёвий-бадий асарлар билан бойитганлиги жиҳатдан алоҳида аҳамиятга моликдир.

Маҳбуба ҚОДИРОВА,
филология фанлари доктори



НОДИРА ВА ЗАМОН

Шоира Нодирани ким билмайди, дейсиз! У ҳақида ўнлаб ажойиб китоб ва рисодалар ёзилган, бадий фильмлар чиқарилган, унинг ғазаллари ашула қилиб айтилади. Нодиранинг ижоди ва ҳаёти ҳақида адабиётшуносларимиз илмий излаишларни давом эттирмоқдалар.

Тўхтасин Жалолов ўзининг «Ўзбек шоирлари» номли китобида Нодирага қуйдагича баҳо беради: «Умархон даврида (1810—1922 — Ҳ. Б.) шеъриятда радифўйлик, назирғўйлик ажв олгани учун у давр шоирларининг шеърлари вазн, услуб ва гоёлари жиҳатдан бир-бирига ўхшаб кетади. Аммо Нодира шеърларида бу нуқсон кўринмайди, у ҳеч кимга эргашмаган, ҳеч кимга тақдир этмаган, радифўйликка, назирғўйликка эзб бермаган. Нодира ўз услуби, ўз овози билан, шеърларининг сермазмун, серҳаяжонлиги, жўшқинлиги ва самимийлиги билан ҳаммадан фарқ қилиб, ажралиб туради. Бошқача айтганда, Умархон даври поэзияси ўзи бир олам, Нодира поэзияси ўзига хос бошқа бир оламдир» (Т. Жалолов, Ўзбек шоирлари, Т., 1959, 89-бет).

Нодира поэзияси ҳақида қанча ёзилса ҳам озлик қилади, қанча мақталса ҳам камлик қилади. Чунки унинг шеъриятига баҳо бериш учун кўз олдинга 1810—1842 йилларни келтиришнинг лозим. Уша даврдаги тарихий вазият, аёллар турмуши, аҳволи нақадар оғир ва хавфли эканини эсдан чиқармаслигимиз керак. Айниқса дин томонидан аёллар ҳуқуқининг чекланганлигини унутмаслик лозим.

Масалан, «Куръон»да шундай оятлар бор: «Эркаклар хотинлар устидан ҳукмрондир, чунки Оллоҳ уларга бошқалар олида аф-

заллик берган» (сура 4, оят 38); «Қайсарлиги билан хавфли бўлган аёлларнинг адабини бериб, ақлини киритинг... уларни калтакланг» (сура 4, оят 38); «Ички аёлнинг улуши қанча бўлса, бир эркакнинг улуши ўшанчандир» (с. 4, о. 175); «Эркакларнинг хотинлар устидан даражаси баланддир» (с. 2, о. 228).

Уша даврда ҳокимият амалда дин пешволарининг қўлида эди. Чунки Олимхон уларга қарши бир неча тadbирларни амалга оширмоқчи бўлганлиги учун тахтга Умархонни ўтиргизиб, Олимхонни отиб ўлдиришди. Нодирага, унинг ҳаёти ва фаолиятига баҳо беришда бундай вазиятнинг эътиборга олмаслик мумкин эмас. Шу кунга қадар кўп адабиётшунос олимларимиз Нодирани шоира ва давлат арбоби сифатида ёзганлар. Буни тарихчилар ҳам қўллаб-қувватлаб келишмоқда.

Масалан, О. Шарафиддиновнинг фикрича, «Умархон ўлгач (1822), тахт унинг ўн тўрт ёшлик ўғли Маъдалихонга қолади. Лекин хонлиқнинг барча ишлари Нодиранинг қўлида бўлади» (О. Шарафиддинов. Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси, 11 том, 244-бет).

«Ўзбек шеърияти антологияси»да ҳам «Маъдалихон ҳукмронлик этган йилларда (1822—1842) давлат бошқариш ишлари асосан Нодиранинг қўлида бўлади», дейилади. (Ўзбек шеърияти антологияси, 5 томлик, т. 3, Т., 1961, 155-бет).

Нодира ҳақиқатан ҳам Қўқон хонлигини бошқаришда фаол қатнашганми?

Маълумки, Моҳлар ойим (бўлажак Нодира) 1808 йили Марғилон ҳокими Умарбекка турмушга чиқади. Уша даврда Қўқон хони унинг акаси Олимхон

эди. Олимхон эшонларни, дарвишларни ва бошқа шу қабиларни фойдали меҳнатга жалб этмоқчи бўлади. Бу эса дин пешволарининг ғазабини кўзгатади. 1810 йили Олимхон Тошкентга кетганлигидан фойдаланиб, дин пешволари Умарбекни Қўқон хони деб эълон қиладилар ва тахтга ўтказадилар. Бундан хабар топган Олимхон Қўқонга келишга қарор қилади, аммо йўлда у отиб ўлдирилади.

Умархон даврида (1810—1822) ҳам ўзаро феодал урушлар давом этади. Масалан, у Уратепа, Туркистон ва унинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларни босиб олади. Меҳнатқаш халқни шафқатсиз эксплуатация қилади. Айниқса аёллар аҳволи жуда ҳам оғир эди. Бунга 1814 йилда Қўқон шаҳрида содир бўлган фожиа далил бўла олади.

Ун етти ёшли гўзал ўзбек қизи билан бир йигит бир-бирларини севиб қоладилар. Аммо, қизнинг ота-онаси бошқа бир бой йигитга қизни унаштириб қўйишади. Қизнинг барча илтимосларини ота-онаси рад этади. Қиз уйдан қочиб кетади ва севган йигитини уйига бориб, сочини қирқиб ташлаб, ўғил бола усти-бошини кийиб, у ерда хизматкор йигит сифатида яшади. Бундан хабар топган куёв Қўқон ҳокимига арз қилади. Ҳокимнинг буйруғига биноан қиз қамаб қўйилади, қозилар эса «айбдор» қизни ўлим жазаосига ҳукм қилишади.

Қизнинг гўзаллигидан хабар топган Умархон унинг олдига одам юборади ва қизга севган йигитидан воз кечишни, сочини эса касаликдан тушиб кетди, деб айтишни таклиф қилади. Аммо қиз бу таклифларни рад этади.

Қизни Қўқон бозорининг майдонига олиб чиқиб, тошбўрон

килиб ўлдиришади. Бунга ўз кўзи билан кўрган Россия элчиси Филипп Назаров шундай дейди: «Хаттоки, мен, офицер бўла туриб, кўплаб ўлимларни кўрган бўлишимга қарамай, бу фожиани томоша қила олмадим, юрагим санчиб кетди ва бу жазони охиригача кўришга тоқат қилолмади, у ердан тез-тез қадам ташлаб кетдим».

Албатта, бу фожиадан хабардор бўлган Нодира ҳам ўша қизнинг ҳаётини сақлаб қолмаган. Нодиранинг замондоши бўлган машҳур шоира Дилшоднинг ёзишига қараганда, 1817 йили Умархон Уратепани босиб олганда, 13 минг 400 кишини асирга олиб, юзлаб олим, шоир ва мутафаккирларни шафқатсизларча дорга осган, қолган эркак ва аёлларни қул қилган.

Умархон даврида Қўқон хонлигининг турли ерларида бир неча марта халқ қўзғолони ва ғалаёплари бўлиб турди. Бунга сабаб меҳнаткаш халқнинг шафқатсизларча эксплуатация қилиниши эди.

Севги, озодликни куйлаган шоира, яхши, фаровон ҳаётни орзу қилган аёл ҳокимиятни бошқаришда фаол иштирок этганида, бундай фожиа рўй берармиди? Олим, шоир ва мутафаккирлар дорга осилармиди ва бунга йўл кўйилармиди? Кўриниб турибдики, Нодира 1810—1822 йилларда давлатни бошқаришда иштирок этмаган.

Моҳлар ойм ўгли Маҳаммад Алихон (Маъдали) даврида (1822—1842) давлат арбоби сифатида фаол иштирок этганими? Маъдалихон ахлоқий бузуқ, халқни шафқатсиз эзиб, унинг ғазабини ҳаддан ташқари оширган хонлардан бири эди.

«Ансоб ас-салотин ва таварихи ал-хавоқин» номли қўлёзмада бундай ёзилган: «Маҳаммад Алихон... ўн етти ёшда подшоҳлик тахтига ўлтурғиздилар. Умархондин қолган вазир саъб тадбирлар маслаҳати бирла ҳукуматлик қилди. Эра улур давлатлик Азим Эшон подшоҳ бўлди, атрофдаги подшоҳлар, чунончи Амир Бухоро ва Урганж изтиробда ирди. Хитой юртидин бож олди, Дашти Қибчоқ тасрифиди эрди, Бадахшон ва Кўлобдин тортуқ келур эрди, Қоратегин тасарруфиди эрди. Давлати аруж айлаб кундин куна давлати тараққий айлаб, бир неча паст мартаба одамлар суҳбатига йўл тоғиб, базм тарабга ва бўҳазўрликга одат қилдириб, Ҳаққули мингбоши юзани шахид қилди, Хўжа додхони ҳажга юбордилар. Ибо қиладургон вазирлар барҳам бўлди.

Қаро-махрам деган беҳулағуёй суҳбатидин йўл тоғиб, бир неча кабутар ва кийикбоалар йўл тоғдилар ва бир неча фоҳишалар йўл тоғдилар, ҳар кимни соҳиб жамол кизи бўлса, хонга маъқул қилиб фоҳишалар сонбонлик аробага тушиб бориб, ул қизни хоннинг хизматига олдуруб келур эрдилар. Вазирлар ва уламолар ва умаролар хизмолатда эрдилар, аҳдини риоя айламас эрди. Ҳар кимни қизини соҳибжамол деб ишита ҳар вилоятда бўлса ҳам, хоҳ ишон, хоҳ уламо, хоҳ бой риоя қилмай олдуруб келар эрди. Манзур бўлса сақлар эрди, ман-

зур бўлмаса жойига юборур эрди» (Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв. № 3753, 28—29-варақлар).

Уша даврда яшаб ижод этган тарихчилар юқорида айтилганларни тасдиқлашади. Маҳаммад Алихон тахтга ўтиргандан бошлаб 1834 йилдагина Қоратегин, Кўлоб, Дарвоз вилоятлари ва бошқа бир қанча ерларни босиб, Қўқон хонлигига қўшиб олади. 1826—1829 йиллар давомида эса бир неча марта Қашғарга ҳужум қилиб, хитойликлар билан уруш қилади ва минг-миглаб кишилар қирилиб кетишига сабаб бўлади. Кейинги йиллари эса Қўқон—Бухоро феодал урушлари тез-тез бўлиб турганини тарих яхши билади.

Аёллар ҳаёти бу даврда ҳам фожиаларга тўла эди. Масалан, 1830 йили Қўқон шаҳрида бир аёлни қозилар ўлимада ҳукм қилиб, минора тепасидан улоқтирганилини, Тошкентда эса яна бир аёлнинг қўл-оёғини боғлаб, устига девор кулатишганини Россия элчиси Г. Потанин ўз кўзи билан кўрди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Лекин Нодира бундай фожиаларнинг олдини ололмади. Уларнинг ҳаётини сақлаб қолмади. Давлат арбоби сифатида фаол қатнашганда, бундай воқеалар содир бўлмас эди. Нодира ўзининг машҳур «Имтиҳон этиб кет» шеърини шунинг учун ёзмаганмикан?

Кел, дахрни имтиҳон этиб кет,

Сайри чамани жаҳон этиб кет.

Бедардларинг жафоларидин

Фарёд чекиб, фиғон этиб кет.

Дунё чаманини бўлбулисан,

Гул шохиди оғёнбэ этиб кет.

Эй ашқ, қўзимни мактабидин

Ҳайрат сабокин равон этиб кет.

Олам чаманини беафодур,

Бир оҳ била хазон этиб кет.

Ушшоқ мақоми бўстондур,

Азми раҳи бўстон этиб кет.

Мақсад на эди жаҳона келдин?

Кайфиятини баён этиб кет.

Фош этма улуска ишқ сирини,

Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.

Кел, ишқ йўлида кўзларингни,

Эй Нодира, дуруфишон этиб кет.

Халқнинг аҳволи ниҳоятда оғир эканлиги тўғрисида Маҳаммад Алихон даврида бир неча марта халқ қўзғолонлари бўлиб ўтади.

Масалан, 1841 йилда Маҳаммад Алихон ва унинг атрофидагилар меҳнаткаш халқ қизлари номусига текканлари учун Қўқон шаҳар аҳолиси қўзғолон кўтарди. Хон Урдадан қочиб кетади. Қўзғолончилар талабига биноан бир неча айбдор шахслар қатл этилади. Аммо, Бухоро амири Насрулло Қўқонга юриш қилганини билиб, қўқонликлар қўзғолонни тўхтатадилар. Маҳаммад Алихон эса таслим бўлмоқчи бўлади. Халқ норози бўлиб, хоннинг олдида Хўжа Қаландар — мисгарни киритишади ва у бир кунлик хон ҳуқуқини олади. Халқ Қўқонни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўради. Оломон бир неча надимларни ўлдиради. Вой-феодаллар эса бу ҳаракат халқ қўзғолонига айланиб кетишидан қўрқиб, Маҳаммад Алихонга мурожаат қилишади ва Хўжа Қаландарни қамоққа олиб, халқни алдаб, бир қанча ваъдалар бе-

риб, зўрга тинчлантиришга мавзафқаб бўладилар. Маҳаммад Али эса амир Насруллога қимматбаҳо совғалар юбориб, ўз тахтини сақлаб қолади.

Бундан ташқари, Маҳаммад Алихон дадаси Умархон уйланмоқчи бўлган қизга уйланади, халқ ичида «ўғай онасига уйланди» деган миш-мишлар тарқалади ва бу Бухоро амири билан яна низо чиқишига баҳона бўлди. Нега Маҳаммад Алихоннинг онаси Нодира бунга йўл қўйди?

Воқеа бундай бўлган эди: Умархон бир бойнинг гўзал ёш қизига уйланмоқчи бўлади ва уни унаштириб қўядилар. Аммо хон касал бўлиб, 1822 йили вафот этади. Қиз хонга унаштириб қўйилгани учун бошқа кишига турмушга чиқа олмайди. Орадан кўп йиллар ўтади. Тахминан 1840 йилда Маҳаммад Алихон овга чиқади, кечкурун Қўқонга қайта туриб ўша қизнинг уйи олдида кетётганида, қизнинг дадаси хонни уйига таклиф қилади ва катта базм ташкил этади. Хон қимиз, бўза ичиб маст бўлади ва шу ҳолатда тунаб қолади. Бу ерда қизни қўриб севиб қолади ва унга уйланмоқчи бўлади. Аммо дин пешволари бунга рози бўлмайдилар. Маҳаммад Алихон бир неча вақт ўтказиб, шайхул-исломни, қозикалонни ва бошқа қаршилик кўрсатган дин пешволарини хоннинг хоҳишини сўзсиз бажарадиган кишилар билан алмаштиради. Кейин улар расмий розилик бердилар ва хон ўша қизга уйланади.

Юқори диний лавозимлардан бўшаганлар халқ ичида «хон ўғай онасига уйланди» деган миш-миш тарқатадилар. Улар Бухоро амири Насруллога арз қиладилар ва Маҳаммад Алихон мусулмон динига ва шариаатга хилоф иш қилди, «ўз онасига» уйланди деб айтишади. Улар амирдан мусулмон дини ва шариаатини ҳимоя қилиш учун Маҳаммад Алихоннинг жазоланишини талаб қиладилар.

Амир Насрулло Қўқон хонидан бу никоҳнинг бекор қилинишини ва тахтдан воз кечишни талаб қилади. Аммо Маҳаммад Алихон бунга рози бўлмади. Натижада бир неча марта Қўқон—Бухоро урушлари бўлиб, минглаб бегуноҳ кишилар қирилиб кетади.

1841 йил ноябрь ойида Маҳаммад Алихон тахтдан воз кечди ва унинг укаси Султон Маҳмуд хон бўлади. Шунга қарамадан, 1842 йилда Бухоро амири Насрулло Қўқонни босиб олади ва Султон Маҳмуд, Маҳаммад Али, Моҳлар ойм (Нодира) ва бошқаларни қатл этади.

Архив ҳужжатларига қараганда, Маҳаммад Алихон даврида давлатни бошқариш учун донмий хон кенгаши ташкил этилган экан. Бунга қуйидагилар қатнашар эди: хон, оталик, мингбоши, отабек, саркор, дастурхончи, рисолачи, мухтор, ноиб, удайчи, хўжа-қалон, қозикалон, қози-аскар, шайхул-ислом ва бошқа машҳур бой-феодаллар.

Қўқон хонлигига оид барча маълум бўлган қўлёзма тарихий қитоблар ва архив ҳужжатларда Нодиранинг давлатни бошқаришдаги иштироки ҳақида далилни учратмадик. Хаттоки,

чор Россия разведкаси тўплаган маълумотларда ҳам Нодиранинг давлатни бошқариши ҳақида бирорта ҳам маълумот топа олмадик. Рус элчилари ўша йиллари Қўқонда бўлиб, хон ва унинг атрофидагилар билан учрашиб, барча кўрган ва эшитган маълумотларини ёзиб қолдиришган, аммо Нодира ҳақида фақат Умархоннинг хотини ва Маҳаммад Алихоннинг онаси сифатида ёзишган, давлатни бошқариши ҳақида эса ҳеч қандай маълумот йўқ.

Кун қилиб шуни айтиш мумкинки, Моҳлар ойм Маҳаммад Алихон даврида (1822—1841), Султон Маҳмудхон даврида (1841—1842) ҳам давлатни бошқаришда фаол иштирок этмаган. Юқорида келтирилган тарихий вазият ва воқеалар бизнинг фикримизга исбот бўла олади.

Тарихий шахсларга тўғри баҳо беришимиз керак. Ҳеч қачон бўлмаган воқеани ва нарсаларни ҳақиқат қилиб кўрсатиш мумкин эмас. Акс ҳолда, Нодирага нисбатан оладиган бўлсақ, уни XIX асрнинг биринчи ярмида ўзбек аёли, шоира ҳам давлат арбоби деб кўрсатмоқчи бўлиб, аслида буюк шоира номига ва порлоқ хотирасига кегириб бўлмайдиган доғ туширган бўламиз. Моҳлар ойм — шоира Нодиралигича қолсин!

Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ,
доцент, тарих фанлари кандидати



ЕР ОСТИДАГИ ҚАСР

Сайрам қишлоғи Чимкентдан Тошкентга ерлагани йўл устида. Бу ердаги гипс заводи қишлоқдан узоқ бўлмаган тепалиқдан тупроқ олишга қарор қилди. Бульдозер ҳартумини ерга ураётганида бир нарсга қалалди...

Олмаотидан келган мутахассислар бу ноёб археологик топилма Қозғистонда ягона бўлган метрополитенга ўхшаш ер ости йўли эканлигини тасдиқлашди. Бу тепа остида минг йил аввал будда монастыри бўлган. Ҳайратанарлигини шундаки, очилган ибодатхона яхши сақланган. Қандил ўрнилари, тоқча ва гумбаазчалардан ёборат ибодатхона экан. Ҳозир Сайрамда 80 дан ортик тарихий ёдгорликлар ҳисобга олинган. Бульдозер тешиб қўйган бой бетон плиталар билан ёпиб қўйилди. Қозғистон ССР Фанлар академияси қошида ташкил этилган экспедиция ўз ишнини баҳорда бошлайд.

ОТОЙИ ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИ

Мирзааҳмад АЗАМАТОВ

МАВЛОНО ОТОЙИ ўзбек классик шоирларининг мўътабар ва машҳурларидандир. У XIV аср охири ва XV асрда яшаб ижод қилди. Бу даврда ўзбек адабий тили хали шаклланиб улгурмаган эди. Алишер Навоийнинг кўрсатишича, бу пайта Мавлоно Аҳмадий, Мавлоно Муҳаммад Саққокий, Мавлоно Муқимий, Мавлоно Юсуф Амирий, Мавлоно Сайид Аҳмад Хўжандий, Мавлоно Лутфуллоҳ Лутфий, Мавлоно Гадий, Мавлоно Яқинийлар билан бир қаторда ўзбек тилида ажойиб ва хўб маъноли ижод қилган Мавлоно Отойи бўлади.

Бизнингча, шоир Отойининг ҳақиқий номи Хусайн бўлиб, кейинчалик Хусайн Шайх деб аталган бўлса керак. Филология фанлари доктори, марҳум Э. Р. Рустамов тузган, 1958 йилда УзССР Давлат адабиёт нашриёти томонидан чоп этилган Отойининг «Танланган асарлари»да «Менго» радиолари газаали бор. Шу газаалининг охиридаги икки мисра қуйидагича:

Мен Отойимен Хусайнийн хус
ичида сен Хасан,
Карбалодур равази боги
жинон сизсиз менго.

Биз «Мен Отойимен Хусайний...» деган сўзларни шоирнинг тахаллуси ва ўз номи деган қарорга келдик. Бу мулоҳазамиз тарихий маълумотлар ҳам тасдиқламоқда.

Алишер Навоий «Насоимул-муҳаббат» асарига Хусайн Шайх ҳақида шундай ёзади:

«Хусайн Шайх — Исмоил ота фарзандларидандир. Мустанған (гўзал) муомилаларни киши эмиш. Халқ анинг атвориға (хулқига, феълига) фирифта (гирифтор) бўлибтурлар. Дунё асбоби сори майл қилмайду (дунё бойликларига эътибор қилмайду) ва бовужуди фақир ўзини ул нав гаини (камбағал бўлишига қарамасдан ўзини шундай бой) кўргузур эрмишки, халқ риоят (эҳсон) йўли топмаслар эрмиш. Оламдин ўтган замонда манқулдуким (ривоятким, нақлким), элдин гоийб (йўқолган, йўқ) бўлгандир. Ҳозир бўлгач (қайтиб келгач) боши устида бир куш қўнғон (қабр устида бўлса керак) эрмишки, ҳеч ким ул нав 3 нусха нақшу ранг куш кўрмагандур. Элни кўрғач учубтур». (Алишер Навоий, 15-том, 156-бет).

Мавлоно Отойи ҳақида Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»нинг иккинчи мажлисида шундай ёзади:

«Мавлоно Атойи (Отойи бўлиши керак, А. Навоийнинг 12-томини нашрга тайёрловчи Отойи сўзини хато ўқиб, Атойи ёган бўлиши мумкин. — М. А.) Балхда бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидандир, даррешваш ва хушхулқ, мубасит (очиқ кўнглили, нуруний) киши эрди. Туркигўй эрди. Ўз замонда шеър айтрок

(турклар, турк қабилалари, қадимий ўзбеклар) орасида шухрат тудди.

Бу матлаъ анингдур:

Ул санамким сув қирогинда
паридек ўлтурур,
Ғоятно нозуклуғидин
сув билан ютса бўлур.

Қофиясида айбигнаси бор.
Аммо Мавлоно кўп туркона айтур эрди.
Қофия эҳтиёжига муайяд (боғлашга моҳир) эмас эрди.
Қабри Балх навоҳисидадур».

(Алишер Навоий. 12-том, 62—63-бетлар).

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарининг Хусайн Бойқаро даврида яшаган шахслар, шоирлар ва олимларга бағишланган бўлимида Мавлоно Шайх Хусайни «Хукамиёт ва ақлиёт ва калом илмини хўб билур эди. Оз алфозда (оз гапта) кўп сўз топиб, диққат била гуфтуғу қилмоқ (гапу сўз қилмоқ) онинг ихтиросидур», деб таърифлаб, Султон Абусаид Мирзонинг замонида жуда катта хурматга эга бўлиб, унинг ҳар ишида у билан маслаҳатчи ва улфат бўлганлигини ва Мирзо Хусайн Бойқаро даврида негадир унга ёқмай қолиб, қандайдир бир «иҳонатлар» (туҳматлар)га йўлиқтирилиб хор қилинганлигини ёган.

Демак, Мавлоно Отойининг номи Хусайн Шайх эканлигини аниқладик, десак бўлади.

Энди шоир яшаган даврни, жуда аниқ бўлмаса-да, ҳар ҳолда бир оз ёритишга ҳаракат қиламиз.

Академик Ғафур Ғулом 1959 йил 21 январда «Ўзбекистон маданияти» газетасида «Атойи эмас, Отойи» мақоласида қуйидагиларни ёган:

«Шоир Отойининг таржиман ҳолидан шу нарса аниқки, шоирнинг ота-боболари насаб жиҳатинан бир-икки бўгин орқали Аҳмад Ясавийга бориб туташади. Шоирнинг отаси Исмоил ота, аммакиси Иброҳим оталарнинг мазори Тошкентнинг шимолидандир. Бу мазорлар ҳали ҳам бор. Революциягача катта зияратгоҳ бўлган ерлар. Шоир Отойи шимолий Туркистоннинг (Чимкент, Сайрам, Туркистон, Йўқон, Утроп) қайси бир еридадир туғилиб, кейин маърифат қидириб қадим пойтахтни Ҳиротга (Хирига) бориб, шу ерда турган бўлиб қолган бўлса керак. У Шоҳруҳ ва Улуғбеклар даврида яшаган, ижод қилган».

Алишер Навоий, Ғиёсиддин Муҳаммад Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Отоуллоҳ Хусайни ва 1950 йилда Москвада бошилган «Антология узбекской поэзии» китобининг 107-бетига берилган маълумотлар бўйича шоир Мавлоно Хусайн, Шайх Отойи Шоҳруҳ Мирзо, Рукнуддин Мирзо Алоуддава, Жўги Мирзо, Мирзо Улуғбек, Абдулатиф Мирзо, Абусаид Мирзо ва Султон Хусайн Бойқаро даврларида яшаб ижод қилганлиги аниқланди.

Атоуллоҳ Хусайнийнинг «Ва-

дойғу-с-санойиъ» (китоб 1981 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босилган) асарига, Шайх Хусайн вафотиға доир қуйидаги тарих ёзилган:

«Устод и афзал-и жаҳон шайх
Хусайн
Дар рафтани-и дор-и худд қард
истеъжол.
Таърих-и вафот мешудам
«ном тамом»,
Рафтий қас ва ин агар саду панжох
сол».

Китобда қитъанинг таржимаси берилган: «Жаҳон фозиларининг устоди Шайх Хусайн абадийлик юртига кетишга шошилди. Вафоти тарихи бутун номи бўлар эди, агар бундан юз эллик йил ўтса эди».

Тарих: бутун ном — Шайх Хусайн 1083 бўлади, бундан 150 кетса, ҳижрий 883-йил ҳосил бўлади. Бу — мелодий 1478 йилга тўғри келади.

Шундай қилиб, Мавлоно Отойининг номи Хусайн Шайх Отойи бўлиб, Исмоил ота ўғли эканлиги ва вафоти Султон Хусайн Мирзо Бойқаро ҳукм юргузган даврга тўғри келиши аниқланади.

Савол туғилади: нима сабабдан Мавлоно Хусайн Шайх Султон Хусайн Бойқаро томонидан ҳақорат қилиниб, қораланди. Шу сабабданки, Бобур ўз асари «Бобурнома»да гувоҳлик берганидек, Султон Хусайн Бойқаро Хуросон тахтини эгаллагач, айш-ишратга берилди, саккизта хотинга уйланди, шуларнинг иккитаси Хусайн Бойқаро билан тахт талашиб, енгилиб ҳалок бўлган Абусаидхоннинг Поянда Султон бегим ва Шаҳрубону бегим деган қизлари эди. Бу ҳам етмагандек, Султон Хусайн илгари Абусаидхон ҳарамиде бўлган «ғунгачи» («канизак») Хадичабегимга ҳам уйланиб олган эди.

Бизнинг аниқлашимизча, Хусайн Шайх Султон Абусаидхондан кейин бир оз вақт Султон Хусайн Бойқаро саройида Шайхулислом (дин назорати бошлиғи) вазифасида ишлайди. Ана шу даврда подшоҳ Хусайн Бойқарони покликка, тартиб-интизомга қариган бўлса, албатта, бундай тергашлар подшоҳга ёқмаган бўлиши мумкин. Шу сабабдан у Хусайн Шайх Отойини ноҳақ ҳақоратлаб, бирор туҳмат уюштириб, уни саройдан бадарға қилган бўлиши мумкин.

Демак, шоир Мавлоно Хусайн Шайх Султон Хусайн Бойқаро давлати томонидан сийсий таъқибга учраган. Шундай бўлгач, у умрининг охириги кунларида ҳақиқатан ҳам хор-зор бўлиб, Балх шаҳрида вафот этганлигига шубҳа қолмайди.

Бу ҳолини шоир Хусайн Шайх Отойининг ўзи ҳам шеърларида тасдиқлаган:

Чун сифлалар насиби бўлибтур
Хироту тун чун
Кел, хирқа кий Отойи, равон бўл
Хироттин.

Яна:

Эшикингдаким, шаханшоҳларга
анда бор-йўқ,
Бу Отойидек гадийи беватондан
ким десун?

Энди севимли шоиримиз Хусайн Шайхнинг отаси, акиси ва бошқа яқин авлодлари ҳақида сўз юритамиз.

Алишер Навоий «Насоимул-муҳаббат» асарига шоир Мавлоно Хусайн Шайх Отойининг отаси Исмоил ота ҳақида қуйидагича ёзади:

«Исмоил ота — Хожа Аҳмад Ясавийнинг Иброҳим ота ота-инисининг ўғлидур ва Хожанинги муриди ва назар қилғонидур ва анга мурид ва асҳоб (суҳбатдош) бўлибтур. Ва қаромат ва мақомат ва хавориқи одат бениҳоят ва ёши юзга яқин ва авлоди ўн етти ё ўн саккиз бор эди ва оламдин ўтарда авлоди орасидан Исҳоқ отани ўз қоим мақоми (ўринбосари) қилиб оламдин ўтубтур».

Мавлоно Отойининг отаси Исмоил ота ҳақида тарихий маълумотлардан бирида қуйидагича хабар берилади:

Қамолуддин Хусайн ибн Али Воиз атл-Кашфий — хиротлик машхур ваъзхон ва илоҳиёт олими, Абдурахмон Жомийнинг қайниси (ҳижрий 818—848, мелодий 1440—1450 йилларда туғилган ва вафоти ҳижрий 910 йил, мелодий 1504 йил) ўзининг «Рашоҳати айнул-ҳаёт» асарига Исмоил отанинги Хузайёнда (Тошкент билан Сайрам ўртасидаги қадимги бир вилоят) туғилгани ва Аҳмад Ясавийнинг тасаввуф оқимини давом эттирувчиларидан бўлганини айтади.

Шоир Отойининг акиси Исҳоқ ота ҳақида Алишер Навоий «Насоимул-муҳаббат» асарига ёган:

«Исҳоқ ота чун отасига халф ва халифа ва қоиммақом эрди. Мурид ва асҳобқа пешволик қилиб, отаси зикр ва авродига қиём кўргузубтур ва ўз замонасида муқтадо эрмиш».

Бизнингча, Қозоғистон ССРнинг Чимкент областига қарашли Ленин районигаги хозирги Турбат қишлоғи XV асрда номи «Хузайё» деб аталиб, у вилоят (область) бўлган бўлиши мумкин. Чунки «Турбат» қишлоғи ҳақиқатан ҳам Сайрам билан Тошкент шаҳарлари оралиғида пасту баланд қир, унинг ёнбағирларига жойлашган табиати майин ва гўзал қишлоқ.

Отойининг отаси Исмоил ота қабри Турбат мазори бошланишида — катта мақбара ичида. Унинг номи ва яшаган даври темир тахтага ўйиб ёзилган. Исмоил ота мақбараси пишқ гиштдан айлана шаклида томи гумбаз қилиб қурилган.

Шоир Отойининг, рафиқасининг, акиси Исҳоқ отанинги қабрлари ҳам Турбат қишлоғининг «Қизил дехкон» участкасидаги мазорда жойлашган. Мақбара эшигидан ичкарига кириш олди-

да сомон сувоқли бир қабр бор. Бу қабр — камтарин шоиримиз Отойнинг қабри. Шимол тарафдаги даҳмада шоирнинг акаси Исҳоқ ота, ғарбдаги даҳмада — қабрда шоир Отойнинг рафиқаси ётибди.

Биз Алишер Навоийнинг шоир Мавлоно Отойнинг қабри Балхда, деган сўзларини рад этмаган ҳолда, унинг жасадини сўнграқ ўзи туғилиб ўсган ота ва она юрти Турбат (эски номи «Хузиён») қишлоғига қариндошлари олиб келиб, уларга аталган мақбара ичига қўмишган бўлиши ҳам мумкин, деган тахминдамыз.

Визингча, Хусайн Шайх вақтинча Балх шаҳрига дафн этилиб турган. Уша даврларда Султон Хусайн Бойқаро давлати қарам ҳамма вилоятларга Шайхуллоом бўлган Убайдулло ҳожа Аҳрор ҳам Аҳмад Ясавий авлодларидан бўлиб, шоир Отойига қариндош эди. Шу сабаб ҳам Мавлоно Хусайн Шайх вафот этач, орадан бир оз вақт ўтгач, унинг жасади Балх шаҳридан Турбат қишлоғига — шоирнинг акаси Исҳоқ ота дафн этилган мақбарага олиб келинишида катта роль ўйнаган бўлиши мумкин.

Визинг бу мулоҳазаларимиз келажакда синчков шарқшуноларимиз томонидан ўрганилиб аниқланадиган жумбоқлардан бири бўлиши керак.

Ўзбек халқининг буюк алломи ва гениал шоири Алишер Навоийнинг устози ва энг яқин дўсти Абдурахмон Жомийни тожик халқи ўзларининг ардоқли фарзанди ва машҳур шоири, олими деб шу кунларгача фахрланиб келадилар. Ваъзи олимларнинг маълумотларига кўра, Абдурахмон Жомийнинг келиб чиқиши, насл насоби ўзбек халқининг сеvimли шоири Хусайн Шайх Отойи ва унинг ота-боблари наслига бориб уланад экан. Мана бунинг исботи:

Ленинобод шаҳридаги Тожикистон ССР С. М. Киров номидаги Давлат педагогика институтининг катта ўқитувачиси, филология фанлари доктори, профессор Эргашали Шодиев 1971 йилда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 2-сонига ёзган «Ҳоziқ куллийети» илмий мақоласида шундай ёзган:

«Ҳоziқ куллийети» асосан тўрт бўлимдан иборат бўлиб, қўлзма-нинг дастлабки икки бўлимда

Ҳоziқнинг шу кунга қадар фанимизга маълум бўлмаган икки рисо-ласи мавжуд.

Биринчи рисола автор томони-дан номланмаган бўлиб, унда Ҳоziқ ўзининг энг қадимий авлод-ларидан бошлаб то бобоси Шайхуллоо Хиравийгача санаб ўтади. Шуниси характерлики, Ҳоziқ санаган авлодлари қаторида Хўжа Аҳмад Ясавий, Саъдулдин Кошгарий, Абдурахмон Жомий, Хўжа Аҳрор қабиладарнинг ном-лари ҳам тилга олинади.

Энди биз қўлимиздаги мавжуд маълумотларга таяниб, Хусайн Шайх Отойи авлодларидан баъзи-ларининг номлари билан таниш-тириб ўтамиз: 1. Ифтихор. 2. Махмуд. 3. Шайх Иброҳим (Сайрамда шайхлик қилиб ўтган. Маълумки, Тошкент область, Калинин районидаги Калинин қиш-лоқ Советида Охунбобоев номли колхоз территориясида Иброҳим ота номда қишлоқ ва шу қиш-лоқда Иброҳим ота қабри бор). 4. Қорасоч момо (Шайх Иброҳим-нинг онаси). 5. Латиф ота (Қорасоч момонинг акаси, қабри Сайрамда). 6. Мустафокул (Қорасоч момонинг укаси, қабри Сайрамда). 7. Аҳмад Ясавий Шайх Иброҳим ўғли (вафоти 1166 йил. Мавлоно Хиёмиддин Сирноқийнинг рисоласида айтилиши-ча, Аҳмад Ясавий 130 йил умр кўрган экан. Аҳмад Ясавий қаб-ри Туркистоннинг Яеси деган жой-ида). 8. Жамолхоним (Аҳмад Ясавийнинг қизи. Унинг қабри ота-си қабри жойлашган мақбара яқинида 1896 йилга қадар сақла-ниб турган). 9. Гавҳар-Хуштари (Аҳмад Ясавий қизи, унинг но-мига нисбат берилган қабр ҳозир ҳам бор). 10. Аҳмад Ясавий ўғилларидан бирининг қабри Тошкентда — ҳозирги Госпита-ль бозори атрофида бўлган. 11. Ҳа-ким ота — Сулаймон Боқирғоний (Хоразмда яшаб, 1192 йилда ва-фот этган. У шерий йўл билан «Охир замон» ва «Боқирғоний» деган икки диний китоб ёзган). 12. Қусам Шайх — Ул турк ма-шойихидиндур. Хўжа Аҳмад Ясавий хонадонидиндур. (Алишер Навоий. «Насоимул-нафос»да). 13. Халил ота. 14. Қўрқут ота (12 боби). «Қўрқут ота китоби» деган насихатнома дoston ёзган. «Еш-лик» журналининг 1988 йил 5-6-7-сонларида эълон қилинди). 15. Занги ота (вафоти 1258 йил). Унинг номида Калинин райони-

да «Зангиота» қишлоғи бор. Шу қишлоқдаги қабристонда Занги ота қабри жойлашган мақбара ҳам бор. 16. Анбар она Вуғроқхон қизи (Занги отанин рафиқаси. Қабри Занги ота мақбарасининг ёнидаги алоҳида мақбара ичида). 17. Иброҳим ота (Аҳмад Ясавий иниси). 18. Исмоил ота Иброҳим ота ўғли (қабри Қозогистоннинг Турбат қишлоғидаги мазорда, мақбара ичида). 19. Исҳоқ ота Исмоил ота ўғли (қабри Турбатнинг «Қизил деҳқон» участкасидаги мазорда, мақбара ичида). 20. Шоир Хусайн Шайх Отойи Исмоил ота ўғли (қабри Турбатнинг «Қизил деҳқон» участкасидаги мазорда — мақбара ичида. Вафоти 1478 йил). 21. Мансур ота. 22. Хожа Ваҳоуддин (Исмоил отага на-бира). 23. Хожа Боязид. 24. Хожа Халил ота. 25. Мавлоно Саъди-дин Муҳаммад Кошгарий (вафоти 1456 йил. Алишер Навоийнинг устозларидан бири). 26. Хожа Убайдуллох Аҳрор (1399—1489 йиллар). «Волидия» («Она») деган дoston ёзган. 27. Абдурахмон Жомий Аҳмад Жомий ўғли (1414—1493 йиллар). 28. Мавлоно Муҳаммад Жомий Аҳмад Жомий ўғли (Абдурахмон Жомийнинг иниси). 29. Амир Бурхонид-дин Отоуллох Отойи (вафоти 1497 йил). («Қавохирул асмо» деган асар ёзган ва мадрасаларда талабаларга дарс берган). 30. Амир Бурхониддин Отоуллох Махмуд Хусайний Отойи (тахминан 1430—1440—1513 йил). Абду-рахмон Жомий билан Алишер Навоийнинг сеvimли шоғирди бўлган. Уч илмий асар ёзган: «Рисола қофия» («Қофия ҳақи-да рисола»). «Балойиҳ-с-сано-ий» (Ғиёсиддин Муҳаммад Хон-дамирнинг айтишича, «Рисола дар саноеъ ва бадое шерий»). Ки-тоб ўзбекчага Алибек Рустамов томонидан таржима қилиниб, 1981 йилда Тошкентда босилиб чиққан: «Такмилу-с-синоъа» («Мукаммал шеръ фани»). 31. Амир Жамолиддин Отоуллох Фауллуллох Асиллий ўғли ал-Ху-сайний Отойи — вафоти 1520 йил. Абдурахмон Жомий билан Алишер Навоийнинг ардоқли шо-ғирди бўлган. «Равзат ул-ахоб-фи сийар ан-набий ва л-асхоб» («Пайгамбарлар ва саҳобалар ҳаётида жаннат боғи») деган икки жилда асар ёзган. 32. Камолуддин Хусайн Воиз Али ал-Ко-шифий ўғли (турилган йили тах-

минан 1440—50 йиллар ораси, ва-фоти — 1504—1505 йиллар. Ота-си Али Эроннинг Қошон номи шаҳаридан бўлгани учун ал-Ко-шифий деб аталган. Абдурахмон Жомий Камолуддин Хусайн Воизнинг туғишган опасига уйлан-ган эди. Шунинг учун унга устоз-лик қилган. (У қомусий билимдон ва уста нотиқ бўлганлиги учун «Воиз» («Нотик») тахаллусини олган. Камолуддин Хусайн Воиз 1470 йилдан бошлаб Алишер На-воий билан дўстлашиб, унга атаб «Мавоҳиби олия» («Олий туҳфа-лар») асарини ёзган. Ўзбек ва форс-тожик тилларида иккита шеръ ва газаллар денонини туза-ган. 8 та илмий китоб муаллифи). 33. Фахриддин Али Сафий Камолуддин Хусайн Воиз ал-Кошифий ўғли (вафоти 1533 йил. У «Латоиф ул тавониф» («Турли тоифа-лар латифалари») деган асар ёзган). 34. Сулаймон Хожа. 35. Абдулвахҳоб Хожа Ориф — шоир (Ориф — тахаллуси, 80 ёшда ва-фот этган). 36. Шайх Али Хожа Шавқий Абдулвахҳоб Хожа Ориф ўғли — шоир (63 ёшда ва-фот этган). 37. Божохон Хожа — Важдий ва Жиддий тахаллусла-ри билан шерълар ёзган Абду-лвахҳоб Хожа Ориф ўғли. 38. Ибодулло Сайид Пошшо Хожа (Пош-шохожа ва Хожа тахаллуслари билан ижод қилган, Абдулвахҳоб Хожа Ориф ўғли (1478—1566-68 йиллар). «Гулзор», «Мифтоҳ ул-адл» ва «Мақсад ул-автор» деган таълим-тарбияга оид асарлар муаллифи. 39. Хожа Ваҳоуддин Ҳа-сан Хожа Нисорий Ибодулло Са-йид Пошшо Хожа ўғли (1515—1595 йиллар. «Муваққир ул-ах-боб» деган асар ёзган). 40. Абду-салом. 41. Бобохожа. 42. Шайх-химожа. 43. Жунайдулло Ҳоziқ Ҳаким (1843 йилда) Амир Насрулло томонидан қатл этилган. «Юсуф ва Зулайхо» дostonини ёз-ган, таржима ишлари билан маш-ғул бўлган, шеръ ва газаллар ёз-ган. 44. Муҳаммад Азим Но-дим — шоир (Ҳоziқнинг жиъни).

Юқорида номлари зикр этил-ган кишиларнинг ҳаммаси ўз дав-рининг машҳур қишчилари ва дав-лат арбоблари бўлганлар. Адаби-ётшунос ва шарқшунос олимла-римиз маданиятимиз тарихига оид маълумотлари яна тўдириб борадилар, деган умиддамыз.

ўрганолмаётимиз. Педагогикада янгилик яра-тиш илм-фанининг бошқа соҳаларидаги каш-фиётдан асло кам эмаслигини англай олгани-мизча йўқ.

БИР КУНИ Ўзбекистон телевиде-ни-сида юксак унвонга сазовор ўқитувчиларимиздан бирининг чи-қиши бўлди. Ҳаират, ўзимизда ҳам бор экан-ку, дея катта умид-лар билан экранга кўз тикдим. Афсус ўқитувчининг иш методи, ўқитиш тарзида ўрганишга арзийдиган бирон янгилик пайқамадим. Бунинг устига, савия масаласи ҳам андак... ўзига яраша эди. Ма-салан, аудиториядан шундай савол берилди: «Шунча йил ўқитувчилик қилибсиз, айтинг-чи, бирон марта ўз ўқувчиларингиздан ранжиган-мисиз?». «Йўқ!» — дея жавоб қилди ўқит-увчи. — Ҳеч қачон ранжиганман! Ўқувчи ўқит-увчи учун бамисоли фарзанд. Наҳотки, фарзанддан ранжиш мумкин бўлса! — Муаллим худди китобдан ёдлаб олгандек сўзини сунъий эҳ-тирос билан тугатди. Имомни қомилки, бу гапни эшитиб ўтирган ҳар бир фаросатли то-

мошабиннинг ҳаёлидан: «Елғон! Елғон!» деган фикр ўтгани аниқ...


Гап айлиниб келиб, яна ўқитувчининг шахси савияси масаласига тақалаётгани бежиз эмас. Ҳа, жуда кўп муаммоларнинг қалити ана шун-да! Мавриди келиб қолди, яна бир мисол ай-тай: Останкинода юқорида эслатилган новатор педагог, ленинградлик адабиёт ўқитувчиси Ильин билан бўлган учрашув охирида баъзи бахс қилиб кетди. Айрим ўртоқлар (булар орасида ўқитувчилар, мутахассислар ҳам бор) новаторни кескин танқид қила бошладилар. Залда Ильиннинг ўқувчилари ҳам ўтиришган эди. Улар астойдил бахсга аралашиб, сеvimли ўқитувчиларини асоссиз танқиддан шу қадар маҳорат билан, дадил, ўрнили ҳимоя қилишди-ки, ахирги муҳолифлар миқ этолман қолишди. Укувчилар Ильинни муаллимлари бўлгани учун эмас, аввало ҳақ эканлиги учун ҳимоя қилишди. Аини чоғда ўзларининг юксак билим даража-ларини ҳам намойиш этдилар. Биз бўлсак, ҳа-мон ўқувчиларимизнинг ҳатто юқори синфда ҳам исм-фамилиясини тўғри ёзолмаслигидан нолиб юрамиз. Болалар саводсиз бўлиб қо-

лаётганидан куйинамиз. Бу ўринда САВОД ма-саласини кенроқ йўсинда талқин қилсак тў-ғрироқ бўлади; ёшлар катта ҳаётга қадам қўй-ганларидан кейин ҳам узоқ вақтга ҳам «отаси-нинг ёки онасининг боласи» бўлиб қолаётми.

«Инсон қанчалик кўп билса, у шу қадар кучли бўлади», деган эди М. Горький. Дарҳақиқат, ношуд ўқитувчи кўлида ўқиб, мактабни фарқи-га бормайди, элу юртига чинакам фарзандлик қилолмайди, демак, улар, шоир айтганидек, халқ эмас, оломон бўлиб қолаверади.

Шодмонбек ОТАБОВ





Хондайлик — қадимий қишлоқ. Минг ёшли чинорлар бор. Ости сула бойлаб, кундалари бирлашиб кетган бу дарахтлар, одамларнинг айтишича, қадим «тўққиз оғайни» бўлган экан. Ҳозир шулардан олти таси омон турибди. «Вобокалонларимиздан, ўтмишимиздан ёдгорлик улар, — дейишади қариялар. — Мирзоҳид отанинг ўгли — Сирожиддин шоир чинорлар тўғрисида сўраб-суриштириб, бир нималар ёзиб юрарди...»

— Сирожиддин шоир деганлари ким экан? — сўради дадамдан, оқ-қорани ажратадиган бўлиб қолганимда.

— Э, у одам дунёга бир келиб кетди-да! — чуқур хўрсиниб ҳикоясини бошлади дадам. — Тўриқ биясига дучрак ўтирволарди, қўлида кичкина хвчин, Паргиздан Хондайликка тез-тез чиқиш турарди. Уни биринчи марта ўн беш ёшимда — 1921 йилда учратганман... Сирожиддин шоирнинг қимлиги ва бу одамдан ўша пайтда муллалар бунчалик қаттиқ чўчишининг боиси менга кейинроқ аён бўлди. Аниқ эсимда, 1921 йил куз ойининг биринчи жумаси эди. Қишлоқнинг барча тақводор одамлари масжидга йиғилишган бир паллада яна шу кишини учратдим. Сирожиддин шоир мезанга чиқиб олган, қўлидаги узун қозоғга ора-чора кўз ташлаб, қишлоқ домларини тақводор кишиларни бутун ёл олдида изва қилмоқда эди: «Камбағал хонадонда хатми куръон қилинди. Домлау имомлар еган-ичганларидан ташқари, уй-уйларига тугун қўлтиқлаб қайтишди. Камбағалнинг ош-овқатини еб, яна болалар ризқини қийиб кетиш... Бу — талончилик эмасми?! Уқиган тиловати учун ҳақ олсин, деб қайси китобнинг қай бетида ёзилган экан?!» Домлау имомларнинг биттаси ҳам миқ этолмасди. Э, у одамнинг шоирликлари, билимдонликлари, тўғрисуғлиги, ҳушёрлиги...

Қарасам, дадамнинг мактовни тугамайдиган. Мавзунини кўнгилмадаги режа сари буриш учун:

— Фараздалари бормикан? — деб сўрадим.

— Омонулла, Фатхулкарим исмли ўғиллари бола пайтларида нобуд бўлган экан. Ҳомия, Тошой исмли қизлари ҳозир Паргиз посёқсиде яшашиди. Ёзмоқчи бўлсанг, яхшиши ўшаларнинг суҳбатини олгин...

Паргиз посёқсининг ибтидо сини Хондайлик қишлоғи билан боғлиқ дейишади. Бу қишлоқдан ўн чақиримча қуйидаги Паргиз деган жойга одамларни турмуш машаққатлари етаклаб тушган экан. Паргиз, ҳар қалай, азим шаҳар — Тошкентга яқинроқ ва

қулай ўринда жойлашган. Темир йўл ҳам, тош кўча (ҳозир асфальт йўл) ҳам шу посёқкани оралаб ўтади.

Бошқаларни-ку, тирикчилик ташвишлари олиб тушгандир. Аммо Сирожиддин — Сидқий Хондайлиқини бу масканга ижод сеҳри бошлаб кетгани аниқ.

Етти яшарлиғида дадаси вафот этган Тошой опа, унинг ағачиси Ҳомия опа анча қариб қолишибди. Дадалари ҳақида гап очилиши билан уларнинг кўзларига ёш қуюлиб келди, кўп воқеаларни айтиб беришди...

Сидқий Хондайлиқий «катта қозонда қайнаш» учун тахминан 1903 йилда Тошкентга жўнади. Шундан то вафотига қадар жуда кўп устозлар, шоғирлар ортиради. Улар орасида Абдулла исми шоғирди айниқса меҳр-оқибатли кишиди. У киши йўл машаққатларидан чўчимаё, ҳар йили устозини зиёрат этар, ҳеч бўлмаганда мактублар йўллаб турар экан. Сидқий Хондайлиқий вафоти (1934 йилдан сўнг шоирнинг барча адабий меросини ҳам шу одам Тошкентга олиб кетибди.

Шундай қилиб, Абдулла Носиров эзига тушди. Абдулла ота барчага бирдек — ўта камтарин, ниҳоятда камсуқум киши эди. Юртимизда адабиёт, санъат ва маданиятга оид тарихий манбаларга қизиққан бирон кимса йўқки, Абдулла ота Носировга мурожаат қилмаган бўлса...

Абдулла Носиров 1916—1918 йилларда Сидқий Хондайлиқийдан хаттотлик сирларини, хатсаводни ўрганади.

— Мен домлам туфайли имло ва ҳуснхат сирлари билангина эмас, инсонларнинг бир-бирларига меҳр-оқибати, мурувват ва ихлоси, бошга қилич келганда ҳам тўғри сўзлаш, фақат ҳалол меҳнат орқали кун кечириб сирлари билан ҳам ошно бўлганман, — дер эди тўқсон ёшни қоралаб қолган Абдулла ота шу ҳақда гап кетганда.

Сирожиддин — Сидқий Хондайлиқий ўз-ўзидан баркамол инсон бўлиб туғилмаган, албатта. У ҳам буюк устозларга, яхшиларга ихлос қўйиб, ҳалол, аммо машаққатли йўлни танлаган эди. Шоир ўзига устоз деб билган улуглардан ўрганиш билан бирга, уларнинг руҳини шод этиш учун баҳоли қудрат хизмат қилади: Навоий, Саъдий Шерозий, Муқимий, Фурқат асарларини кўчириб кўпайтиради. Бундай масъул ишни бажариш даражасига Сидқий заҳматли меҳнат орқали эришади. У дастлаб отасидан ўрганган дастхатини машҳур Муҳаммад Шоҳмурод котиб, Мирза Ҳошим Хўжандий қабила устозлиғида такомиллаштириб олади. 1912—1913 йилларда Тошкентда истиқомат қилган

Мирза Ҳошим Хўжандийдан ёзувнинг сулс, насх, таълих услубларини пухта эгаллаш билан бирга, тошни ўйиб хат битиш, муҳр яшаш санъатларини ҳам мукаммал ўзлаштиради. Бир йўла араб, форс тилларини ўз она тили каби пухта ўрганади.

Улуг Октябрь социалистик революцияси галаба қилганда Сидқий Хондайлиқий янги ҳаёт кураётган халқ билан бирга бўлиш, мактаблар очиб, уларнинг фарзандларини ўқитиш учун ўзи туғилиб-ўсган жойларга қайтади. Жондек азиз устознинг кўздан йироқлашиши, устига-устак, отаси ва бобосининг бирин-кетин оламдан ўтиши ёш Абдуллани бутунлай доғиратиб қўяди.

— Дардларимни кимга айтишни билмай, устозимга саломномалар йўллаб бошладим, — дерди Абдулла ота ўша кунларни эслаб. — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (инв. № 7630) сақланаётган қуйидаги мактубим шу кунлардан азиз хотира: «Маҳфий қолмасинки, Жанобларини кўп соғиниб, сирларимни айтиб, дардларимни маълум этиб, кўнгилмини бўшатгудек Сиз сўзловчи бўлмагон сабабли кечаларда уйқум ўчиб, кўзларимдан қатра-қатра ёшлар равон бўлур... Шу хатни олиб борғувчи одамдан бир шишада сиёх, икки дона қалам, бир дона дафтар, олти дона перо бериб юбордим. Аригудек нарсга юбора олмадим, кўннинг қаторида кўргайлар...»

Зиёли бўлса-да, бечораҳол оилада яшовчи Абдулла Носиров устозга «арзимас» нарсалар юборганидан хижолат чекади. Аслида эса, дўстлару шоғирдлари давраларини қўмсаб юрган шоир учун бул мактуб ва совғалар бебаҳо эди. Воши кўкка етган Сидқий Хондайлиқий ўз хаяжонини жимжимдор ёзув билан дарҳол қайд этиб қўйган экан: «Ушбу павоид баҳияни 1338 (1919) тарихли санада шафқатлик, иззатлик дўсти муҳтарамим ва шоғирди мукаррамим Абдулла маҳдум Тошқандий тарафидин ҳадя қўндирилмиш эрди...»

Бошларига мушкул иш тушганда чора, бирор нажот излаб келувчи бечораҳол кишиларга баҳоли қудрат дарҳол ёрдам берувчи шоир айниқса шоғирди тақдирига бефарқ қараб тура олмасди. Абдулла Носиров бошига тушган қуфатлардан огоҳ бўлган заҳоти Сидқий шоғирдига мактуб йўллаб, қимматли маслаҳатлар беради, юпатади, вақт топиб, ўз ёнига чиқиб келишини тайинлайди. Қайси йўлга юрарини билмай, тадбиридан адашиб қолган шоғирди китоб орқалаб, Паргиз қишлоғига жўнади. Устоз-шоғирд яна топишиб, бир-бирларининг дийдорларидан

бахраманд бўлишгач: «Энди биз каби бенавою бева-бечораларнинг замони келди, золиму зўравонлардан кутулганимиз учун қувонайлик, Ленин тузган жамият шаънига шукроналар ўқийлик», дейди шоир.

Паргизга бир мартагина чиқиб йўл азобидан силласи қуриган шоғирд устозининг жасорати, бардошига қойил қолганди. «Ун олти йил Паргиздан Тошкентга қатнашининг ўзи бўладими?! Ижодга ихлос, деб мана буни айтиди...» деган эди у.

Устоз ўғитлари туфайли ҳаётда тўғри йўлни топиб олгач, ҳар йили баҳор ва ёз фаслларида китоб орқалаб Паргизга қатнаш Абдулла Носировнинг одати-ғавдаси айланади. Устоз ва шоғирд Сидқийнинг ҳужрасида узун тунлар узоқ-узоқ суҳбатлашишар, кундузлари полиз ёки бойда ишлашар, дала-тоғларга сайрларга чиқиб кетишар эди. Бир воқеани Абдулла ота қаттиқ ҳаяжон билан эсларди...

1922 йилнинг ёз ойларида янги уйланган Абдулла ёш келинчақ — Раҳбарой билан биргаликда устозни зиёрат қилиш тараддудига тушадилар. Абдулла, бир ўзи бўлганда-ку, китоб орқалаб хайё ҳув деб пиёда кетарди. Кўп машаққатлар билан арава топиб йўлга чиқишади. Шоғирди ташрифидан хабардормикан ёки кўнгил туйғуси туфайлими, устоз бесаранжом ҳолда катта йўлда кутиб турарди. Уйга кирадилар. Мезбон бир сабаб билан ташқарига чиққанда, Раҳбарой эрдан секин сўрайди:

— Устозингиз кўринмайди-лар?

— Вой афанди-ей, бизни катта кўчада кутиб олган одам устозим-да!

— Оббо, тоза уятлик бўлибмиз-ку! — ўзини қўярга жой тополмай қолади Раҳбарой. — Мен нодон у кишини домлангизнинг хизматқоридир, деб...

Султон Муҳаммад Ҳофиз Кўхокийи Тошкандий (туғилган йили номаълум, 1572 йили вафот этган) ўз замонасининг кўзга кўринган йирик олимидир. У машҳур Али Қушчи (тўлиқ исми-шарифи Аловиддин Али ибн Муҳаммад Самарқандий)нинг невараси паркентлик мавлоно Камолиддиннинг ўғли бўлиб, кўпроқ тошкентлик Ҳофиз Кўйкийи деб танилган. Олим бир қанча вақт Қўйликда ҳам яшаган, бинобарин, тарихнинг зарварақларида мавлоно Қўйликийи деб ёзилган жойлар учрайди.

Тошкент шаҳрининг Чигатой дарвозасидаги ҳозирги «Коммуна» кўчаси ўрнида жойлашган ҲОФИЗ КЎИКИИ МАҲАЛЛАСИ қадимдан шу улуг зотнинг номи билан аталиб келган. Ҳофиз Тошкандийнинг Паркентдан шу маҳаллага келиб туриб қолганлиги аҳтимол этилади. Юқорида зикр қилинган «Кўйкий» тахаллусини Ҳофиз ўзи туғилиб ўсган Паркентнинг Кўҳок кишлоғига нисбатан қўллаган бўлиши мумкин. Зеро, Кўхокийи сўзи «Кўхоқтоғ», яъни тоғлик Ҳофиз Кўхокийи деб аталиши ҳақиқатга яқинроқдир.

Ҳофиз Кўхокийи Тошкандий истеъдодли тарихчи, ҳуқуқшунос, таржимон, шунингдек, география, этнография, ҳандаса, риёзиёт, фалсафа ва адабиёт соҳаларини ҳам

чуқур эгаллаган, улардан ўз ишида унумли фойдаланган алломадир. Олим илмининг равнақ топиб, камолот чўққисига чиқа бошлаган даври асосан шайбонийхонлардан Ўбайдуллоҳон ва Абдуллоҳон II даврларига тўғри келади. Унинг бизгача сақланиб қолган асарларидан «Рисолаи фиғанний ат тавсир вал калом» («Эътиқодга оид илмлар ҳақида рисола») номли кўлэзма китоби ўша замонда шухрат топган асар бўлганлиги Ҳожи Халифанинг «Сижил Усманий» асарида айтилади.


Ҳофиз араб, форс тилларини ва адабиётини яхши билганлиги туфайли Шарқ ҳамда Ғарбда кенг шухрат қозонади. У илмий ишлар билан биргаликда мударрис (ўқитувчи)лик ҳам қилади, саёхатларга чиқади. Масалан, Ҳофиз ўзининг узоқ ҳаёти давомида Миср, Ироқ, Сурия, Яман, Саудия Арабистони, Афғонистон, Эрон, Туркия, Шарқий Туркистоннинг Қашқар, Хўтан, Еркент, Гўлжа каби қатор йирик шаҳарларида ва бошқа кўпгина хорижий мамлакатларда бўлиб, ўз билим доирасини ҳар томонлама кенгайтирган сермаҳсул ижод соҳибидир. «Сижил Усманий» китобида айтилишича, Ҳофиз Тошкандий шахсан Ҳиндистонда икки марта бўлади, хусусан, биринчи марта Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Мирзо ҳаётлигида 1528 йили ташриф буюради. Ушанда у Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тантанали қабул маросимида қатнашар экан, саройдаги расм-русмларни ҳамда Деҳли, Ҳайдаробод, Жайпур, Банорас, Калькутта ва бошқа жойлардаги кўрган-кечирганлари, маҳобатли қурилиш иншоотларини у ерларнинг ажойиботлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Жумладан, Бобур ўзининг «Бобурнома»сида: «Улуг ош тортиғонидан кейин... мулла Фаррух ва Ҳофиз бошлиқ била келганларга чакмонлар кийдирулди... Ҳофиз Тошкандий ва мулла Фаррух бошлиқ Ҳожа (ўша даврдаги Самарқанд шоҳи Ҳожа Ўбайдуллоҳон назарда тутиляпти — Ҳ. З.нинг мулозимларига ва бошқа ўлка элчиларига ҳам олтуғдин, кумушдин таркаш била инъомлар бўлди», — деб эслади. 1569—1570 йиллари иккинчи мартаба борганида, Бобурнинг невараси Жалолиддин Акбаршоҳ қабулига киришга мушарраф бўлади. Унинг айниқса, Чингизхон ва ўзбек ҳукмдорлари ҳақида ёзган тарихий асарлари бу кунги фан оламида жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Х асрда яшаб ўтган Муҳаммад бинни Инъом деган олим Шарқий Туркистон (Ўйғуристон) мамлакатига ҳақида, ўша ернинг ҳоқони Томғочхон бинни Бугрохон номига

Волейболчилар.

Ш. Алимов фотоси
(ЎзТАГ)



Пойга.

В. Ковтун фотоси
(ЎзТАГ)



Тошкандий

форс тилида «Тарихи Туркистон» номли китоб ёзган. XVI аср ўрталарига келиб, бу асарни Ҳофиз Кўхокий Тошкандий ўзининг кўп йиллик саёхат таассуротлари, тўплаган кўпгина қимматли бой илмий материалларидан фойдаланган ҳолда кенгайтириб, «Тарихи Хитой ва аҳволи мулҳиқо» номи билан туркий, яъни кўхна ўзбек тилига таржима қилади. Бу асарда Хитой ва Шарқий Туркистон ерларининг тарихи, унда ҳаёт кечирган уйғур, ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз ва бошқа туркий халқлар тарихи, расм-русм, урф-одатлари, маданияти, шаҳарларнинг жойланиши, бепоянлиги, чексиз гўзаллиги ҳақида кенг ва ажойиб маълумотлар берилди. Ҳожи Халифанинг «Кашфу Зунун» асарига ёзилишига кўра, XIV аср охирилари ва XV аср бошларида кўпгина хунар пешагирлари ва санъат турларининг намоёндалари қатори Али ибн Муҳаммад Сайид ибн Шариф Журжоний ва Саъдиддин Тафтаазоний ҳам Самарқандда яшаб илмий ишлар билан шуғулланган, ўша даврнинг энг кучли олим ҳамда файласуфлари ҳисобланганлар. Хусусан, алломи замон деб таъриф-таъсифланган Тафтаазоний Самарқанд мадрасаларида дарс берар, сарой олимларига сарбонлик

ҳам қилар экан. Ҳофизнинг эса ана шу икки забардаст олим, Али ибн Муҳаммад Сайид ибн Шариф Журжоний билан Саъдиддин Тафтаазонийларга бағишланган асари борлиги маълум. Шунингдек, бу икки олим ўртасидаги адабиётшунослик термини ҳақида мунозараларнинг моҳиятини ёритиш мақсадида Ҳофиз Тошкандий «Истиораи тамсила» китобини ҳам ёзган. Бу китобнинг бир нусхасини у Туркияга қилган сафарига Усманийлар ҳукмдори Султон Салимнинг вазири Муҳаммад пошшога ҳадя этган¹.

Ҳофиз Тошкандийнинг яна бир машҳур «Тарихи олий Чингиз» («Чингизхон ва унинг авлодлари тарихи») асари мўғул тарихига оиддир. Бу асар манбаларнинг нечоғлик аниқ ва тўлалиги билан ўтмиш тарихчилар асарларидан бевосита ажралиб туради. Ушбу ноёб китобни ёзишда у умрининг ярмидан кўп қисмини мўғул ҳукмдорлари саройида ўтказган машҳур Эрон тарихчиси — Воҳуддин Муҳаммад ал-Жувайний (XIII аср)нинг «Тарихи жаҳонқушои Жувайний» («Жувайнийнинг жаҳонни фатҳ этган жаҳонгир ҳақидаги тарихи») номли форс тилидаги асаридан кенг фойдаланган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу

Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Ҳофиз Тошкандийнинг «Шарҳи одобул ал-мунозара» («Одоб-ахлоқ бобида мунозара китобига шарҳ») китобининг 1604 йилда Муҳаммад Замон бини Лутфулло хаттот томонидан ҳуснихат билан Балх шаҳрида араб тилида кўчирилган нусхаси, араб тилида ёзилган «Фавоид Зиёия» номли шарҳланган асари, ўз устози мавлоно Асомиддин Иброҳим Исфаорийининг «Шарҳул мезон ал-адаб» асарига ёзган илмий шарҳи, форс тилида ёзилган «Ажолатул баёнфи шарҳул мезон»², «Дастурият фароиз» китоблари сақланмоқда.

Мазкур асарларни синчиклаб ўрганиш ва айрим кишилар қўлида сақланиб қолган қўлёзмаларни қидириб топиш тошвентлик бу йрик, забардаст олимнинг ҳаёти ва фаолиятига доир янада тўлиқроқ маълумот олиш имконини беради, бинобарин, ўлкамиз фани тарихига шубҳасиз яна бир мазмундор саҳифа қўшилади, деган ниятдамыз.

Аммо ҳозирда, улугъ мунажжим олим Али Қушчининг Тошкентда яшаган ана шу неварасининг номини абадийлаштириш борасида ҳеч қандай эътибор берилмай келинаётганлиги, у янаган ва қадимдан унинг табаррук номи билан юритилиб келинган маҳалла бугунги кунда нечундир унутлаёзганлиги кишини ажаблантиради, албатта.

Ҳабибулла ЗАЙНИДИНОВ

¹ «Сижил Усманий». ҲаССР Шарқшунослик институти қўлёзма фонди, инв. ном 2628. ж, IV, 100 б.

² «Сижил Усманий», IV ж. 120 с.

³ «Кашфу Зунун», асар II, саҳифа — 578, 5977.

ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

МАКТАБ ТАЪЛИМИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Турғунлик даври ҳаётимизнинг турли жабхаларида бўлгани каби халқ маорифи соҳасида ҳам узоқ муддат депсинишни вужудга келтирди. Умумий таълим мактабларида моддий шарт-шароитлар яратиш масаласи эътибордан четда қолди, ўқувчиларга билим бериш савияси саёзлашди, муаллимларга нисбатан ғам-хўрлик сусайди.

Айниқса мактаб қурилишлари, уларнинг капитал ва жорий таъмирлаш иши ўзгаришларга ташлаб қўйилди. Буларнинг ҳаммаси мактаб таълимига салбий таъсир кўрсатди. Бугунги вазифа эса қайта қуриш талаблари негизида халқ маорифида ошкоралик ва демократик принципларни кенг жорий этиш, таълимни замон талаби руҳида ташкил этишдир.

Халқ маорифи соҳасида иш савиясини ислохот талаби даражасига кўтариш мутасаддилар фаолиятининг асосий мазмуни бўлиши керак. Бу борада Хева шаҳар маорифи ходимлари тажрибаси эътиборга молик. Улар ташқаридан ёрдам кутиб ўтирмай, мактаб қурилишларини тезлаштириш, оёқларини ўз вақтида ва сифатли ремонт қилиш учун ўзларининг қурилиш-ремонт бригадасини туздилар.

Оммалаштиришга аргизулик бу ташаббус шаҳар маорифи бўлимининг мудираси Ёқутжон Ибодуллаеванинг ташкилотчилиги билан боғлиқдир.

1987 йилнинг ёз ойи эди. Ёқут

жон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Д. Ли хузурига кириб борди.

— Ҳар йили мактабларимиз ремонтни, кўшимча синф хоналари қурилиши учун 168 қурилиш-ремонт корхонасига ялинганимиз ялинган, — дея жиддий гап бошлади у, — керакли нарсаларни тахт қилиб қўйсак ҳам, сансалорлик қилиб иш бажаришди. Қолаверса, қанча маблағ ноўрин сарфланаяпти, ремонт ишлари янги ўқув йилигача тақаб олиб келинади. Биз энди шу борада бошқача иш тутмоқчимиз, қурилиш бригадалари ташкил этмоқчимиз. Умумтаълим мактаби, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар таркибиде мавжуд бўлган дурадгор, электрмонтер, слесарь-инженер, омборчи сингари ҳунармандларни бирлаштириб, хўжалик ҳисобидеги маориф қурилиш-ремонт бригадаси тузмоқчимиз. Фикрингизни олгани келдим. Мана бу хатда ҳамма истак ва таклифларимиз баён этилган.

Секретарь хатни синчиклаб кўздан кеңиргач:

— Яхши ташаббус, — деди у ва ўша заҳотиёқ халқ депутатлари шаҳар Советининг раиси В. К. Нурметов билан телефон орқали боғланди.

Орадан кўп ўтмай, шаҳар Советининг махсус қарори чиқиб, унда Хева маорифчиларининг ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Маориф қошида тузилган қурилиш-ремонт бригадасига Киров

номли мактабнинг эски биносиде қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни қўйиш учун жой ажратилди, бригадага мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинати ҳисобидан бир юк машинаси олиб берилди ва шу-шу ишлар юришиб кетди.

Маазкур қурилиш-ремонт бригадаси ўтган ўқув йили шаҳар мактабларининг капитал ва жорий ремонтларини 1 июлдаёқ юз фоиз сифатли ремонтдан чиқарди. Олдинлари кам ҳақ олаётган ёки олган ҳақида яраша ишламаётган қурувчи-ишчилар маоши табиий равишда ошди. Қолаверса ҳар йили мактаблар жорий ремонтни учун ажратилган маблағ анча тежалди.

Хева маорифчиларининг бу ташаббусини область партия комитети қувватлади.

— Утган йил мактабнинг жорий ва капитал ремонтини 1 июлгача тамомладик, — дейди мудира Ё. Ибодуллаева. — Бригада аъзоларидан гишт терувчи Мақсуд Ражабов, дурадгор Наримон Маткаримов, электр-газлайвандчи Хусни Абдуллаев, сувоқчи Хурмат Ибодуллаев, слесарь Собир Каримовлар алоҳида ғайрат кўрсатдилар.

Қайта қуриш жараёнида мактаб ислохотини амалга ошириш ҳар бир раҳбардан омилкорлик, ташаббускорлик билан ишлашни талаб этади. Хева шаҳар халқ маорифи бўлими мудираси Ё. Ибодуллаева фаолиятида бу хислатлар намоён бўлмоқда, де-



йиш мумкин.

— 1991 йилга бориб, — деди мудира, — барча мактабларимизни бир сменага тўла ўтказамиз. Бунинг учун ҳозирдан шароит яратмоқдамиз.

Халқ маорифи ходимларининг Бутуниттифоқ съезди делегати, жонқуяр ташкилотчи Ёқутжон Ибодуллаева ўзининг ҳаюлот хизматлари билан кенг жамоатчилик ўртасида тобора иззаат-эътибор топмоқда.

Ҳайдарали УЗОҚОВ

Хева — Тошкент



БАҲАЙБАТ ЧУМОЛИЛАР

Бразилияда қатталиги ўн, ҳатто ўн беш сантиметр келадиган чумолилар яшайди. Бу бахайбат чумолилар бошқа чумолилар ҳамда ўзидан кичик хашаротлар билан озиқланади. Ҳукумат бахайбат оғофат чумолиларга қарши аёвсиз кураш эълон қилди, чунки улар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ўнғарилмас зарар етказадилар.

СУВАРАККА ҚАРШИ

Япониянинг «Исикудаки Томару» фирмаси хонадонлардаги текинхўр хашаротларга қарши курашининг бутунлай янги усулини шулаб чиқди. Кашф этилган ультраовуш аппарати юксак даражадаги туюш тебранишларини ҳосил этиб, қандали суварак, куя, уй чумолилари ва бошқа хашаротларга кирон келтиради. Шартли равишда «Омне» деб аталган бу аппарати хонадондаги электр тармоғига 25-30 минут давомида улаб, эшик ва деразаларни зичлаб ёпиб қўйиш kifoya, хашаротлардан асар қолмайди. Бирок бу аппаратнинг харид нархи анчагина қиммат.

(Боши 27-бетда)

— Домлам ҳеч қандай хизматкорга муҳтож эмаслар, ҳамма юмушларни ўзлари эплаштирадилар. Ҳатто манави ширмой нонларни ҳам ўз қўллари билан ёпганлар! — дейди Абдулла.

Ота-бобоси ва устозидан ўрнак олган Абдулла Носиров китоб орқали халқ билан боғланиш йўлини узил-кесил танилди. 1922 йили Тошкентнинг Турон кутубхонаси (ҳозирги область кутубхонаси)да мудирлик вазифасини бажаришга киришган заҳматқаш бу инсон умрининг охирига қадар китоб кўчогидан айрилмади. Унинг олтинчи беш йиллик иш фаолияти давомида нақадар катта ўсиш-ўзгаришлар рўй берди, қанча-қанча қувончли ҳодисалар содир бўлди. Хусусан, 1940 йилдан Навоий номи кутубхонанинг шарқ бўлимида илмий ходимлик вазифасини олиб борар экан, Абу Райҳон Беруний номи Шарқшунослик институти ташкил этилиши (1943) муносабати билан Абдулла Носиров ўз қўл остидаги хазиналар билан биргаликда шу жойга кўчиб ўтди. Кейинги ҳаёти давомида ҳам бу табаррук инсон мазкур билим даргоҳида намунали меҳнат қилиб келди. 1971 йил Шарқшунослик институтининг янги биносига кўчиб ўтилган, иш шартлари тубдан яхшиланди.

Катта илмий ходим Абдулла

ПЕРУЛИК «ҚОР ОДАМ»

Бир қатор мамлакатлар матбуоти олимлар диққатини кўндан бери ўзига жалб этган жумбоқ — сирли «қор одам» ҳақида қўплаб хабарлар босди. Яқинда бир гурӯҳ француз альпинистлари Перунинг Анкаш департаментига номаълум махлуқни қўлга туширганлари маълум бўлди. Уларнинг фикрича, сўз тоғ районларида яшовчи қўлга тушмас жонотларнинг тури ҳақида бормоқда. Таъриф, тасвирларга қараганда, перулик «қор одам» ер шарининг бошқа жойларида қўлга чалинган улкан қардошларидан пақаналиги билан фарқ қилади. Унинг юзидан бошқа, бутун аъзои бадани қалин жун билан қопланган.

«Агар альпинистларнинг тахминлари тасдиқланса, — дейилади хабарда, — биз шов-шув бўладиган кашфиёт бўсағасида турибмиз».

ЯРИМ ТОННАЛИК ОДАМ

Американинг Хэмстед шаҳрида яшайдиган Уолтер Хадсон яқинда ўз уйининг остонасидан тушиб, тўрт кадам босди... Гап шундаки, 42 ёшли Уолтернинг 18 йил мобайнида биринчи бор Урдидан туриб, қадам ташлаши эди. У гоётда семириб кетиб, 545 килограммдан ортиқ бўлган танасини оёқлари кўтаролмасди. Парҳез қилиш натижасида кейинги ўн бир ой ичида у 317 килограмм озди. Парҳез оқватлари баъзан сув, ҳафтада икки бор саримсоқ пиёздан

тайёрланган хўракини истеъмол этиш натижасида эришди. У ҳозир ўз жисмининг 82—85 килограммга туширишга ҳаракат қилмоқда, кейинчалик сайёҳатга ҳам чиқмоқчи.

СИРЛИ ОРОЛ


Краснодар ўлкасидаги Темрюк районига қарашли Голубицкая станцияси ҳолиси яқинда Азов деңизини танимай қолдилар. Гап шундаки, бир кечанинг ўзида қирғоқдан уч юз метр нарида... орол ўсиб чиққан эди. Қирғоққа яқин яшайдиган китпкларнинг айтишларича, тунда деңгиз томондан ғаройиб шовкин эшитилди. Шундан сўнг сув юзисида пар ва тутун ўраида сувости кема-сини ослатувчи сирли нарса кўринди.

Оролнинг узунлиги 40 метр, баландлиги деярли икки ярим метр. 28 йил муқаддам худди ана шу жойда айнан шундай орол пайдо бўлган, кейинчалик уни деңгиз тўлкинлари ювиб кетган эди. Вўйига ва энига тобора ўсиб бораётган мазкур оролнинг тақдирини нима бўлиши ноъён.

400 МИЛЛИОН ЙИЛДАН СЎНГ...

Ер юзида кейинги 100 миллион йил мобайнида қанотли баалиқларга ўхшаш жонот ўзининг яшаш тарзини ўзгартирмаган. Бу баалиқларнинг тошда қотган қолдиқлари динозаврлар пайдо бўлгунча қадар, яъни 400 миллион йил олдин яшаган. 1938 йилда Ист-Лондондаги табиий фанлар музейлари кўриқловчиси Марджори Куртнез Жанубий Америкада тутилган

номаълум баалиқ турини ўрганиш учун ўз даврининг машхур ихтиологи, профессор Ж. Смитга юборишга ҳаракат қилмоқда, кейинчалик аниқлаштиришга, дунёда уларнинг яшаш жойи деңгиз чуқурлигининг 170 дан 200 метригача чуқурликда Мозамбик бўғозининг шимолий қисмида экан. Намуналарнинг узунлиги 109 смдан 180 см гача, оғирлиги эса 19.5 дан 95 килограммгача экан.



Олимлар унинг ички аъзоларини диққат билан текширишди, лекин ҳеч ким бу баалиқни сувда кузатишга муяссар бўлмади. Баалиқларнинг бундай тури сувнинг устки қисмида фақат тунда овқатланган. Шундан сўнг совуқ деңгиз чуқурликларига тушиб кетишган. Ихтиологларнинг фикрича, сув остида моддалар алмашинув жараёни секинлашиб, энергия кўп вақт сақлана экан. Бу хил баалиқлар яшайдиган сув тубида ҳаётнинг йўқлиги кишини ажаблантиради. Уларнинг ошқозонидан моллюскалар ва баалиқларнинг қолдиқларини кўриш мумкин бўлса-да, лекин қандай овқат-

ланишлари маълум эмас.

Олимларни қанотли баалиқ ўзини тутиши қизиқтирмоқда. Вақт ўтиши билан қанотли баалиқлар номаълум сабабларга кўра сув тубида тик қотиб қолганлар. Қанотли баалиқларнинг бошининг олд қисмидаги аъзоси акуляникитга ўхшаб. Бу аъзонинг вазифасига бошқа деңгиз жониворлари томонидан тарқатилган электрин қабул

қилиш кирар экан. Демак, «тик туриш» ов қилмоқ учун лозим.

Баалиқларнинг сузиши ҳам қизиқ, баъзан орка томондан олдинга, баъзан эса тепадан пастга тикка сузишар экан.

Аваллари улар егулик излаб деңгиз тубига тушадилар деган фикрлар бор эди, лекин кейинги текширишлар бу фикрни тасдиқламади.

Давримизнинг зоологик топшимоғи бўлган бу қанотли баалиқларнинг ўрганиш давом этмоқда.

А. СТРЕЛЕЦКИЙ

Носиров «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди. Зеро, у шарқшунослик соҳасида ярим аср ижодий меҳнат қилди. Шарқшунослик институтидаги 16 мингдан зиёд қўлёзма ва шундан ҳам ортиқроқ босма китоблар Абдулла ота қўлидан ўтгандан кейингина фондларга тушди. Вундан ташқари, билимлар заршуноси 127 томдан иборат библиографик китоблар яратди. Уларнинг биринчи рақамлиси буюк аллома Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодига бағишланган.

Тиниб-тинчимас ва изланувчан бу инсон фаолияти фақат библиографик маълумотлар тўплаш билан чекланиб қолгани йўқ. Илмий иш ҳамда ижод билан жиддий шуғулланган Абдулла отанинг Форобий ва Берунийга оид меҳнат маҳсули «Фан» нашриётида босилиб чиқди. Бошқа олимлар билан ҳамкорликда «Ўрта осиблик қирқ олим», «Аҳмад Фарғоний», «Али Қушчи» деб номланган рисоалари ҳам китоб ҳолида чоп этилди. Шунингдек, у қўплаб илмий мақолалар муаллифидир.

Абдулла Носиров ўз устози Сирожиуддин Хондайликка бўлган ихлос, эҳтиромини ҳам умр бўйи қалб тўрида эъзозлаб келди.

Абдулла Носиров ҳаётидаги энг гурбатли кунлардан бири 1934 йил куз ойларида рўй бер-

ган эди. Атиги эллик йил умр кўрган Сирожиуддин — Сидқий Хондайликкий тўсатдан касалланиб, ҳаётдан кўз юмди. Шу кезларда шогирди узоқ муддатли сафарда юрган эди. Сафардан қайтиб, оғир жудоликни эшитган заҳоти Паргизга йўл олди. У тургина хужрадаги сандалда ғам-ғуссага ботган ҳолда Сидқийдан қолган адабий меросларини кўздан кегириб жамлар экан, лаблари беихтиёр пичирларди:

— Кечиринг, устоз! Бепарво шогирдингиз айби билан кўп ажойиб дурдоналардан жудо бўлибми...

Шогирд изтироблари беҳиз эмас эди. Сидқий Хондайликкий вафотидан кейин ўтган йиллар мобайнида кўп қўлёзма асарлар изсиз ғойиб бўлганди. А. Носиров Сидқийнинг қолган-қутган асарларини адабиёт ва санъатга оид буюм-ашёларини Абу Райҳон Беруний номдаги Шарқшунослик институтига топширди. Шундан кейин ҳам уларни мудом эъзозлаб, Сидқий Хондайликкий ижодига оид ҳар неки топса, дарҳол рўйхатдан ўтказиб қўшиб қўйиб, авайлаб-асраб келди. Шогирд томонидан тиниб-тинчимай қилинган меҳнат, фарзанддек жонкуярлик туғайли шoirнинг анча адабий мероси тўпланди. Жумладан, 1913—1917 йилларда нашр этилган «Тухфани Шавкат», «Савтоти

Шавкат», «Баъзи ишрат», «Рабочийлар келиши», «Ватан қахрамонлари», «Тоza хуррият», «Русия инқилоби» каби китоблари, шунингдек, шоир томонидан юксак маҳорат билан ўзбекчага таржима қилинган ўнлаб нодир асарлар Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Бу юк инқилобни шод-хурамлиқ билан кўтиб олган, унга бағишлаб оташин шеърлар ёзган, омгани бу жамяят равнақи учун астойдил курашга чорлаган шоир таваллудининг юз йиллиги (1984)да Абдулла ота аниқса жон кўйдириб ишлади. Кимки бу хусусда маълумот сўраб келса, саксон беш ёшга борганига қарамай, бажонидил ёрдам берди. Натижада «Едгорлик» сериясида шоир асарларининг сайланмаси — «Навбахор» чоп этилди.

Устоз ва шогирдликнинг чин маъноси Сирожиуддин — Сидқий Хондайликкий ва Абдулла Носировлар ҳаётида мужассам эди. Шогирд умрининг охиригача бу покиза ақидага гард қўндирмади. Фақат юрғи топиб кетган паллаларда ота қалбидан самимий сатрлар тошиб чиқарди:

— Ҳисса қўшимда қудратимга нисбатан эл молига, Келтурур тўёнаин ҳар ким қараб ўз холига...

Асад АСИЛОВ



АЙЛАНАЙ, ЎРГИЛАЙ, ҚОҚИНДИҚ

ҲАЖВИЯ

Туя ҳаммомда ювинишни хавас қилган экан, дейдилар. Чийдухобадан костюм, бир нечта чунтаклик шим кийганларни кўриб, менинг ҳам кўнглим сует кетди. Иттифоқо, ишдан қатъириб дилимдаги гапни ҳамроҳимга айтдим. Йўл-йўлақай яна гап орасида, чийдухоба бизнинг ёшимизга тўғри келармикин, деган мулоҳазани ҳам қистириб қўйдим.

— Жуда яхши-да,— деди шеригим.— Ҳали, эҳ-хе, ўн гулингиздан бир гулингиз очилгани йўқ. Чийдухоба тугул ундан зўрларини кийсангиз ҳам ярашаверади. Мана, универмагнинг рўпарасига келиб қолибмиз, кирakoлайлик, чийдухобанинг яхшироғидан бўлса, ҳозироқ олақоламиз. Темирни кизигида ур, дейдилар.

Ҳамроҳимнинг далдаю қувватлови билан универмагга кириб, иккинчи қаватга кўтарилдик. Газламалар бўлимида чийдухобанинг бир неча тури бор экан.

— Булардан қайсиси чет элники, синглим? — деб сўради ҳамроҳим. Сотувчи — ёшгина қиз индамай турдию, хиёл нарироқда турган аёл — газламалар бўлимининг каттарoқларидан бўлса керак — яқинлаб келди-да, чийдухобалардан бирининг устига бармоқларини қўйди.

— Мана буниси яхши, чет элники,— деди у.— Кеча олувдик, икки тўпи кетди, шу бир тўпи қолди. Бундан тикилган кийим ҳар қандай одамни очиб юборади.

Аслида ўзимга ҳам ўшаниси ёқиб турувди, аёлгинанинг гашидан кейин чийдухобадан кўзимни узолмай қолдим: ранги тиммовий тусда, тарoқлари майда, ярқираб турибди.

— Битта костюм-шимга неча метр кетаркин? — деб сўрадим ҳалиги аёлдан.— Бизнинг ёшдагиларга ҳам бўлаверармикин ўзи?

— Албатта-да,— деди аёлгина,— ҳар ким дидига яраша кийимни кияди. Беш метр олсангиз сизга етиб ортади, эни анча энлик-да.

Ҳамроҳим ҳам бир менинг бўй-бастимга, бир матога қараб турди-да, бошмалдогини тиккайтириб:

— Во бўлади! — деди.— Шик-модерн!

Чийдухобадан беш метр ўлча-тиб, кассага пулини тўладим. Ҳамроҳим иккаламиз бирга-бирга универмагдан чиқдик. Йўлда хайр-хўшлашиб ажралишдик. Чийдухоба уйда хотинимга ҳам маъқул бўлди.

— Тиктириб кияверинг-е, жонингиздан айлансин,— деди кўнглимни кўтариб. Иккаламиз қайси бичиқчига олиб боришни маслаҳатлашдик. Хотиним учтўрт бичиқчининг номини айтди.

Эртасига — яқшаба куни биринчи бўлиб Танзила бичиқчиникига йўл олдим. Тахминан ўн ёшлар чамасидаги ўғил бола эшикни очди. Бичиқчи уйда экан.

— Келинг, айланай,— дея кутиб олди.

Мен мақсадимни айтиб, қоғозга ўралган чийдухобани қўлга бердим. Танзила бичиқчи олди, ёни очиқ айвончага бошлади, матони стол устига ёзиб кўриб, бўйи-бастимга тикилиб турди-да, хаёл сургандек ўйланиб қолди. Сўнгра:

— Матодан кўпроқ олмабиз-да, айланай,— деди боягидек хушумомалалик билан.— Сизга костюм-шим чиқмайди.

— Наҳотки? — дедим ҳафсалам пир бўлаётганини билдирмасликка уриниб.— Ахир, сотувчи аёл, етади, девди-ку?

— Сотувчилар молини мақтаб сотишни билади-да, айланай. Кийим тикишни чеварлар билади.

— Нима қилай, қайтиб кетаверайми? — дедим ҳайрон бўлиб.— Албатта-да, айланай,— деди Танзила бичиқчи материални қўлимга тутказар экан.— Яна бирор метр кўшиб олсангиз, қайтиб келинг. Хўпми, айланай?

Мен индамадим. Таъбим тирриқ эди. Ўзимча газламалар бўлимидаги аёлни ёзгирардим: ўшанда олти метр олинг, деганда-ку олам гулистон бўларкан...

Тарвузим қўлтигидан ташганича уйга қайтдим. Хотиним хиёл кўнглимни кўтарди.

— Мунча хўрсинмасангиз, бичиқчи биттами? Қўшни маҳалладаги Мукофот опага борақолинг. Яхши тикувчи дейишади.

— Мукофот опа?! — дея ҳайрон бўлиб сўрадим.— Уйи қарерда?

— Шундоққина Заҳарикнинг бўйида.

Узининг ҳам эсимга тушди, ўша томондаги бир ошга бораётганимизда кимдир, шу уйда яхши тикувчи бор, деганди.

Хуллас, Мукофот опаникини ҳам топиб бордим. Тахминан ўн-ўн бир ёшлардаги қизалоқ дарвозани очди. «Хайрият, бу гал эшикни қиз бола очди, ишим битадиганга ўхшайди», деб ўйлади ўзимча. Мукофот опа ҳам хушгап, хушфелъ аёл экан.

— Келинг, ўргулай,— деб кутиб олди.

Мақсадимни айтдим. Узун айвондаги стол устида чийдухоба яна очиб кўрилди. Аввалги жойда ишим битмагани учун юрагим пўкнллаб турарди. Мукофот опа ҳам ўйлабди қолди, бир маҳал ҳовлида гимирлаб юрган бояги қизалоқ — Мақтубанинг отини айтиб чиқарди-да:

— Шўхлик қилмагин, қизим,— деди. Сўнгра менга юзланиб.— Материалингиз ярим метрча етмайди, укам,— деди.— Топилса кўшиб обкелинг, бир ҳафтада костюмингизни тайёр қилиб бераман, ўргулай.

Ноилож яна уйга қайтдим. Руҳим тушкун эди. Хотиним яна кўнглимни кўтаришга уринди.— Бўлмаса бўлмапти-да, бошқа бозорни кўравермайсизми? — деди у.— Яна бирорта тикувчига бориб кўринг-чи, агар унис ҳам етмайди, деса, пешонамиздан кўрамыз.

Узининг ҳам фикрим шундай эди. Чунки, аввалги тикувчи, бир метр етмайди, деган бўлса, кейингиси, ярим метр, деди. Қани, учинчи тикувчини ҳам кўрайлик-чи.

— Анақа, тўққиз қаватли домда бир тикувчи бор, деб эшитувдим — Отика чевар,— деди хотиним.

Унинг гапи билан Отика чеварнинг адресини топиб, эшиги кўнғирoғини босдим. Аввалига лайча ҳуригани эшитилди-да, сўнгра эшик очилди. Эллик ёшлардаги аёл — Отика чевар шу бўлса керак, олдига пешбанд тақиб олганди — эшикни қия очиб:

— Келинг, қоқиндик,— деди.

— Илтмос билан келувдим,— дедим унга жавобан. Чеварнинг ортидан ичкарига одимладим. Беш ёшлар чамасидаги бола мўъжазгина оппоқ лайчани кўтариб олганди.

Отика опанинг бичиқчилик хонаси ҳам айвонда экан. Тикув-

чи менинг бўйимни, елкаларимни, қўлларимни ўлчади-да: — Жуда яхши, росмана костюм-шим бўлади,— деди.— Чунтаги қоқоқли бўлсинми, очиқ бўлсинми, коқиндик?

Мен хурсанд эдим. Чеварнинг саволига жавоб бермадим, беҳтиёр:

— Опажон, шу материал костюм-шимга бемалол етадимми? — деб сўрадим.

— Кўнглингиз тинч бўлсин, қоқиндик,— деди чевар опа,— бемалол етади материалингиз, ҳатто ортганидан манови беш яшар неварамга шим тикиб берсам ҳам бўлади.

Мен ҳайрон эдим. — Бундан олдин иккита чеварга борувдим, опажон,— дедим миннатдорлик оҳанги билан.— Уларнинг иккови ҳам материалингиз етмайди, деб қайтаришувди. Сиз эса...

— Ахир биз борни бўлдирадиган, йўқни йўндирадиган устаси фарангларданмиз-да, қоқиндик... Келиб туринг.


* * *

Қунлардан бир куни чийдухобадан тикилган костюмни кийиб тўққиз қаватли уй ёнидан ўтиб кетаттириб, оппоқ лайча етақлаб юрган болага кўзим тушди. Бола ҳам, у етақлаб юрган ит ҳам кўзимга иссиқ кўринди. Бола худди менинг костюмим рангида бежирим шим кийиб олганди. У етақлаб юрган лайчага ҳам худди ўша материалдан енгсиз камзулча кийдириб қўйилганди. Аниқроқ айтганда, мен ҳам, бола ҳам, оқ лайча ҳам бир хил кийимда эдик. Балки бизларни бир-биримизга яқинлаштирган нарса ҳам шу чийдухоба бўлса керак.

Яна бир нарсани айтиб қўяйки, боланинг танимасдан бепароу ўтиб кетгани менга негадир алам қилди. Аммо лайча қурмагур, танигандек ёнимга келди, искаланди, думоли ликиллатиб қўйди. Эҳтимол, етақлаб юрган эгасининг ва ўзининг номидан менга миннатдорчилик билдиргандир...

Ҳа, ўригидан мағизи ширин, дегандек аввалги иккала тикувчи ҳам чийдухобани кўрганда ўз невараларини кўз олдларига келтиришган экан-да.

Оқилжон ҲУСАНОВ



Сўзсиз сурат.

О. Холиқов чизган расм

**ОГОХ
БУЛИНГ -
ИГВОГАР!**



**ОГОХ БУЛИНГ -
ПОРАХУР!**




РАССОМ ВА ЗАМОН

ҲОЖИАҚБАР ҲАСАНОВ

ЧИЗГАН

ҲАЖВИЙ ПЛАКАТЛАР

**ЮЛФИЧЛИКГА -
ЧЕК КУҶАЙЛИК!**



Баҳси 35 тийин.
Индекс 75233.

